УзССР Давлат китоб палатаси
Ин
Гос. книжная палата УзССР
25=196

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 19 январ, № 3 (3340)

БИЗНИНГ ШАРҲ

УЛУҒ НЕЪМАТ

Узбек ва туркман халқларини минг йиллик тарих, минг йиллик бирга босиб ўтилган йўл боғлаб туради. Ота-боболаримиз ҳеч қачон бир-бирига сен туркмансан ёки сен узбексан, бу ер сеники, бу ер эса менки демаган. Улар бир ҳудудда, бир маконда яшаган. Бир-бирининг ўйида, азасида бирга бўлишган, душманга қарши бирга курашишган.

1991 йилда икки давлат мустақилликка эришгандан сўнг бу алоқалар яна ҳам кенгайди. 1995 йилнинг 12 ойида икки мамлакат ўртасидаги товар айрибошлаш ҳажми 232,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу ҳали чегара эмас. Ҳаёт, икки халқ танлаган йўл, узаро ҳамкорликни яна ҳам ривожлантиришни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий сафари дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги яна бир қадам бўлди.

Узаро музокаралар ниҳоясида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов икки республика ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани, Узбекистон билан Туркманистон ўртасида давлат чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ва сув хўжалиги масалалари бўйича битимларни имзоладилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эса сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, ҳаво йўли, божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, узоқ муддатли савдо, иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, даромад ва мулкдан икки ёқлама солиқ олмаслик, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги 20 дан зиёд битимлар имзоланди.

***

Шу кунларда Доғистоннинг Первомайск қишлоғида бўлаётган воқеаларни нафақат россияликлар, балки бутун жаҳон халқлари ташвиш билан кузатиб турибдилар.

Маълумки, Доғистоннинг Кизляр шаҳрида Салман Радуев бошлиқ қуролланган гуруҳ бир неча юз кишини гаровга олган эдилар. Улар Россия ҳукуматидан Чеченистондаги урушни тўхтатишни, бу юртдан Россия қўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб қилдилар. Лекин уларнинг бу талаби Россия ҳукумати томонидан қондирилмади. Икки томон ўртасида ўтказилган музокаралар ҳеч бир натижа бермагач, гаровга олинганлар билан Первомайск қишлоғига етиб келган Радуев гуруҳига қарши 15 январ куни Россия қўшинлари гаровга ушланганларни озод қилишни бошладилар. Мана бир неча кундирки, оғир жанглар давом этмоқда.

Россия матбуоти тарқатган хабарларга қараганда, радуевчилар гаровга олинган милиционерларни отишни бошлагандан сўнг, ҳукумат қўшинлари ҳужумга ўтган эмиш. Айрим чет эл радиостанциялари эса бу хабарни инкор этиб, ҳужум бошлагандан сўнг айрим гаровга олинганлар отиб ташланганлигини таъкидлайдилар.

Первомайск воқеаси дунёда турлича акс-садо бермоқда. Лекин кўпчилик сиёсатчилар ва ахборот воситалари Москванинг навбатдаги қадамини ҳам ўйланмай қилинган иш деб баҳолашмоқда. Жумладан, Британия университетининг халқаро сиёсат бўйича профессори Пол Уилкинон «Россия дарров ҳужумга ўтмай, музокараларнинг бошқа йўлларини қидириши керак эди», дейди.

Германияда чиқадиган «Франкфуртер Рундшау» газетаси эса барча айбни Россия ҳукумати зиммасига юклайди: «Бу босқинчилик урушини Москва бошлади ва Чеченистонда ҳалок бўлган минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаёти учун жавоб бериши керак. Узининг ҳарбий жиҳатдан устунлигини билган Москва ҳар қандай сиёсий келишувни рад этмоқда. Улар бу келишмовчилик қанчалик узоқ давом этса, чеченлар шунчалик кўп қаршилик кўрсатишини яхши билади. Шунинг учун ҳам улар барча нарсани қурол кучи билан ҳал этмоқчи», деб ёзади.

Дудаев тарафдорлари ҳақиқатан ҳам кунлар ўтган сайин турли йўллар билан қаршилик кўрсатишни кучайтириб боришмоқда. Первомайскда оғир жанглар кетаётган пайтда, улар Грознийда 29 кишини гаровга олиб, номаълум тарафга кетганлар. Куни кеча эса Туркия фуқароси Муҳаммад Такчан бошлиқ гуруҳ «Авразия» кемасини гаровга олдилар. Кема ичида турк ва рус фуқаролари бор эди. Улар ҳам Россия ҳукуматидан қўшинларини тезлик билан Чеченистондан олиб чиқиб кетишни талаб қилдилар, агар талаблари қондирилмаса, кемани «Босфор» бўғозида портлатиб юборажагини айтишди. Лекин Оллоҳга минг қатла шукурки, бу можаро тинч йўл билан ҳал бўладиган кўринади. Муҳаммад Такчан Туркия хавфсизлик хизмати ходимлари билан олиб борилган музокараларда ўз мақсадидан қайтганини маълум қилган. Агар ҳеч бир ҳодиса рўй бермаса, «Авразия» бугун эрталаб Истамбул портига етиб келади.

Чеченистондаги уруш Россиянинг ички иши, албатта. Аммо унинг бунчалик чўзилиб кетиши, бу ерда кўплаб бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлаётгани барчани ташвишга солмоқда. Шунинг учун ҳам бугун Москвада бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқлари учрашувида бошқа бир қанча иқтисодий ва сиёсий масалалар билан бирга Чеченистондаги бугунги вазият ҳам муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда. Ажаб эмас, бу учрашувда чечен муаммосини ечишнинг мукаммал йўли топилиб қолса. Биз шундай бўлишини жуда-жуда истардик Чунки тинчлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорликка не етсин. Ахир дунёда бўлардан улуғроқ неъмат йўқ-ку!

Беккул ЭГАМҚУЛОВ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Навоийхонлик кунлари олдидан

ШОИРНИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН МУХАММАСИ

Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи фондида ҳазрат Алишер Навоий қўлёзма девонлари, «Хамса»нинг ноёб нусхалари, шунингдек, шоир асарлари киритилган баёзлар сақланмоқда. Кейинги йиллар давомида музей катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмаджон Мадаминов раҳбарлигида олиб борилган изланишлар натижасида Навоийнинг янги ғазали, мухаммаслари, Қўқон адабий муҳитида вояга етган ижодкорларнинг устоз ғазалларига боғлаган мухаммаслар аниқланиб, матбуотда эълон қилинди.

Яқинда музей жамғармасидаги китоблар билан танишиш чоғида Навоий тахаллусли янги мухаммасни учратдик. (Қўқон адабиёт музейи, инв.: N 7018). Мухаммас киритилган қўлёзма 96 варақ. Қўлёзманинг 82-бетигача Ҳофиз асарлари битилган. Сўнг Яссавий, Жомий, Ибрат, Нисбат, Маҳзунанинг ҳикмат, ғазал, мухаммасларидан намуналар берилган. 92-«А» саҳифада «Ин хат Мулло Муҳаммаджон. Манки Муҳаммад Амин қори Йўлдош Муҳаммад суфи ўғли. Сана 1316», деб имзо қўйилган.

Мухаммас битилган ғазал бизга таниш эди. Чунки:

«Кўкрагимдур субҳнинг пироҳонидин чокрок,
Кирпигим шабнам тўкилган сабзадин намнокрок»

байтини Навоий бир гадодан сотиб олиб, уни ғазал ҳолига келтиргани ҳақида ўқигандик. Бу ҳақда таниқли навоийшунос олим, шоир, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси Мирзо Абдулла Насриддин ўғли Боқий (1882-1967) шоир Собир Абдуллага маълумот берган экан («Гулистон» журнали, 1967 йил, 2-сон). Шунингдек, академик Воҳид Абдуллаев ҳам бу ғазал тарихи ҳақида «Навоий Самарқандда» (Тошкент, 1968 йил) рисоласида тўхтаб ўтган.

Янги топилган мухаммас матнини Навоий асарлари 20 жилдлигидаги ғазал матнига қиёслаганимизда, ғазалдаги байтлар ўрни ҳамда сўзлар ўзгартирилганини кўрдик: **жон-ком, дам-лаҳза, ва-фо-фано, ўқланса-ўнгланса, теккан-бутган.** Бу ҳол ушбу мухаммасни ғазал муаллифининг ўзи битмаганмикан, деган тахминга олиб келди. Чунки бир матлаъни ғазал ҳолига келтирган устоз Навоий ўз ғазалидан қониқмасдан мухаммас ҳам биттан бўлишлари мумкин. Биз бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори Абдулқодир Ҳайитметовга мактуб йўлладик. Янги йил арафасида қуйидаги жавоб мактубини (Бу мактуб учун алоҳида миннатдорчилик билдиришга бурчлимиз) олдик:

«Баъд аз салом шуни маълум қиламанки, сизнинг 4.X.95 да менга йўллаган мактубингизни олиб, юборган материалингиз билан танишиб чиқдим. Бу мухаммасни филология фанлари доктори А.Абдуғафуров, С.Эркинов ҳам ўқиб ўз фикрларини айтишди. Институт директори Т.Мирзаевга ҳам хатингизни кўрсатдим. Ҳозирча ҳеч ким бу мухаммасни бирон жойда ўқиганини айта олмади. Шу жумладан мен ҳам. Навоийнинг ўзининг баъзи ғазалларига мухаммас биттани маълум. Бинобарин, сиз уни шахсан ўз номингиздан, «биз шундай тахмин қиламиз» деб, матбуотда эълон қилсангиз ёмон бўлмас эди.

Масала кейинчалик яна ойдинлашиши мумкин.

А. ҲАЙИТМЕТОВ.»

Қуйида Навоийга нисбат берилган мухаммас билан танишасиз.

МУХАММАС

Чарх Баҳроми муҳаббат аҳлига саффокрок,
Ушбу юздин ишқ дашти қатъи афтокрок,
Ҳажр тиғин чекмака гардун манго бебокрок,
Кўкрагимдур субҳнинг пироҳонидин чокрок
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Солди савдодин кўзум тун ичра сунбулдур санго,
Жонима афъо каби чирмошти, кокулдур санго,
Булбулинг келди, парилар чеҳралар гулдур санго,
Лабларингдин ком олурда барча эл қулдур санго,
Жон берурда бир қулинг йўқ бандадин чолокрок,

Қошларинг қатлимга моил ҳар замон кўрдум сани,
Лаъли жон бахшинг ўлук жисмимга жон кўрдум сани,
Роҳату айшим сарига позмон кўрдум сани,
Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сани,
Истарам ҳар лаҳза бўлгай хотирим ғамнокрок.

Бермаса тағйир, эл дил, таври афъолига чарх,
Зулм торин устиводин боғласа белига чарх,
Тутса ойини жафо ушшоқлар аҳлига чарх,
Одамилик туфроғин берса фано елига чарх
Оҳким, йўқтур киши аҳли фанодин хокрок.

Ўлма маҳзун даҳр нақдин ёд этиб бешу камин
Тутқусидир мотаминг, сен тутма онинг мотамин.
Истаю якранглик ўзига ҳар ким ҳамдамин
Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин,
Ким, йўқ эрди манзили ул водийда ондин покрок.

Токи шуҳрат чорсусини тушибдур дурри ашк,
Қадрин уммон ғавҳаридин ошибдур дурри ашк.
Ўзни хунўнлар орасига қўшибдур дурри ашк,
Ўйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк
Ким магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.

Кимки ўқдек ростликга шуҳраи офоқ ўлур,
«Ё» каби ориз ғаними чархи нилий тоқ ўлур
Чўғнинг вайронасини тузмоқи бузмоқ ўлур
Неча ўнгланса Навоий кўнгли захминрок ўлур
Кўрмадук захмеки буттон сори бўлгон чокрок.

Ҳасанжон ОТАЖОНОВ,
Фарғона вилоят адабиёт музейи ходими

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Маданият ишлари вазирлиги ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифалар муҳокама этилди.

Улуғ бобокалонимизнинг табаррук тўйларига тайёргарлик айни кунларда бутун мамлакат миқёсида олиб борилмоқда. Яқинда юбилейни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси аъзолари Шаҳрисабзда таъмирланаётган тарихий обидалар — Дорутсаодат ва Доруттиловат мажмуига кирувчи ноёб ёдгорликлар, Оқсарой ва бошқа обидалар, тўй муносабати билан қурилаётган янги иншоотларни, Самарқандда соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қутлуғ қадамжоларни бориб кўрдилар. Гўри Амир мақбараси, Оқсарой ва Руҳобод ёдгорликлари, Бибихоним комплекси ва улар атрофида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Амир Темур тўйига тайёргарлик ишларида вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар — маданият ёдгорликлари Бош илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси, «Узбектаъмиршунослик» институти, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз ва Термиздаги таъмирлаш устаҳоналари, «Қадрият» корхонаси ва бошқа тегишли ташкилотлар, мутахассислар жойлардаги ҳокимликлар билан биргаликда фаол иштироқ этмоқдалар. Жумладан, вазирлик, Самарқанд, Қашқадарё ҳокимликлари, Меъморлар уюшмаси ҳамкорлигида Амир Темур шарафига Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ёдгорлик мажмуи барпо этиш учун очиқ танлов ўтказилди. Танлов якунлари ташкилий қўмита йиғилишида кўриб чиқилди ва мақўлланди. Таъмирлаш ва тиклаш ишларининг юксак савияси, сифатини таъминлаш мақсадида таклиф этилган лойиҳалар, архитектура ечимлари олимлар, мутахассислар иштирокида ҳар томонлама муҳокама этилди.

Ҳайъат йиғилишида Амир Темур юбилейи — бу маънавий-ахлоқий қадриятларни тиклаш ва улуғлаш йўлидан бораётган Мустақил Узбекистоннинг жаҳон жамоатчилиги олдидаги обруси эканлиги алоҳида эътироф этилди. Тайёргарлик ишлари ҳамма жойда, барча бўғинларда катта масъулият билан, ишнинг юксак савияси таъминланган ҳолда олиб борилиши зарурлигига эътибор қаратилди. Йиғилиш қатнашчилари Қарши шаҳар ҳокимлиги бўлим бошлиғи Р.Суяров, Сиёб тумани ҳокими Ф.Ҳошимов, Шаҳрисабз шаҳар ҳокими муовини Т.Самижонов ва бошқаларнинг муҳокама этилган масалага доир ахборотларини тингладилар.

Вазирлик ҳайъати, ўз йиғилишида Маннон Уйғ номидаги Тошкент давлат Санъат институти фаолиятидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Республика Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ишлари вазирликларининг қўшма комиссияси мазкур олийгоҳ фаолиятини ўрганиб чиқиб бу ерда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганини аниқлади. Жумладан, ўқув-тарбия ишларига доир мутасадди ташкилотлар томонидан тавсия этилган ва тасдиқланган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши таъмин этилмаган, талабаликка номзодларни танлаш ва қабул қилишда бир қатор нуқсонлар мавжуд. Ижтимоий фанларга ажратилиши лозим бўлган зарурий соатлар ўқув режасига тўла киритилмаган. Айрим дарслар алоҳида гуруҳларда педагогўқитувчиларнинг йўқлиги сабаб қилиниб ўқитилмаган. Ўқишга сабабсиз бир ой ундан-да кўп вақт қатнашмаган талабаларга ҳеч қандай чора кўрилмаган. Бу иш деканатлар томонидан деярли назоратсиз қолдирилган. Бошқа ўқув юртларидан ўтказиш йўли билан талаба қабул қилишда тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик ҳоллари мавжуд.

Ҳайъат йиғилиши аниқланган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш, институт раҳбариятини мустаҳкамлаш зарур деб ҳисоблайди. Бир ой муддат ичида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда институтга зарур ёрдам кўрсатиш, меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, масъул ходимларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш юзасидан тадбир-чораларни кўриш вазифаси мутасадди ташкилотлар зиммасига юклатилди. Қабул қилинган қарорда вазирлик тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари олдига давлат аттестациясига тайёргарликни кучайтириш, Санъат институти фаолиятидаги нуқсонлар билан боғлиқ масала ва унинг муҳокамаси якунларини атрофлича ўрганиб чиқиш, талабаларни озод Ватанга, Мустақиллик ишига садоқатли, фидокор қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилган.

Ҳайъат йиғилишида вазирлик ва Ҳайъатнинг 1996 йилги иш режалари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Санъатимиз фидоийлари—Саодат Қобулова ва Қундуз Миркаримова

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг йиғилиши бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Жамол Камол ўз аризасига кўра уюшма раҳбари вазифасидан озод этилди.

Узбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Узбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайланди.

Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов йиғилишда сўзга чиқди.

(ЎзА).

ИМОНЁРЛАР СОҒИНГАН ДАМЛАР

Ҳар нарсанинг ўз закоти бор, рўза тан закотидир

ҲАДИСДАН

Одамзот дунёга келибдики, мудом эзгуликка интилиб, ҳар қачон, ҳар вақт яхши кунларни соғиниб яшайди. Фоний дунё тарихида эса бундай кунлар кўп, жуда кўп. Аммо улар орасида биттаси алоҳида ажралиб туради. Бу энг муқаддас, энг табаррук дамлардан бири Рамазон ойидир. Чунки эътиқодли кишилар учун бу ойнинг деярли ҳар бир куни муқаддас тарихий воқеаларга бой. Жумладан, унинг биринчи куни Иброҳим алайҳиссаломга Оллоҳдан бир неча саҳифа тушиб, китоб нозил бўлган. Олтинчи куни Мусога Таврот, ўн иккинчисида Довудга Забур, ўн саккизинчисида Исога Инжил туширилган.

Рамазон ойи мўмин-мусулмон аҳли учун беиҳоя муқаддасдир. У бизга биринчи навбатда бани башарни ҳамиша нури ҳидоятга бошлагувчи, рост билан ёлғонни ажраттувчи Қуръони Каримнинг нозил бўлганлиги билан илоҳийдир. Динимиз асосчиси Муҳаммад алайҳиссалом ва саҳобаларнинг шаҳодатларича, муқаддас китобимиз пайғамбаримизга илк бор айнан шу ойнинг 26-сидан 27-кунига ўтар кечаси туширилган. Шу боис, бу тун «Лайлатул қадр», яъни «Қадр кечаси» деб аталади ва йилнинг энг муборак кечаси ҳисобланади. Қуръони Каримда айтилишича, Қадр кечасида қилинган тоат-ибодат минг ойлик тоат-ибодатдан ҳам афзалроқдир.

Фақаттина шу эмас. Рамазон ойида ислом тарихида катта аҳамиятга молик бошқа воқеалар ҳам рўй берган. Чунончи, унинг 6-кунида пайғамбаримизнинг набираси имом Ҳусайн, 22-сида халифа Али ибн Абу Толиб таваллуд топган, 10-кунида Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўз очиб кўрган завжаи муҳтарамалари Ҳадича онамиз вафот этган, 17-кун тонгида пировардида пайғамбаримиз ғолиб чиқиб, Маккаи Мукаррамага кирган, Бадр жанги бошланган. Расули Акрамнинг Маккаи Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага ҳижратларининг иккинчи йилида эса Рамазон ойида ўттиз кун рўза тутиш фарз қилинган.

Мусулмонликнинг беш устунидан учинчиси бўлган бу фарз асл моҳиятига кўра кишини нафсоний-жисмоний, руҳий-маънавий, ахлоқий-тарбиявий жиҳатлардан синовдан ўтказувчи, имон-эътиқодини баҳоловчи имтиҳондир. Пайғамбаримиз таъбири билан айтганда, рўза таннинг закотидир. Бу ибодат замирида инсонни ҳар томонлама сабр-тоқатга, иродасини чиниқтиришга, покликка ва эзгу-савоб ишлар қилишга, гуноҳлардан парҳез тутишга одатлантириш мужассамлашган.

Зеро, рўза тутиб, субҳ саҳардан кун боттунга қадар очнаҳор юрган одам, биринчидан, сабр-қаноат билан ошно бўлади. Сабр эса инсон руҳини поклайди, матонатини оширади. Энг муҳими эса, «Рўза сабрнинг ярми бўлса, сабр имоннинг ярмидир». Иккинчидан, рўзадор одамнинг танаси турли иллатлардан тозариб, жисмоний дардлардан фориғ бўлади, ички аъзолари фаолияти яхшиланади. Инчунун, рўза соғлиқнинг муҳим гаровларидан биридир. Учинчидан, рўзадор киши оч-ялангочлар, етим-есирлар аҳвол-руҳиясини бошқаларга нисбатан теранроқ тушунади, қалбида уларга нисбатан меҳр-шафқат уйғонади, хайр-эҳсонга бош қўшади. Тўртинчидан, ҳақиқий рўзадор ёлғон сўзлашдан, ғийбат-иғводан, туҳмат-бўҳтондан, қарғиш-сўкишлардан, қабиҳ ишлардан ўзини тияди, ахлоқан юксалади.

Рўза ибодатини тўла-тўкис адо этишнинг шарофат ва фазилатлари ҳақида пайғамбаримиз ҳадисларда шундай уқтирганлар: «... Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменки, рўзадорнинг оғзидан келган бўй, Оллоҳ наздида, мушк-анбар бўйидан ҳам хушбўйроқдир, чунки Оллоҳ таоло: «Рўзадор мени деб еб-ичмас ва мени деб рўза тутар, бинобарин, унинг мукофотини ўзим бергайдирмен ва ҳар бир яхшилиги эвазига мендан ўн баробар мукофот олгусидир, — дейдир». Бошқа бир ҳадисда эса бундай дейилади: «Уч кишининг дуоси рад этилмай қабул бўлади: оғиз очаётган рўзадорнинг дуоси, адолатли давлат раҳбарининг дуоси ва ноҳақ жабр кўрган кишининг дуоси».

Демакки, Рамазон яна бир бор одамзот Ҳақни танишга, инсонийликни улуғлашга интиладиган палла! Демакки, у имонёрлар йил бўйи, умр бўйи ҳамиша соғиниб яшайдиган ой! Яратганга минг қатла шукурларким, биз бугун яна ана шундай ажойиб кунлар арафасида турибмиз...

Рамазон ойи барчамизга қутлуғ бўлсин!

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Истиқлол ва иқтисод

Мурод АБДУЛЛАЕВ

ИШЧИ ДЎСТИМ, ҚЎЛИНГНИ БЕР!

* *Ишчи синфининг қайноқ қозони*
* *«Арзон ёқилғи» арзонга тушадими?*
* *Туяни миниб узоқни кўзла*
* *Нуриддин Зайниев тадбир ахтаради*

Тилимизда негадир газни арзон ёқилғи деб аташ урф бўлган. Мен яқинда Қашқадарёдаги йирик газ ва нефт конлари, уларнинг тозалаш иншоотлари билан танишгач, бу ибораниг бир қадар юзаки эканлигига амин бўлдим. Умуман, ёқилғи ва ёнилгининг бирор турини ҳам арзон деб баҳолаш соғлом мантиққа зид. Бир-бирига нисбатан олиб қаралганда эҳтимол арзонроқ туюлиши мумкиндир. Бироқ шунда ҳам масаланинг моҳиятига назар ташлаб, уларнинг табиат бойлиги сифатидаги аҳамиятини ҳисобга олсангиз арзон дегани нечоғлик нисбий тушунчалигига иқрор буласиз.

Газ арзон ёқилғи эмаслигини англамоқ учун газ конларини тадқиқ этишу топилган бойликларни қазиб олиш, конлар оғзига уланган қувурларни неча юзлаб километр масофалардан заводларга тортиб келишнигина эмас, мана шу заводларда ниҳоятда мураккаб муҳандислик ечимларини қўллаб уни тозалаб олиш жараёнининг бутун бир узлуксиз маромини тасаввур этиб кўрмоқ зарур бўлади. Бошқача айтганда, бизнинг тушунчамиздаги оддийгина ёқилғи қилни қирқ ёргандек қилиб ташкил этилган ниҳоятда мураккаб тозалаш жараёнидан ўтади.

Энди ана шу бир неча босқичдан иборат тозалаш жараёни учун зарур бўлган ноёб қурилмалар, механизмлар ва уларни ишлата олиш иқтидоридан тортиб, таъмирлаб ва янгилаб туриш сингари зарурий ишлар ҳам ақлингизни ошириди. Булар асло арзонга тушмайди.

Газ плитаси жўмрагини шундайгина бураб арзон ёқилғини бемалол ишлатиб ётган миллионлаб одамлар буни билишмайди. Муборак газни қайта ишлаш заводи бош директори, иқтисод фанлари номзоди Нуриддин Зайниев ноёб корхонанинг иш жараёнлари билан таништириб юрар экан, ҳаёлимдан беихтиёр шу ўйлар кечади.

Бу ерда иш қўлами шу даражада кенг ва мураккабки, бундай корхоналар ўз миқёсларига кўра жаҳонда саноқлидир. Шундай корхонани бошқараётган, унинг энг ноёб иш бўгинларида худди соат механизмларидек аниқ ишлаётган — мустақил Ўзбекистон иқтисодий қудратини намойиш этувчи гигант корхонанинг ишчи-хизматчилари, уддабурон мутахассисларига қойил қоласиз. Негаки, улар қанчадан-қанча газ қудуқларидан келаётган хом газни қабул қилиб олиб, уни тозалаб, республика эҳтиёжи, давлатимизнинг экспорт тармоқлари учун пайдар-пай жўнатиб туришибди.

— Корхонамизда ишлаётганларнинг тўқсон беш фоизи ўзимизнинг элдошларимиз, — дейди Н. Зайниев, — бош мутахассисларимизнинг аксарияти шу заводда ишлаб, малака ошириб, камол топган юртимиз фарзандларидир.

— Бунга қандай эришдингизлар, — сурайман бош директордан.

— Аввалари бизда ҳам манзара худди Тошкент саноат корхоналаридаги каби эди. Жуда кўп масъул иш бўгинларида асосан русийзабон мутахассислар ишлашар, улар ўз ишининг кўзини билувчи моҳир мутахассислар эдилар. Энг мураккаб технологик жараёнларни бошқариш уларнинг зиммасида эди. Негадир ўзимиз ҳам шу ҳолга қўникиб кетган эканмиз. Бўлмаса аввалдан нафақат ишчи синфини, улар билан елкама-елка ишловчи муҳандис-технологларни ҳам камол топтиришимиз мумкин эди. Бироқ лоқайдлик деймизми, узоқни кўра олмаслик деймизми, негадир бу масалага эътиборимиз суст эди. Мустақиллик кўзимизни очди. Унинг илк кунларидаёқ эртани, истиқболни ўйлай бошладик. Бунга бир томондан собиқ Иттифоқда чиқадиган айрим матбуот нашрларининг ваҳимали қилиб русийзабон аҳоли Ўрта Осиедан кета бошлади, дея ваҳоннос солишлари ҳам сабаб бўлди. Биз мутахассисларнинг ҳали бирортаси ҳам кетмасдан туриб ўз муҳандисларимизни — бошқа юртда олтин тоғ ваъда қилсанг ҳам киндик қони томган ватанини ташлаб кетмайдиган ҳунари зўр, заковатли, иқтидорли йигитларимизни мустақил ишга тайёрлай бошладик. Уша масъул иш жараёнларини бошқараётган муҳандисларга уларни шогирд қилиб қўйдик. Заводнинг барча иш бўгинлари учун бир уринга 2-3 нафардан муҳандис тарбиялаш, ўқитиш, ўргатиш, малака ҳосил қилишига эътиборни қаратдик. Кўриб турибсизки, ҳаракатимиз бежиз кетмади. Заводни бошқараётганларнинг ҳаммаси ўзимизнинг йигитлар...

Дарвоқе, мен бундай ёшларни фақат Муборак газни қайта ишлаш заводидагина эмас, Шўртан газ иншоотларида, Кўкдумалоқ нефт конларида ҳам кўрдим. Энг замонавий компютерларни бошқариб, уларга кўз-қулоқ бўлиб турган ўзимизнинг зукко йигитларимизга балли дедим.

Балли, дейману, яна кўз олдимга Тошкент корхоналари келади. Газетамизда беш-олти йил бурун ўзбек ишчи синфи қачон шаклланади, деган муаммоли мақолалар эълон қилган вақтларимиз ёдга тушади. Ушанда Тошкентдаги йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари рус тилини яхши билмайди, деб маҳаллий миллат вакилларини корхоналарда дурустроқ ишларга қўйишмас эди. Худди собиқ Иттифоқ даврида ҳарбийга чақирилган маҳаллий миллат йигитлари фақат қурилиш қисмларига олингани, ҳарбий ўқув юртларига эса улардан номигагина бир-икки киши қабул қилингани сингари энг катта заводлардаги асосий иш жойларига ҳам бизнинг мутахассислар яқин йўлатилмасди. Ё бу узоқни кўзлаб қилинар, ёки бундай сиёсат замирида бошқа мақсадлар ётарди. Ўзбек ишчи синфининг шаклланиш жараёни шунинг учун ҳам жуда суст кечган эди. Катта корхоналарга ишга кирган миллатдошларимиз йиллар давомида сермеҳнат жараёнлардаги оддий қўл меҳнати билан машғул бўлиб қоларди. Шу уринда ўзимнинг мухбирлик тажрибамдан бир мисол келтирай. Собиқ «Совет Ўзбекистони» газетаси бўлим мудири раҳматли Жўра Ҳолқосимов бир ишчи ҳақида очерк ёзиб беринг, деб мени Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводига йўллаганди. Завод раҳбарияти шаҳар кенгашига депутат бўлган ўзбек аёлининг номини айтиб, уни чақириб берамиз, шу ерда суҳбатлашиб, ёзиб кетаверасиз, дейишди.

Ҳарқалай, ишчи аёл партком хонасита ясан-тусан қилмай ўз жомакорида келди. Котибнинг эса жаҳли иқиб: «Бу нима юриш, шу жомакорингни ташлаб чиқсанг бўлмасмиди», деди. У мулзам бўлиб қолди. Мен ҳечқиси йўқ, дея ишчи аёл билан суҳбатлашдим. Бироқ суҳбатдан кўнглим тўлмади. Унинг ишлаётган жойини, қандай иш бажаришини кўрмасдан ёзолмаслигимни тушундим. Бахтимга, парткомни шаҳар қўмитасига чақириб қолишди-ю, мен бир амаллаб ишчи опа билан цехга кириб, унинг иш жараёни билан танишишга муяссар бўлдим. Опа ишлаётган цех кўнглимни айнитди: зах, ифлос, ҳар ёқда чигит эккич мосламанинг қисмлари сочилиб ётибди. Депутат опамиз нима иш бажаради десам, у бурама гайкага мих ўтказаркан. Ў бечора чаққонлигидан, масалан, бир сменада мингта ўрнига бир минг икки юз гайкага мих ўтказганидан илғор саналаркан...

Ушанда ишчи аёлининг аҳволига ачиндим. Фақат унинг аҳволига эмас, республикадаги доврўқли газета топшириғи билан очерк ёзгани келиб, топган қаҳрамоним учун ўзимга ҳам ачиндим. Моҳир ишчи ҳақида дурустроқ очерк ёзиб кўзга кўриниш у ёқда турсин, оддий топшириқни уддалай олмади дея орқаворотдан айтиладиган гапларни кутарар эканман-да, деб эзилдим. Ўзр сураб индамай кетишга мажбур бўлгандим ўшанда.

Ахир муносабат шундай бўлгач, бизнинг ўзбек ишчи синфи қаёқданам шакллансин? Борди-ю бутун Тошкентдаги йирик саноат корхоналаридаги мураккаб иш жараёнларини бошқаришда ўзбек ишчилар синфига эҳтиёж катта экан, бунга биринчи навбатда ўша корхоналарга йиллар мобайнида раҳбарлик қилиб келган баъзи ишбошилар айбдордир. Уларнинг атайин хоҳламасликлари сабаб шундай аҳвол юзага келган. Бу кўп йиллар мобайнида ярамас анъанага айланганди. Агар уларнинг бошида ҳам Нуриддин Зайниев каби халқпарвар, юртпарвар, Ватан ва миллат туйғуси баланд ишбошилар турганида аҳвол бундай бўлмасди.

***

Ҳаёт Узбекистоннинг, узбек халқининг олтин конлари сингари муҳим аҳамиятга молик янада улкан корхоналарни ҳам бошқаришга қодирлигини кўрсатди. Мустақиллик республика халқининг асрлар давомида ишга тушмай ётган ноёб имкониятлари бўй кўрсатишини тезлаштирди, асл ҳунарманд, асл соҳибкор, асл тадбиркор бўлган ўз соҳасининг заргарлари истеъдодини руёбга чиқарди.

Чин ватанпарвар, халқини ўйлайдиган кишилар бош бўлган жойларда одамларнинг бу имкониятлари тез намоён бўлаётир. Бироқ афсус билан айтадиган гап шуки, айрим нўноқ раҳбарлар, эл ғамини эмас, ўз манфаатини устун қўядиганлар ишлаётган жойларда эса одамларнинг имкониятлари ҳали мудраб ётибди. Билингки, қаерда шундай одамлар ишбошилик қилаётган бўлса, ўша жойда бугун мактабни битираётган ёшлар нима қиларини, бошини қаёққа урарини билмай юришибди, баъзилари ўзини савдо-тижоратга уриняпти, баъзилари эса ҳамон гаранг.

Бу ҳақда фикр юритганда, кўз олдимизда она Ватанимизнинг йигирма биринчи асрдаги қиёфаси намоён бўлади. Бугун биз хорижий сармоялар, илғор технологияларни сафарбар этиб йирик машинасозлик иншоотлари, оғир индустрия корхоналарини бунёд этаётган бўлсак, яна беш-ўн йилдан кейин жаҳоннинг истаган саноат марказлари билан рақобатлаша оладиган ўзбек саноатининг кўп тармоқли ва кўп қиррали йирик индустрия комплексларини бунёд этишимиз зарур бўлади. Бугун биз кўпроқ хом ашё чиқариб асосий турдаги маҳсулотларни хориждан олиб келаётган бўлсак, эртага асосий маҳсулотни шу ерда ишлаб чиқаришимиз, хорижга тайёр маҳсулотимизни сотиб жаҳон бозорида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллашимиз керак бўлади.

Бошқача айтганда, Ўзбекистонни аграр республикадан саноат юксак тараққий этган, одамлари қишлоқлари, шаҳардами, қаерда истиқомат қилишидан қатъи назар — бунёдкор меҳнати билан чинакам муъжизалар яратаётган, илм ва тафаккур ривожланган, юксак техник маданият қарор топган республикага айлантиришимиз керак. Бундай мамлакатда жўн тадбиркорлик билан яшаб бўлмайди. Қишлоқ меҳнатчисининг иши ҳам, фикрлаш тарзи ҳам ўзгаради. Оддий жисмоний меҳнатдан кўра ақлий меҳнат устивор бўлади.

Бугунги ўзбек ишчилар синфи мана шу инқилобий ўзгаришларга тайёрми? Биз бугун барча тоифадаги ишбошилардан шу ҳақда сурашимиз, талаб қилишимиз даврнинг энг катта зарурати бўлиб турибди.

* * *

Мустақил давлатимиз иқтисодий тараққиётининг устивор йўналишлари орасида нефт ва газ саноати алоҳида ўрин тутади. Республикамизда тозаланган газнинг кўп қисмини бераётган мубораклик газни қайта ишловчилар зиммаларидаги вазифаларини теран англайдилар. Бу улкан иншоотда бир кеча-кундузда бир неча ун куб метр газ тозаланмоқда. Мустақилликнинг бешинчи йилида бу ерда ана шу миқдорни янада ошириш учун қизғин тайёргарлик қўрилмоқда. Аввало, кўп босқичли газни қайта ишлаш жараёнининг барқарор маромда ишлашини таъминлаш, ҳеч муболағасиз, кўз ўнгимиздаги жасоратга тўлиқ қаҳрамонона меҳнатдир. Энди, давр талаб этаётганидек, имкониятларни ошириш эса фидойилик кўрсатиб ишлай олиш, замоннинг даъватини юрақдан ҳис эта билиш, ўзининг озод Ватанига муносиб фарзанд бўлмоқлик намунасидир. Чунки узлуксиз равишда аниқ маромда ишловчи газ тозалаш дастгоҳларига хизмат кўрсатиш билим ва малакадан ташқари юрак қўрини ҳам талаб этади.

Мен корхона раҳбари билан завод ишлаб чиқариш блокларини айланиб юрар эканман, бу ноёб қурилмаларга хизмат кўрсатувчи муҳандисларни Ватаннинг оғир юкини елкасига олган баҳодирларга ўхшатдим. Йўқ, бу баландпарвоз гап эмас. Ана шу гувиллаб ишлаб турган мураккаб қурилмалар республикамиз, мустақиллигимиз, иқтисодий сиёсатимиз тақдирига бевосита даҳлдор. Иқтисодиётимиз муъжизалари бўлган ана шу иншоотларнинг барқарор равишда тўхтовсиз ишлашини таъминлаш учун ўларга юқори сифатли муҳандислик хизмати кўрсатиш, ҳар бир механизм ишига кўз-қулоқ бўлиб туриш, таъмирлаш, вақтида янгисига алмаштириш зарур бўлади. Бу ишларнинг қулами ниҳоятда катта. Шуни айтиш керакки, газ тозалаш ускуналари, энг ноёб насослар хориждан, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатлардан валюта ҳисобидаги катта сарф-харажатлар эвазига келади.

Иш миқёсларининг каттали-ги тез-тез бундай механизмларни алмаштириш ва янгиларини ўрнатиб туришга эҳтиёж туғдиради.

Лекин корхонада валюта заҳираларини тежаш учун бундай ноёб ва мураккаб қурилмаларни, газ насосларини таъмирлаш иши ҳам пухта ташкил этилибди. Биз корхонанинг бир қанча таъмирлаш бўлинмаларида ана шу ноёб газ тозалаш ва тортиш қурилмаларини таъмирлаш, уларнинг ишдан чиққан механизмларини янгилаш жараёнлари билан танишдик. Узлуксиз ишлаш мобайнида асосан бу механизмларнинг газ ўтказувчи қувурлари турли қотган моддалар билан тўлиб қолади ёки айланувчи механизмларда ейилиш содир бўлади. Завод муҳандислари энг замонавий технологияларни қўллаб ана шу ускуналарга иккинчи ҳаёт бағишлашмоқда. Айланувчи механизмнинг ейилган жойига ноёб қурилмалар ёрдамида қимматбаҳо металл кукунлари билан ишлов берилади. Шундан сўнг уларни худди янгидай қилиб яна ишлатавериш мумкин. Бундан ташқари, корхонада бирор миқдор металл исроф этилмайди. Газ тозалаш жараёнлари учун умуман ишлатишга яроқсиз деб топилган газ қувур ва металл жиҳозлардан турли иш қуроллари тайёрланади. Кетмону белкуракдан омочгача, темирпанжара, уроқ-болга ва турли майда электр жиҳозларидан тортиб газ печкаю иситиш жиҳозларигача бўлган минг хил рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади. Улар, энг аввало, корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун ишлатилади, ундан ортгани корхона ишчиларига арзон нархда сотилади, ундан ҳам ортгани бозорга — ҳунармандларнинг бундай маҳсулотларига ҳамиша аҳолининг эҳтиёжи катта.

Корхона газни тозалаш жараёнларидан ўтган конденсат ва олтингугуртни бир қатор хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилади. Улар орасида Малайзия, Британия, Швейцария, АҚШ, Финляндия каби мамлакатларнинг Узбекистонда иш олиб борувчи бир қанча фирмалари бор.

Заводнинг бош муҳандиси Барака Ҳалимович Рустамовни олтингугурт ажратиб олиш технологияси бўйича зўр мутахассислардан бири деб таништиришди. Корхона бағрида камол топиб, шимолий минтақаларга кетиб қолган мутахассислар ўрнини билдирмай ишлаётган ўз йигитларимиз — Барака сингари билимли муҳандислардир. Уларнинг тадбиркорлиги, тажриба ва маҳорати туфайли муҳташам корхонада ҳар йили янги-янги газ тозалаш иншоотлари қурилиб ишга туширилмоқда.

— 13-блок қурилиши унда ишлаётган айрим мутахассисларнинг кетиб қолиши туфайли чала-чулпа ҳолда қолган эди, — дейди Б. Рустамов. — Биз нафақат бу блокни, ундан кейинги 14-блокни ҳам ўз кучимиз билан ишга туширдик. Бу йил 15-блок қурилишини бошлаймиз.

Ана шу янги газ тозалаш иншоотлари қурилишида амалга оширилган кенг қуламдаги муҳим аҳамиятга молик ишлар учун корхона раҳбари Нуриддин Зайниев «Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» унвони билан тақдирланди. Бундай қурилишлар эса тўхтовсиз давом этмоқда. Чунки эндиликда Кўкдумалоқ конларидан олинаётган нефтни тозалаш учун Қоровулбозорда йирик завод қурилаётган бўлса, шу конлардан олинаётган газ эса тозалаш учун Муборак заводига жўнатилмоқда. Иш миқёслари йил сайин ошиб бормоқда. Ҳозир газни қайта ишлаш заводининг ўзида уч мингдан ортиқ одам меҳнат қилади. Уларнинг беш юздан ортиғи бевосита газ тозалаш ускуна ва жиҳозларини таъмирлаш иши билан банд.

Иш миқёслари ўсган сари одамларга, уларнинг тажриба ва малакасига муносабат ҳам ўзгармоқда. Замонавий технологик иш жараёнларини ишчиларга ўргатиш ва ўқитишга катта эътибор қаратилаётир. Бугина эмас, мустақиллик йилларида тез шаклланган ўзбек ишчи синфининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиши учун ҳам жонқуярлик қилинмоқда. Муборакда яқинда корхона меҳнатчилари учун замонавий теннис корти, 15 минг томошабин сиғадиган стадион қуриб ишга туширилди. Ҳозир физкультура соғломлаштириш комплекси, коттеж типидаги уй-жойлар бунёд этилмоқда. Режалар эса янада мароқли. Яйраб ишлаганнинг яйраб яшаши учун барча шарт-шароитлар яратилаверади. Беихтиёр туяни миниб узоқни кўзла, деган нақлни эслайман. У республиканинг йирик иншоотини бошқараётган азамат юртдошларимизнинг ўй ва фикрида, кундалик ҳаёт ташвишларида акс этиб турибди.

Ишчи дўстим, қўлингни бер, бир қаттиқроқ сиқайин уни. Энди сенинг озод Ватанинг, мустақил мамлакатинг бор. Сени ҳеч ким энди тил билмайди, мураккаб дастгоҳларни бошқаришга уқувсиз, деб камситолмайди. Чунки бошингда ҳуррият қуёши балқиб турибди.

Энди сен ўз бахтинг, ўз мамлакатинг, она халқинг учун қур, ярат, яратавер! Сенинг муборак қўлларинг яратган залворли бойликлар, ноёб машина ва механизмлар, турфа неъматлар мамлакат қудрати, халқимиз қадди камолидир. Сенинг буюк қўлларинг яратган муъжизалар озод Ватан чиройидир.

ИШҚ ВОДИЙСИ ЧЕЧАКЛАРИ

Атоқли олим, республика фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси халқ ноиби, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Азиз Пўлатович Қаюмов таваллуд топганига етмиш йил тўлди. Мумтоз адабиётимиз тарихининг йирик билимдони илмий-ижодий фаолиятни ижтимоий-сиёсий фаолият билан уйғун олиб борган устоз адиб ва арбобларимиздан.

Азиз Қаюмов 1926 йил, 18 январда Қўқонда маърифатпарвар инсон, муаллим Пўлатхон Қаюмов оиласида дунёга келди. Умр йўлида инсонпарвар, маданият ва маориф ишларига жонқуяр одамларга дуч келди, улардан сабр-қаноатни, илм-маърифатни ўрганди. 1956 йили «Махмур ижоди» мавзуида илмий иш ёқлаб, фан номзоди бўлди... Илмий изланиш билан бирга давлат идораларида юқори лавозимларда фаолият кўрсатди.

Олимнинг Алишер Навоий «Хамса»синнинг беш достонига ёзган: «Ҳайрат ул-аброр» талқини, «Фарҳод ва Ширин» сирлари, «Сабъаи сайёр» ва «Лайли ва Мажнун»ни ўз ичига олган «Ишқ водийси чечаклари», «Садди Искандарий» достони талқинлари навоийшуносликнинг йирик ютуқларидандир. Шунингдек, Азиз Қаюмовнинг ёзма адабий ёдгорликлар ҳақидаги «Қадимият обидалари», «Беруний», «Ибн Сино», «Фурқат», «Алишер Навоий», «Хожа Баҳовуддин Нақшбанд», «Жомий», «Бобур» каби тарихий-ҳужжатли асарлари улуғ қадриятларимиз ва салафларимиз тарғиби йўлидаги бебаҳо хизматларидир. «Қўқон адабий муҳити» докторлик диссертацияси ва бошқа ишларида олим адабиёт майдонига олиб кирган — кашф этган, оммалаштирган шоирлар ижоди кўплаб номзодлик, докторлик ишларига манба бўлди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси жамоаси атоқли ўзбек олими Азиз Қаюмовни 70 йиллик тўйи билан муборакбод этади.

Қуйида сиз унинг «Ишқ водийси чечаклари» китобидан танланган айрим парчаларни ўқийсиз.

Сўз, Навоийнинг уқдиришича, руҳнинг жавҳаридир. Дур сўз қаршисида бир томчи қуруқ сувга ўхшаш бўлиб қолади.

Сўзнинг беҳад бойлиги, битмас-туганмас қудрати тасвирига шоир ғоят юксак шоирона ўхшатишлар топади.

Олам Қуёш зарраларини муттасил ўзида йиғаради. Лекин бу билан Қуёшнинг ёруғлиги камайиб қолмайди. Игнанинг учини намлаб олган билан денгиз суви пасаярмиди?! Сўзнинг чексиз бойлиги Қуёшнинг нур маскани, денгизнинг сув манбаи бўлганидек бениҳоядир. Сўзни айтган билан совимайдиган оҳангларга, олган билан тугамайдиган хазиналарга қиёс қилса бўлади.

●

Ўзлук — бу замона қайди (тўғунлари), яъни турмушдаги турли шартлиликлар, ҳавоий интилишлар, манманлик, беҳуда хаёл, тор ва номуносиб мақсадлар, арзимас ниятлар учун зўр беришлар. Агар киши ўз нафсининг қоронғи йўлакларидан холи бўлмоққа иродаси етса, у шодлик билан улуғ мақсадлар йўлига етиша олади.

Мажнуннинг қатъияти, букилмас иродаси унинг севгидаги садоқати ва фидокорлигида кўринади. Бу зўр куч уни ўзлик тўғунларидан тамомила халос этади.

●

Ишқ инсонпарварликнинг юксак чўққисидир. Фақат инсонларга чин юрақдан ҳамдард ва ғамхўр бўла олувчи кишигина ошиқлардек баланд мартабага эриша олади. Навоий яратган Лайли ва Қайс ана шундай зотлар эдилар. Уларнинг барча хатти-ҳаракатида, бутун борлиғида ишқ ва инсонийлик узининг мукаммал тажассумини топган.

●

Навоий Мажнуннинг «нафс итлигидан кечиб тамомий» шу аҳволга келганлигини алоҳида таъкидлайди. Демак, Мажнуннинг ўзликдан воз кечмоғи, «нафс итлигидин» кечмоғи ўнинг бутунлай ишқ олами билан қовушгани, унинг маънавий баркамоллик касб этганини англатади. Ҳақиқий севгидан юксакроқ яна не бор?

●

Бир покиза вужудга кўнгил бериб шу ишқ оловида тобланиб, айрилиқ дардларига тобу тоқат бериб, оловда гудоз бўлган олтин сингари поклик касб этган инсон мажозий ишқ эгасидир.

Мажозий ишқ вужудни йўқ қилиб юборади. Ишқи ҳақиқийга мойил бўлганлар эса, кўнгилларида етишув асари пайдо бўлган заҳотиёқ, шундай талон-тарожга учрайдиларки, мажозийликнинг сурати ҳам қолмай учиб кетади.

Мажнуннинг муҳаббати ишқ намунаси. Аммо унинг кучи ва шиддатли ишқи ҳақиқий даражасида эди. Мажнуннинг бошига тушган кулфатлар ана шу ишқ унинг бошига туширган шўришлар эдилар. Бунинг қаршисида ҳатто Мажнуннинг хоҳиши ва иродаси ҳам ожиз эди.

●

Севги туфайли инсон шунчалар покизалик касб этадики, ҳатто ваҳший ҳайвонлар ҳам ундан ҳуркимайдиган бўладилар. Аксинча, улар бу севги соҳибидан паноҳ истайдилар. Бундай севги барқарор бўлган жойда бошқалар ҳам ёмон хулқдан қутуладилар.

●

«Сабъаи сайёр»нинг якунловчи лавҳаси катта фалсафий умумлашма характеридадир.

Баҳромнинг бутун қўшини тақдири бутун инсонларнинг, жонли мавжудотнинг муҳаққақ қисматига ишорадир. Бирор тирик жон абадий эмас. Ҳар бир ҳаётнинг интиҳоси бор. У ёки бу сабаб билан ана шу мутлақ қисмат амалга ошажак. Ҳаётга бошқача чек бўлиши мумкин эмас. Ҳулосавий лавҳанинг моҳияти шундай. Шунинг учун ҳар бир тирик зот ўзига хулоса қилиши, ҳаёт учун ажратилган фурсатни хайр ва эзгулик хизматига бағишлаб улгуриши керак.

Шоир ўз асарининг халққа манзур ва мақбул бўлишини тилаб уни якунлайди.

Шоирнинг бу эзгу тилаги амалга ошди. Чин инсонийлик, олий интилишлар, инсон гўзаллиги, ишқ маҳиняси, садоқат қомуси бўлган Навоий асарлари инсоният қалбида мангу яшайди.

СИНГАРМОНИЗМНИ ТИКЛАШ ШАРТМИ?

Лексикография

Мен таниқли олим Қозоқбой Маҳмудовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1995 йилги 24 ноябр сонида босилган «Қадимги Туркистон» мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Муаллиф билимдон тилшунос ва тарихнавис олим сифатида Турон, Туркистон сўзларининг келиб чиқиши, кўҳна қўлёзма обидаларда биринчи марта қандай қўлланган, қайси даврларда қандай маъно англатгани ҳақида ниҳоятда муҳим фикрларни билдирган. «Туркситок бир, Ватан бир» ғояси билан йўғрилган, илмий асосларга бой бундай мақолани ўз соҳасини пухта билган, Ватан тарихини изчил ўрганган олимгина ёзиши мумкин.

Муаллиф мақолада Марказий Осиёда яшовчи туркий халқларнинг бирлашуви заруриятидан ташқари, шу тилларнинг умумийлигига доир яна бир долзарб масалани ҳам кўтаради ва бу умумийликнинг асоси деб сингармонизм ҳодисасини тушунади. Сингармонизм, бу бир сўз доирасида унли ва ундошларнинг уйғун (ё «юмшоқ», ё «қаттиқ») ҳолда келишидир. Масалан, сингармонистик шеваларда **ўзбек, кўз** сўзларидаги **з** ва **к** ундошлари «юмшоқ» талаффуз қилиниши, аниқроғи, уларнинг талаффузида тил олдинроққа силжиши туфайли **ў** унлисининг резонатори ҳам тилнинг олдинги қисми устида бўлади (у фонетикада олд қатор унлиси дейилади). Аксинча, **қўноқ, қўл** сўзларида **қ** ундоши тилнинг энг орқа қисмида пайдо бўлиши туфайли унлилар резонатори ҳам тилнинг орқа қисмида бўлади. Шунинг учун унда (сингармонистик шеваларда) **ў, у, и, а** унлиларининг ҳар бири иккитадан — олд қатор унлиси ва орқа қатор унлиси тарзида учрайди. Демак, сингармонистик шевада 4 унлининг 2 тури 8 та унлини ташкил қилса, **э** ва **о** унлилари билан 10 та унли бўлади. **О** унлиси бўлмаган, унинг ўрнида ҳам **а** ишлатадиган (ата-ана) шевасида эса 9 та унли бўлади.

Сингармонизм бўлмаган шеваларда, ўзбек адабий тилида ҳам **кўз, қўл, ўзбек, қўноқ** сўзларидаги **ў** сифат жиҳатдан бир хил — бир бўғинли сўзда урғули бўлгани туфайли сал чўзиқроқ, икки бўғинли сўзнинг урғусиз бўғинида нисбатан қисқароқ талаффуз қилинади, холос.

Олим ўзбек адабий тилида сингармонизмни тиклаш заруриятини учта ҳолат билан асослайди. Дарҳақиқат, ўша асосларнинг ҳаммаси ҳозир ҳам мавжуд:

1) Мумтоз адабиётимиз тилида сингармонизм бор эди; 2) ўғиз (хоразм) шевасида, қипчоқ шеваларида, Андижон шевасида танглай сингармонизми ҳозиргача амалда; 3) ўзбек тилидан бошқа деярли ҳамма туркий тилларда сўзни ташкил этувчи ва бир сўзни бошқасидан ажратувчи асосий восита сингармонизм — товушлар уйғунлигидир, бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Мақолада сўзлар, унли ва ундошларнинг уйғунлигига кўра икки катта гуруҳга «ингичка» ва «йўғон»га бўлиниши айтилади. Масалан: **к, г, х** ундошлари билан «ингичка», яъни «юмшоқ», **қ, ғ,х, й** ундошлари билан «қаттиқ» унли ишлатилади. Бу фонетик қонун **кўл** ва **қўл, кул** ва **қул** сўзларида икки хил — «юмшоқ» ва «қаттиқ» ў, икки турли у ишлатилишини тақозо қилади. Бошқа ундошлар билан бир ўринда «ингичка» унли келса (масалан, сон сўз туркумидаги **учта** сўзида), иккинчи ўринда унинг акси бўлиши мумкин (феъл сўз туркумидаги учди сўзида).

ЎзФА Тил ва адабиёт институти қошида 1987 йили кирилл ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш бўйича ташкил этилган гуруҳга, 1993 йили лотин алифбоси асосидаги ўзбек тили имло қоидаларини тузиш мақсадида ташкил қилинган гуруҳга бир қанча олимлардан сингармонизмни тиклаш зарурияти ҳақида хатлар келди. Улар асосан сингармонистик шева вакили бўлган олимларга таллуқли эди. Албатта, ҳар бир инсонда ўз она ерини, она тилини суйиш ҳисси бўлганидай, ўз шевасини эзозлаш, мавқеини кўтариш туйғуси ҳам мавжуддир. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин классик адабиётни, қардош туркий халқлар тилларини, Хоразм, Андижон, Фарғона шеваларини кўзда тутиб, сингармонизм тикланса, жуда кўп амалий қийинчиликлар ва илмий ҳалоликлар келиб чиқади. Аввало алифбо қайта қабул қилинмоғи, унда **а,у,ў,и** унлилари икки вариантда акс этмоғи лозим бўлади. Гап алифбо сирасида 5та ҳарф кўпайиб қолишида ҳам эмас, балки Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган каби кўпчилик носингармонистик шеваларда ўша сингармонизмнинг йўқлигида ва фонетик томондан бошқа туркий тиллар учун «темир қонун» деб аталмиш сингармонизмнинг ўзбек адабий тилида ўз вазифасини ўтаб бўлганида, унинг хизматини бошқа, нисбатан ихчамроқ фонетик имкониятлар бажараётганидадир. Ўзбек тилида **о** унлиси пайдо бўлиши (бу унли бошқа туркий тилларда йўқ), айниқса, сўз урғусининг тараққий қилиши сўзни ташкил қилиш ва бир сўзни бошқасидан ажратиб туриш вазифасини бажариб келган сингармонизмга эҳтиёж қолмаган ва у ўзбек адабий тилидан аста-секинлик билан чиқиб кетган. Бу жараён ҳамон давом этмоқда.

Тарих гилдирагини орқага қайтариб бўлмаганидек, тилнинг ички тараққиётини ҳам ортга тортиб бўлмайди. Зеро, тил ўз қонуниятларини ўзи яратади, олимлар ёзувни ўзгартириши, имло ва талаффуз (орфоэпия) қонунларини белгилаб қўйиши мумкин, лекин тилнинг ички қонунлари одамларга бўйсунмайди, унинг ўзи бир олам. Тилнинг тараққиётида сўз қабул қилиш ёки чиқариб юбориш, айрим қўшимчаларни қабул қилишда икки тиллилик таъсири, тарихий, сиёсий шароит маълум аҳамият касб этиши мумкин, лекин унинг грамматик, фонетик қонунлари дахлсиздир.

Борингки, юқоридаги уч асосга суяниб, сингармонизмни тикладик ҳам дейлик. Унда ажиб бир ҳолат юзага келган бўлур эди: ҳозирги замон орфоэпияси сингармонистик шева нутқини тақозо қилаверади — Андижон шевасининг вакили **куз, ўзбек** сўзларини «юмшоқ» талаффуз қилиши хато эмас, уни ҳар қандай ўзбек тушинаверади. Лекин сингармонизм қонуни бўлмаган, **а,у,ў,и** унлилари фақат бир муқобилда мавжуд шева вакиллари сингармонистик адабий тилда қандоқ қилиб гапиради? **Ўқ** ва **ўз** сўзларида турлича ў ишлатиш заруриятини қаердан олади? Уларда юқоридаги унлилардан **а,у,ў** ни «қаттиқ», **и** ни «юмшоқ» талаффуз қилиш эҳтиёжи йўқ.

Талаффуз бир гап бўлар дейлик ҳам, ёзув нима бўлади? Айрим кишилар қайси сўзда ўз тилида бўлмаган «юмшоқ» **у, ў** ни, «қаттиқ» **а, и** ни ишлатишни сўраб юрадиларми ёки бир умр луғатга қараб ёзадими? Бу ҳол рус тилидаги **ы** ни **и** дан, **ш** ни **щ** дан, **ль** ни **л** дан ажрата олмаганимиздаги қийинчигимизни тилимизга қайтариб беради. Сингармонизмни йўқотган шева вакилларининг ёппасига саводсизлиги юзага келади. Бундан ташқари, мумтоз адабиётдаги танглай сингармонизми араб ёзувида акс этмаган, лекин уни (ёзувни) ҳамма тушунади. Иккинчидан, қозоқ ёки қирғиз тилидаги нутқнинг ўзбек учун тушунарсиз ўрни сингармонизм туфайли эмас.

Хуллас, ўзбек адабий тилида сингармонизмни тиклашнинг иложи ҳам, унга эҳтиёж ҳам йўқ. Тил ўз механизмидан яроқсиз сифатида чиқарган воситани қайта қабул қилмайди.

Сорахон ОТАМИРЗАЕВА,
ЎзФА Тилшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

АНИҚЛИК ВА КАФКА



Набижон Боқийнинг роман ёзаётганини ўзидан эшитиб табриклаганим, куч-қувват тилаганимга, чамамда, ҳали бир йил бўлмади. Ўтган 95-йили охирларимиди, «Ватан» газетаси романдан парчалар эълон қилди. Ва шу орада муаллифни яна бир карра табриклашга тўғри келди: «Тамом. Тугатдим!» деди Набижон гўё ҳеч нарса қўрмагандай. Ахир, РОМАН-А! Бироқ мен унга ишонаман, адашмасам, Тошкентда унинг адабиётдан бошқа илинжи йўқ. Бундайлар қўймайди, мендайларга эса уларнинг ғайратидан қувват ва қувонч татийди.

Набижонга бир оғиз гаплашиб газетахонларга «сирни» очайлик, ҳарқалай роман ёзибсиз, билдириб қўйсак айб саналмас, қолаверса, айтадиган бошқа гапларингиз ҳам бордир, деган таклифимга у буюксиниб ўтирмай рози бўлди. Гапни биринчи бўлиб унинг ўзи бошлади:

Н. БОҚИЙ: — Биласиз, синашта бўлмаган одам мен билан гаплашса, дастлаб гапларимга тушунмайди ёки яхши тушунмайди; баъзи сўзларни қайта сўрайди. Чунки тез гапираман. Боз устига, синашта бўлмаган суҳбатдошим «Морзе алифбоси»ни билса керак, деб ўйлайман. Ваҳоланки, «Морзе алифбоси»ни фақат махсус тайёргарлиги бор мутахассис билади. холос. Нима демоқчиман? Ҳар қандай китобни «Қани, бу «донишманд» нима демоқчи экан? деган савол инстиктив равишда қизиқтирагани учун қўлга оламиз. Демак, китобнинг номи диққатни тортиши керак. Кейин, китоб албатта тушунарли тилда ёзилиши керак. Аниқлик — адабиётнинг бирламчи шарти. Мен яқинда тамомлаганим романнинг номи «ЎЗБЕКНИНГ УЙЛАНИШИ»; муаллифнинг бадиий мақсади — аниқлик бўлди. Бевосита жонли суҳбат жараёнида баъзан ғўлдирасам-да, ёзган машқимда ўша табиий қусурдан қутилишга ҳаракат қилдим. Сўз билан ифодалаш мумкин бўлган ҳамма нарсани ўқувчи тушунадиган, аниқ тилда қоғозга тўкдим шекилли. Ростини айтсам, шу пайтгача фақат яъни ёзишни машқ қиляпман. Ўйлайманки, «Ўзбекнинг уйланиши» — аниқлик йўлидаги сўнги бекат бўлади. Бундан буён бадиий мақсад ёнига салмоқли ғоявий мақсадни тиркаб, баҳоли қудрат ҳал этишим мумкин...

А. ОТАБОЙ: — Кимлардан нималарни ўргандингиз — устозлар, адабий таъсирлар... ҳақида сўрамоқчи эдим. Балки ўқиган китобларингиздан бирортаси ҳақида гапириб берарсиз.

Н. БОҚИЙ: — Эҳтимол, кўзингиз тушгандир, чех адабиётчиси Г. Яноха «Кафка билан суҳбатлар» номли китоб ёзган. Ўша китобда айтилишича, бир куни Франц Кафка ундан: «Қандай китобни ўқияпсиз?» деб сўрайди. «Тошкент — нон шаҳри» деган китобни ўқияпман», деб жавоб беради Яноха. Менимча, бу биз биладиган Александровнинг китоби эмас, балки 1923 йили вафот этган А. С. Неверов исмли ёзувчининг китоби бўлса керак. Янгилишмасам, Неверов муҳожирликда яшаган, шекилли. Хуллас, ўша Неверовнинг китоби тўғрисида Кафка: «Ҳайратланарли китоб, мен уни бир кечада ўқиб чиқдим», дейди. Устознинг бундай юксак таърифидан энсаси қотган Яноха: «Менинг назаримда, бу китоб санъат асари эмас, балки ҳужжат», деб луқма ташлайди. «Ҳар қандай ҳақиқий санъат — ҳужжатдир, гувоҳдир. Ўша китобда таърифлангандек болалари бор бўлган халқни енгиб бўлмайди», деб ўз фикрини ҳимоя қилади Кафка. «Бироқ, бир-иккита бола пақир ҳеч нарсани ҳал қилмайди», деб эътироз билдиради Яноха. «Аксинча! Модданинг хоссаси атомдаги электронлар миқдори билан белгиланади. Оломоннинг даражаси бир-иккита кишининг (бармоқ билан саналадиган кишиларнинг) фикрий даражасига боғлиқдир», дейди Кафка тўлқинланиб. Демак, ҳар қандай ҳақиқий санъат — ҳужжатдир, гувоҳдир! Кафканинг фикрига юз фоиз қўшиламан. Лекин мен Кафканинг мухлиси эмасман. У асарларини меъёридан ортиқ даражада «морзелаштириб» юборади — унинг асарларини мутахассисларгина тугал тушуниши мумкин. Камина эсам, боя айтганимдек, «Морзе алифбоси» бўйича малакали мутахассис эмасман. Устига устак, ўқувчидан бундай малакани талаб қилиб бўлмайди... Кафка билан Яноха суҳбатидан олинган парчада яна бир жиҳат диққатга сазовор: хўш, ўша китобда таърифлангандек болалари бор бўлган халқ» деганда Кафка қайси халқни назарда тутган? Бир бурда нон топиш илинжида Тошкентга дайдиб келган сағирларними ёки уларга ўз насибасини қийиб, нон берган туркистонлик болакайларни назарда тутадими?.. Аҳмаджон, бу масалага аниқлик киритиш учун А. С. Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри» номли китобини топиб, унда айнан қайси халқнинг болалари тўғрисида гап кетаётганини синчиклаб ўрганиш лозим ва «Кафка ўзбекларни билармиди?» деган мавзуда мўъжаз тадқиқот яратилса чакки бўлмасди.

А. ОТАБОЙ: — Шак-шубҳасиз. Боз устига мен Кафканинг мухлисман, унинг «морзелашган» ижодини инсониятнинг адабиёт соҳасида эришиши мумкин бўлмаган ютуғи, деб ҳисоблайман... Айни пайтда эса мени ўзбек китобхони ҳам (вақт келиб) Кафкани билармикан, деган муаммо ўйлатади. Чунки у жаҳон маданиятидаги йирик ходисалар сирасидан.

Энди «Морзе алифбоси» ҳақидаги гапингизга қўшилмасликка ижозат берсангиз. Сиз-ку мутахассис эмассиз, бироқ баъзан мутахассислар ҳам асарингизни тушунтириб берсангиз, деб қолади. Бундан ажабланмаса бўлади.

Н. БОҚИЙ: — Мен «Морзе алифбоси» деганимда 80-йиллари «мавҳум асарлар» деб айб тақилган шеърларни назарда тутганим йўқ. Балки, тушуниб бўлмайдиган тилда саводсизларча ёзилган «сўз бўтқаси»ни назарда тутяпман... Ўшандай «асарлар»ни номма-ном санаб кўрсатишим шарт бўлмаса керак?

А. ОТАБОЙ: — Шартмас. Булар ҳақида ҳали бафуржа гаплашамиз. Газетхон биздан «Ўзбекнинг уйланиши» ҳақидаги гапимизни кутаяпти.

Н. БОҚИЙ: — Албатта, примитив ўқувчини биринчи галда сюжет қизиқтиради: нима тўғрисида? Нима бўлади?.. «Ўзбекнинг уйланиши» моҳиятан ўзга миллат вакилининг уйланишидан, айтайлик, Н. В. Гоголнинг «уйланиши»дан «притимив» жиҳати билан фарқ қилади. Хўш, юзаки фарқланиш нималардан иборат? Сир эмаски, ўзбек ўзбошимчалик билан уйланмайди, одатда, ўзбекни ота-онаси уйлантиради. Маълум маънода ўзбек ҳамон Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли каби «ота-она орзуси»га қарам. Аммо, бу қарамлик асло маънавий қуллиқни ёки «люмпен»ликни англатмайди, фақат шарқона-ўзбекона урф-одатга кўра, ташаббус ота-она изнида эканини билдиради, холос. Агар ота-она ўз қарзини унутиб қўйса, албатта, бўлажак куёв ташаббусни қўлга олиши ҳеч гап эмас! Лекин, «Ўзбекнинг уйланиши»да фавқулодда ҳодиса рўй бермайди: миллий заминдан узилмаган андишали (қўрқоқ эмас) инсонлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Бир оила, бир қишлоқ, бир юрт мисолида тақдирлари ипсиз боғланган ўзбекларнинг турмуш тарзи кўрсатилади. Ҳа, ипсиз боғланган ўзбеклар кўрсатилади — макон ҳам, замон ҳам миллатни боғлаб турган ришталарни бартараф этолмайди. Чунки, улар эртакларию тарихи, қулфатию қувончи билан боғланган... Романнинг ҳажми йигирма олти (26) босма тобоқ. Афсуски, ҳозирча фақат бир нусха, холос.

Омон МУХТОР

ЁЗУВЧИ КИМ?

Энг аввал:

Мен ёзувчиман, деб айтиб юрадиган мингдан кўп кишининг бари ёзувчими?!

Улар ёзувчи деган сўзнинг маъносини тушунишадими?!

Менимча, Ватаннинг, халқнинг ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй берган даврда бу нарсалар тўғрисида ўйлаш — табиий ҳол!

Бировга ёқадими, йўқми — айтишга мажбурман: бугунги адабий ҳаёт манзарасини тасаввур қилиб, қаноат ҳосил қилолмайсан! Сабаб:

бир қисм ёзувчиларимиз ўз касбини унутиб, бошқа ишлар билан чалғиб кетди;

яна бир қисми шароит қийинлиги учун ёзиш-чизишни умуман йиғиштириб қўйди;

бир тоифа ёзувчилар ҳамон кечаги давр услуби, руҳида — ҳеч бир ўзгаришни ҳис этмай, қалам тебратиб келяпти. Буларнинг ёзган асарлари бу кунга хизмат қилмаяпти, ўқувчининг юрагига бориб тегмаяпти;

тасодифий кишилар бир думалаб «ёзувчи»га айланиб, қалин-қалин китоблар билан дўконлар пештахтасини тўлдиришяпти. Китобхон улкамизда китобхонлик даражаси олдинги пайтларга нисбатан анча тушиб кетди;

биз олдинлар рус тили орқали жаҳон адабиёти намуналари билан танишардик, ўзбек адабиёти шу тил орқали жаҳонга чиқар эди. Ҳозир рус тилида келаётган бутун адабиёт арзонгаров таржима ва нашрлардан иборат. Биз чинакам жаҳон адабиётидан узилиб-узоқлашаётгандек ҳолга тушдик. Ўзбек адабиётининг жаҳонга тарқалиши йўллари ҳам ҳали урганилиб-шаклланмаган.

Албатта, Мустақилликка эришган халқ ўз янги, буюк адабиётини яратади! Бу йўлга қадам қўйди! Адабиёт олдинда юради, деган гап кўпинча ўзини оқламайди. Ҳамма нарса аста-секинлик билан... Лекин...

бу — ёзувчини ҳозир камар боғлаб ишлашдан соқит қилолмайди!

Кечаги — кимларнингдир қулига, оғзига қараш, ғамхўрлик кутиш даври ўтди: «эски кўприклар ёқиб ташланди». Энди ҳар ким ўз иши билан шуғулланадиган замон! Ёзувчи ҳам — агар чиндан ёзувчи бўлса — ўз ҳужалигини ўзи тартибга солмай иложи йўқ! Мен ёзувчи — халқнинг тили, десам, янгилик бўлмайди.

Ёзувчи — катта одам, шахс, эзгулик, ҳалоллик тантанаси учун курашадиган инсон, десам, бу ҳам янгилик эмас.

Ёзувчининг минг йиллик, аниқ вазифаси: бутун чигаллиги билан инсон қисматини тасвирлаш, асарни санъатга айлантириб юбориш, десам, бу ҳам кўп айтилган.

Эски ҳақиқатларни эслашдан мурод:

Мустақиллик бизга — ҳар биримизга бизнинг қандай ёзувчи эканлигимизни кўрсатади!

«Давр талаби» деб китоблар ёзганимиз, тўғрини эгри, эгрини тўғри «тасвир»лаб юрганимиз ошкор бўлди. Адабий «хазина»миз анча камбағаллашиб қолди!

Муҳими:

халқимиз доим, энг оғир даврларда ҳам, ўз йўлидан боргани, биз эса халқнинг хизматидаман, деб бу хизматни кўнгилдагидек эплаганимиз, ҳамон эплаёлмаётганимиз билиниб қолди. Мустақиллик ёзувчига янги масъулият юклади!

Бизнинг қандай ёзувчи эканлигимиз энди буни қанчалик англаб етишимизга боғлиқ!

БАҲС

Хабарингиз бўлса, XX аср ўзбек адабиётининг етакчи муаммолари билан боғлиқ мунозарамиз профессор Умарали Норматовнинг «Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар» («ЎзАС, 1995 йил, 44-сон) сарлавҳали мақоласи билан бошланган эди. Шундан кейин биз «Баҳс» рукнида таниқли адабиётшунос Норбой Худойберганов ва ёш танқидчи Раҳмон Қўчқорнинг мақолаларини эълон қилдик. Эслатиб ўтамиз: бу мақолаларда собиқ шўролар даври адабий ҳодисаларини ўрганиш, баҳолаш принциплари, адабиёт ва мафкура, бугунги бадиий жараён билан боғлиқ масалалар қаламга олинган.

Бугун, даврани кенгроқ олиб, ҳам мунозара иштирокчилари таркиби ва ҳам баҳос мавзуини бойитиш маъносида ҳозирги замон ўзбек адабиётининг турли авлодларига мансуб ижодкорларга сўз бердик. Кейинги йилларда ўзбек насри ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган таниқли адиб Омон Мухтор, бугунгача беш-олтита шеърий тўплами чоп этилиб, адабий жамоатчилик эътирофини қозонган навқирон шоир Баҳром Рўзимуҳаммад ва республика матбуотида ўзининг адабий-танқидий мақолалари билан фаол иштирок этиб келаётган ёш мунаққид Бозорбой Уллихўжа фикр-мулоҳазалари, нуқтаи-назарлари бир нуқтада кесишади: Истиқлол адабиётга, бадиий ижодга, ижодкор шахсига бўлган бурунги қарашларни тубдан ўзгартиради ва бу билан ҳисоблашмай илож йўқ. Биз адабиёт тарихига ва ҳозирги адабий жараёнга муносабатда бадиий тафаккурда юз бераётган ана шу ўзгариш, янгиланишларни илғашимиз ва эътироф этмоғимиз лозим.

Биз мазкур масалаларда ўзининг айтадиган гапи, фикр-мулоҳазаси бор газетхонларни мунозарага чорлаймиз.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

ҒАРОЙИБ БЕДОРЛИК

Матбуотда эълон қилинаётган адабий танқидий мақолалар адабий жараёнда хийла жонланиш бошланганидан далолат беради. Сўзимиз исботи учун биргина Умарали Норматовнинг «Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар» («ЎзАС», 1995 йил, 3 ноябр) мақоласини эслаш кифоя. Муаллиф билдирган мулоҳазалар тўғри-нотўғрилигидан қатъий назар, мақола кенг адабий жамоатчиликда муносабат ва кайфият қўзғаши, айниқса, ёшларга ғайрат рағбатини бериши билан ҳам кўп қадрлидир. Мақоланинг баҳс тарзида ёзилиши эса муаллифнинг булакча қуюнчаклиги ва самимиятидан, деб билдик. Баҳс бўлгани яхши. Фикр фикрни чақиради ва чархлайди.

«Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар» мақоласида қуюнчакликдан ташқари яна қиноя ва дўққа мойилроқ оҳанг бордек, назаримда. Умуман, қиноя бошқа бировнинг фикрига нисбатан беҳурматлик саналади ва ўз фикрини мажбуран қабул қилдириш йўлидаги ҳар қандай ҳаракат мақоланинг маърифий қимматини туширади. Қачонки фикр ҳукм ўрнида тақдим қилинар экан, доим билдирилаётган фикр замирида қиноя ва дўқ яширириб яшайверади.

У. Норматов мақоласи руҳ билан ёзилган дедик. Бу нимани дидир ҳимоя қилиб, яна бошқа нимандир рад этиш йўлидаги кучли истакдан бўлса керак. Хўш, муаллиф нимани ҳимоя қилаётир, соц. реализм методи ва адабиётиними ёки...

Фактларга мурожаат қиламиз.

«Ўзбек ёзма адабиёти ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ҳеч қачон XX асрдагидек ижтимоий ҳаёт масалаларига бу қадар яқин келган, фаол аралашган эмас». Муаллиф минг бора ҳақ. Яқин ўтмиш адабиёти шуни тасдиқлайди. Мақола давомини ўқийлик: «Кўпинча ижтимоийлашган мафкуравий адабиёт тушунчаси совет адабиёти, социалистик реализм намуналарига нисбат берилади; ҳолбуки, кўп асрлик анъанага эга диниий-тасаввуфий адабиёт, жамият иллатларига кескин танқидий муносабат йўлини тутган Машраб, Турди, Махмур, Гулхаиий, Аваз каби оловқалб шоирлар ижоди, асримиз бошларида етакчи мавқе эгаллаган жадид адабиёти мафкуралашган адабиётнинг ўзгинаси эди». Бу ўз-ўзини рад этишга ўхшайди, «ҳеч қачон XX асрдагидек ижтимоий ҳаёт масалаларига бу қадар... фаол аралаш»маган адабиётни XX аср адабиёти каби мафкуравий дейиш ёки шунга тенглаш тўғримикан...

Биз олимнинг барча даврдаги адабиёт мафкуравий бўлган, деган фикрига умуман қўшиламиз, аммо унинг соц.реализм адабиётини ҳам шулар қаторига қўшиб қўйиши кишида эътироз уйғотади. Бу ўринда адабиётнинг мафкуравий бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида баҳслашиб ўтириш ортиқча. Биз истаймизми-йўқми адабиёт том маънода «мафкуравий». Бирон-бир «мафкуранинг маҳсули», бироқ гап қайси мафкурага қандай хизмат қилишида. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак, соц.реализм адабиётини диниий адабиётга ҳам, тасаввуфий адабиётга ҳам, ҳатто мафкуравийлиги зоҳиран сезилиб турадиган жадидлар адабиётига ҳам тенглаб бўлмайди. Шундай экан, У. Норматовнинг фикрларини адабиётлар орасида фақат ташқи ўхшашлик мавжуд, деган маънода тушунган маъқул, мафкура ва унга муносабат эса мутлақо бошқа нарса. Соц.реализм адабиёти ижтимоий буюртма — давлатнинг жорий сиёсати тақозо эттан мафкурага хизмат қилган бўлса, ундан олдинги адабиётлар қаламкаш мафкураси-мақсадига хизмат қилган. У Машраб ё Аваз, Турди ёки Махмур бўлсин, жамиятни танқид қилар, умуман, ижтимоий ҳаётга муносабат билдирар экан, бу ишни қайсики ҳокимнинг тазйиқтавсияси билан эмас, балки қалб даъвати билан амалга оширади. Уларнинг асарларида кўнгил ҳарорати ва ботин нигоҳи бор. Домла айтмоқчи, «оловқалб» бор. Соц.реализм адабиётида юрак зарби товушлари ва ижодкор нигоҳидан кўра панжа излари, туйғулар чучмаллиги устивор.

Яна энг катта фарқ шундаки, соц.реализм адабиётида муносабат эркинлиги берилмаган. Ёзувчининг воқеа ва персонажга ўз муносабатини билдиришига мафкура монелик қилади. Чунки соц.реализм бу бобда аллақачонлар ҳукмини айтиб бўлган. Аслида бундай дейиш ҳам ҳийла баҳсли. Негаки, муносабатни доим асар ёзилаётган даврдаги давлат сиёсати белгиланган. Буни Сталин давридагидан Хрушчев, Хрушчёв даври адабиётидан Брежнев раҳбарлик қилган йиллар адабиёти орасидаги тафовут ҳам кўрсатиб турибди. Ижод жараёнига бегона қўлнинг аралашуви ёзувчини ўз қаҳрамонларига фарзандлари қатори эмас, бадиий асар персонажи — ўйлаб чиқарилган образдек муомала қилишига сабаб бўлган.

«Аслида холис, соғлом, юксак маърифатли, адабиётнинг сўз санъати эканини асло назардан соқит этмайдиган теран социологик тадқиқот усулига бугунги адабиётшуносликда талаб ва эҳтиёж ниҳоятда катта. Айниқса, XX аср ўзбек адабиётини бу усулни четлаб ўтиб текшириш, одилона баҳолаш асло мумкин эмас», деб ёзади У. Норматов. Майли, бу фикрига қўшилдик ҳам дейлик. Аммо «илмий социологик тадқиқот усули» қандай принципларга амал қилади. Унинг асосида нима ётади: соц.реализм адабиётини тоталитар тузум билан боғлаш ҳаракатими, айни адабиётнинг ижтимоий воқеликка муносабатини урганишми? Аммо соц.реализм адабиёти билан тоталитар тузумни бир-бирига боғлаб бўлармикан. Биз қанча ура-ура қилган, ҳаётимиз ва шу ҳаёт ҳақидаги тасаввур ҳамда идеалларимизни «бадиийлаштирган» бўлмайлик, барибир ҳеч қачон ният қилганимиз жамиятни қуролмаганмиз. Агар соц.реализм адабиёти билан тоталитар тузум бир-бирига яқин ва муштарак бўлганида эди, адабиётни соц.реализм, деган метод билан жиловлашга уринишнинг ўзи бўлмасди. Ҳайҳотки, адашган жамиятни адашмаган, деб ёзавериб, адабиётнинг ўзи ҳам адашиб кетди...

Биз тоталитар тузум билан соц.реализм адабиёти ўртасидаги муносабат ҳақида сўзлар эканмиз, шу ўринда соц.реализм методи ва адабиёти орасидаги боғланиш хусусида ҳам ўйлашимиз керак бўлади. Зеро, жумбоқнинг туб ечими, аввало, шу масалага бориб тақалади. Биз соц.реализм методини тафтиш қилиб, уни оқлаш ёки қоралаш маъносида бирон мулоҳаза айтиш фикридан узоқмиз. Негаки, соц.реализм деб аталадиган адабий методнинг, умуман, қачондир мавжуд бўлганига шубҳамиз бор. Бу метод ҳақида кўп гапирганмиз. Аммо қанча кўп гапирган бўлсак, шунча кам биламиз. Бу ўринда соц.реализм ҳақида доим гапирадиганимиз тавсифу таърифларни такрорлаш ортиқча. Уларнинг барчаси моҳиятида нима ҳақида қандай ёзиш кераклиги хусусидаги умумий курсатма ётади. Шундан ҳам англаш мумкинки, соц.реализм ижодий метод эмас. Бу метод ёзувчи қўлига қалам ушлашидан аввал унга нимани қандай ёзиш кераклиги ҳақида курсатма беради. Ҳолбуки, ёзувчи билан метод орасидаги муносабат мутлақо бошқача йўсинда кечади. Яъни қандай ижодкор бўлмасин, у бирон асарини ёзиб бўлганидан сўнггина унинг қайси методга мансублиги маълум бўлади. Метод ёзувчини эмас, энг аввало, асарни танлайди.

Ушбу мақолага нуқта қўяётган дамларда Раҳмон Қўчқоровнинг «Ассалом, эркин ижодий руҳ!» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Р, Қўчқор фикрлари моҳият эътибори билан янгилик бўлмай, ўзи эътироф этганидек, адабий давраларда бўлиб ўтаётган суҳбату баҳсларнинг кичкина хулосаси. Биз адабиёт ҳақида, жамият ҳақида ундан-бундан олган йиғма ахборотларни оғзаки нутқда бурро-бурро гапириб,фикрларимизни бир-биримизга яхшигина тушунтира оламиз, аммо қоғоз олдида ёлғиз қолганимизда қўлимиз қаламни топиши қийин кечади. Шу маънода Р. Қўчқор журъат билан ёзган мақоланинг кучи ҳам эҳтимол шундадир...

Энди конкрет бадиий асрлар билан ишлаш, уларни ўз концепциямиз асосида таҳлил қилиш мавриди етди. Мен бугун шаклланиб келаётган ёки шаклланиши кутилаётган танқидчиликнинг дастлабки вазифаларини XX аср ўзбек адабиёти ҳақида яхлит ва холис хулосасини айтишида кураман.

Бозорбой УЛЛИХЎЖА

УЙҒОНИШ ФАСЛИ

Одам чала уйқу ҳолатида руҳ ва жисмини тўла англаб билмайди. Қайси маконда, қайси замонда узала тушиб ётгани ёдидан кўтарилади. Фақат бир туйғу, қўрқинчу ҳадик аралаш бир туйғу руҳиятини тарк этмайдики, ўша туйғу мавҳум бўлиши баробарида исмсиз ҳамдир. Таъбир жоиз бўлса Истиқлолдан аввалги даврда миллатимиз чала уйқу ҳолатида эди. Букун уйғониш фасли бошланди. Туртиб уйғотилган одам ўз-ўзича ранжийди, ширин туш қўйнига, чирт узилган роҳату фароғатига қайтгиси келади... Ҳозирги адабий жараёндаги мураккабликларни, қалам соҳибларининг ўзидан қониқмаслигини шу билан изоҳламоқ мумкин.

Ҳа, «яшасин» янглиғ қизил шиорлар остида жимирлаётган ўтмиш асрнинг олис бурчакларида ғижимланиб қолмади ҳали. Бу «ёқимли» замон шундоқ кўз ўнгимизда муаллақ қотиб турибди. Қанчалик мулойим товланмасин зарарлидир у! Ўзлигимизга қараб қадам отмоғимиз лозим. Тан фароғатидан руҳ қийноғи афзал. Кимки ҳозирги давр бусағасида изтироб чекмас экан, демак у ўзлигини танимабди.

Бугунги адабий жараёнда шоираларнинг ҳам овозлари тозариб бораётир. Узбек шоираларининг мақоланвислик руҳидан фориг бўлган шеърлари асримиз бошидаги рус шоирлари ижодиёти билан деярли ҳамоҳангдир. Сувратда ва сийратда Анна Ахматова, Марина Цветаевага ўхшаган шоираларимиз бор. Шу боис ҳайратга урин йўқ, шарҳ, изоҳ воситасида ўша жараённи англасак ва англатсак шунинг ўзи кифоядир:

Олам уйғонмоқда, олади нафас
Хотиржам, бу куннинг тайинлигидан.
Олам ийманади товушлардамас
Отаётган тонгнинг майинлигидан.

«Уйғониш» деб номланган бу шеър шоира Фароғат Камолова қаламига тегишлидир. Бор-йўғи тўрт қатор шеър. Аммо, унга жойланган маъночи? Умуман, маъно деганда биз нимани тушунамиз?

«Сўзда маъно йўқ, маънода сўз, ҳайрат истасанг сукут сақла» — бу Навоий ҳазратлари фалсафаси. Сўз — бир восита, маъно ҳам шундай. Узликни англаш эса бевосита кечади:

Жимжит қирғоқларни кездим оҳиста,
Сассиз қаршилади бош эгиб чаман.
Жимликларга кирдим нимадир истаб,
Жимликларга кирдим товушим билан...

Бу шеърни Фароғат ўн саккиз-ўн тўққиз ёшларида ёзгандир, эҳтимол. (Мазкур шеърий туркум «Ёшлик баёзи-79» мажмуасида чиққан). Ана шу фалсафий мисраларни хаёлдан кечираётиб биз шоиранинг шеър дунёсига «ярқ» этиб ташриф буюрганини илғаймиз. Шундай ижодкорлар борки, услуби босқичма-босқич ўзгара боради, баъзан илк машқларини инкор этмоғи-да мумкин. Фароғатда бундаймас, у шеърият осмонида бир текис парвоз қилаётган қуш кабидир.

Шоира ижодиёти ботинан мумтоз шеъриятимиздан ранг олиб туради. Худди шу қабилдаги таъсирланишни катта истеъдод соҳибалари Зебо Мирзаева, Ҳалима Аҳмедова ижодида учратамиз. Ҳалиманинг машрабона руҳдаги шеърлари асосида тасаввуфнинг янги шаклини курамиз. «Бошимни берам ғам қушининг озиқига», дейди шоира. Бу оҳанг бизга таниш. Чорасизликка дард чекиб чора топмоқликнинг ўзи ҳам ғузал ва улуғ дарддир. Ҳ. Аҳмедова лирик қаҳрамони — ёнаётган инсон. У ёнишини худди нафас олмоқ каби одатдаги ҳол деб билади. Унинг учун тан эҳтиёжлари бир чақа. У руҳ билан ишлайди, у тан олган ғузаллик — руҳ ғузаллиги. У юрагига оро беришни ўйлайди кўпроқ. Худди шу маънодаги изланишлар Зебо Мирзаеванинг кейинги йилларда ёзган шеърларида ҳам очиқ кўринади. Бир-бирига ўхшамаган бу уч шоира ижодиёти барибир бир нуқтада туташиб ўтади: учала шоира ҳам ижодга соф санъат нуқтаи назаридан қарайдилар. Фароғат, Зебо, Ҳалима ижодиёти йигирма биринчи аср миллий шеъриятимизда каттагина ўринни ишғол этмоғига шубҳа йўқ.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бошқа ёш шоиралар ҳам ана шу «учлик»ка тақлидан ўз ижодий қиёфаларини тузатиб олишмоқда. Салима Қиличеванинг қўйидаги байтлари сўзимизга далил:

Ўртаниб кетасан кечалар
Нимадир тинимсиз излайсан.
Аламинг ичингга ютганча
Силкиниб-силкиниб йиғлайсан.
Исён кўтаради қалбингда
Чечаклар, майсалар, ниҳоллар.
Бир мовий денгизга чопади,
Бўш челак кўтарган аёллар...

Салиманинг «Юрак қушлари» номли шеърий тўпламида бундай рангин шеърлар анчагина бор. Лекин, ўқувчига завқ шавқ улашмайдиган жўда жўн сўз тизмалари ҳам учрайдики, шоира бунақанги усуллан воз кечмоғи лозим.

Яқинда Гуландом Тоғаеванинг илк шеърий тўпламини ўқиб чиқдим. Даставвал мени ҳайрат чулғаб олди. Кейин эса... бу ҳайрат тумандек тарқай бошлади. Шундай хулосага келдим: Гуландом — истеъдодли шоира. Бироқ, у китобдан эмас, ҳаётдан таъсирланиши керак. Ёзганлари қандайдир ғалати. Ялтироқ, нафис, аммо ифорсиз гулга ўхшайди. Дастлабки ижодидаги каби қишлоқона беғуборлик, самимият бироз хира тортгандек, назаримизда. Гуландом иқтидори ва тажрибасига суяниб ўша таъсир доирасидан фориғ бўлиб, ўзлигига қайтишига ишонгимиз келади.

Ижодкордан ўз табиатига хос бўлмаган нарсаларни кутиш, шуни талаб этиш ортиқча ҳаракат саналади ва бу ҳеч кимга ҳеч нарса бермайди. Бурғут ҳам, читтак ҳам ўз кучқувватига мос парвоз қилади. Лекин, бугун биз қалам соҳиблари ижодининг турли қирраларига холисона назар ташламоғимиз даркор. Биздаги энг теран қайғу миллат қайғуси. Ана шу қайғу бизни тобора сергаклантиради: илгарилаб бораётган Оврупага қачон етамиз? Ортиқча маънавий усимталарни (айтайлик, соц.реализм қолдиқларини шеъриятда жон сақлаётган мақоланавислик унсурларини) қачон кесиб ташлашга жазм этамиз? (ток хомтаги олинса ҳосили мўл бўлади). Шу маънода «Узбекистон адабиёти ва санъати»да «Баҳс» рукнида берилаётган мунозарали мақолалар мустақил Ватанимиз адабиёти муаммоларини ёритишга қаратилгани билан эътиборимни тортди. Зеро, бу муаммолар бизни мунтазам фикрлашга, баҳо беришга чорлайди. Адабиётшунос Раҳмон Қўчқорнинг «Ассалом, эркин ижодий руҳ!» мақоласи каби чиқишлар адабий жараённи тезлаштиради, адабиётимизнинг эртанги кунини аниқ белгилаб беради.

Эртанги кун эса осмондан тушмайди. Эртанги кун Бугуннинг бағридан ўсиб чиқади. Бугуннинг дағал жиҳатларини силлиқласак, Эрта тобора ярқираб шаклланади. Шу жиҳатдан қарасак, адабиётимизни ҳар хил қолдиқдардан тозаламоқ учун мунақилда пўлат супурги керакка ўхшайди. Хусусан, асримиз шеъриятини жиддий таҳлил этмасак, кўп нарсаларни бой берамиз. Жаҳон шеърияти нақадар илгарилаб кетмоқда, ахир?

Барибир, умидсизланишимизга асос йўқ. Умумтурк шеъриятига нисбатан ҳозирги даражамиздан қониқиш ҳосил қилмоқ мумкин. Жумладан, аёллар ижодиёти, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзгача шакл ва оҳангда тараққий этмоқдаки, шоираларнинг баъзи шеърларини кашфиёт сифатида баҳоласа бўлади. Жумладан, Фароғат Камолова «Тун узун...» сарлавҳали шеърида ифодада янгилик яратишга эришган. Бу шеър қандайдир сирли. Ўқувчини аввал ўйлашга, кейин жим туришга даъват қилади. Жим турилганда эса руҳ товланишлари юракнинг бўш жойларига эшилиб, оқиб киради:

Тун узун, оқади дарёмиз каби,
Қайда у бизга деб аталган кўприк?
Меннинг ожиз фикрим тун ҳақидаги
Кундузга кўниккан одамнинг фикри.
Ой нуридан эшар ўргимчаклар ҳам
Дорларин, илинар шамол фарёди.
Бу туннинг бағрида менинг хотирам
Йўқотар нарсаси йўқ одам ёди.
Нимани кутаман?
Ҳеч нимани, йўқ!
Лекин ишонаман ёлғиз фикрга:
Бу кеча мен учун омонат қайиқ
Мангулик кўлида чайқалиб турган.

Гўзал, фалсафий шеър. Бу шеърни шарҳлаб бўлмайди. Шарҳланса жозибасини йўқотади. Шеърни шундайлигича англамоқ лозим. Бошқа бир шеърида шоира жимликни оч одамга, овозни нон ушоғига ўхшатади:

Жимлик эса гўё оч қолган одам,
Нон ушоғи каби тўкилар овоз.

Шоира «ватанпарвар», «инсонпарвар» атамаларини ишлатмайди. Лекин бу ғоялар шеърларида акс этиб туради. Шу жиҳати билан ҳам шоира шеърлари биз учун ардоқлидир. Шоира ижодиётида қатъий интизом бор, у узини жиловлайди, ҳис-туйғуларини маълум тартибга буйсундиради. Узбегона бир ибо яширин бу байтларда:

...Нега ишонмайсиз?
Сизни алдадим,
Лекин гап аслида севгимиз ҳақда.
Мени севолмайсиз, бироқ бу бахтни
Мунажжимлар кўрар юз йилдан кейин.

Хўш, бу шеърлар, айтайлик, Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиева шеърларидан қай жиҳати билан фарқланади? Муҳтарама шоираларимиз ҳам севги, ҳижрон, вафо хусусида нафис ёзишган. Ҳароратли, тароватли мисралари бор... Зоҳирда бу тафовут унчалик сезилмайди. Ботинда эса фарқ катта: СУЗга муносабат ўзгача. Бу муносабат келгуси асрда ўзининг тўлиқ қиёфасини, шакл-шамойилини курсатади.

Энг муҳими шундаки, заминимизга уйғониш фасли ташриф буюраётир! Ассалом, эркинлик! — дегинг келади. Нималарнидир мулоҳаза қилсан одам. Ва ўша чоғда учгандек буласан. Енгил тортасан...

Узликни англаш фасли бошланди. Демакки, БЕДОРлар сафига қўшилмоқдек саодатга ёр бўлиш мавсуми бошланди. Бу сафда ҳазрати Навоий, бу сафда Машраб, Зебуннусо бу сафда, Увайсий, Нодирабегим. Ва ўша сафда Сўз янада илоҳийлик касб этади. Қалам — янада муқаддас кўринади.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Маҳмуд ТОИРОВ

ИЗИНГИЗДА УНГАН ГУЛЛАР

МОМО ЕР

Шамолларнинг шокилдаси дарахтларнинг бўйнидадир,
Тоғлар тошин дил изҳори ирмоқларнинг ўйнидадир,
Ошиқ булбул сир, хандаси ғунчаларнинг қўйнидадир,
Айтар сўзим сувратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Майсаларинг шивирлашди, тизлар чўкдим, қулоқ бердим,
Билмай босиб чумолини гуноҳимга сўроқ бердим,
«Ватан не?» деб сўрганларга бир кафттина тупроқ бердим,
Менга Ватан сийратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Турналарнинг туморлари яраттаннинг ўзидадир,
Кимки поклик ахтарибдур ҳалол топган тузидадир,
Гар гуноҳи савоби бор бандасининг изидадир,
Покдомонлик журъатини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Қуёш кўкда сен деб яшар, ой бошингда ўргилади,
Кўрдим ҳар тун минг-минг юлдуз этагингга нур элади,
Чимдимгина лойинг билан қалдирғоч бешик белади,
Бу дунёнинг ҳайратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Сенда унган ҳар бир гиёҳ яраттанга сано айтар,
Кўкка етган тераклар ҳам куни битса сенга қайтар,
Муҳаммадга уммат Маҳмуд кафти куйиб дуо айтар,
Ошиқликнинг қудратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

КУЙГИМ КЕЛАР

Узилган гул уволига эсган сабо видо айтар,
Гуркираган райҳон иси гулим сизга сано айтар,
Йўлингизга тўкилгайдир қўнглимизда кулган байтлар,
Ўзгалардан ўзгачароқ, эй ёр, сизни суйгим келар
Куйдирсангиз куйингизда кул бўлгунча куйгим келар.

Севдим деган сўз садоси чақмоқларнинг чиройими,
Изингизда унган гуллар, ваҳ, шунчалар анвойими,
Ошиқ аҳли бу дунёда биз ғарибдек савдойими,
Жамолингиз чашмасига ташнадирман тўйгим келар,
Куйдирсангиз куйингизда кул бўлгунча куйгим келар.

Бир булбулмиз боғингизда очилсангиз қани гул-гул,
Юлдузларга юз очмаган ҳилолмиди чеҳрангиз ул,
Билмагайсиз қўлларимиз осмонларга осилган қул,
Қиё боқмай кетишингиз ёлғонларга йўйгим келар,
Куйдирсангиз куйингизда кул бўлгунча куйгим келар.

Кўнглимизнинг кўчасида сизни йўқлаб юрган чоғим,
Қаҳрингизга қоқилдим-ку, чил-чил синди дил чирағим,
Ёр, севгимдан сурон солур қолса танда бир увоғим,
Бармоқларим бозиллатиб кўксингизга қўйгим келар,
Куйдирсангиз Маҳмудингиз кул бўлгунча куйгим келар.

БАХТИНГИЗ БОЛИШИДА...

Қўлингиздан тошойна тушиб кетмасайди, ёр,
Менинг кўнглим кўзимдан тошиб кетмасайди, ёр,
Жонда чаҳ-чаҳ урган қуш, қулбамда кулган соғинч,
Келса минг ноз, кетишга, шошиб нетмасайди ёр.

Беназир гўзалликка илоҳий вафо ёрдир,
Меҳрингиз оташида минг битта шифо бордир.
Боллари бодасидек бир бўса сўрадим мен,
Тилаган тилларимда тош ёрар садо бордир.

Оразингиз ортида лолалар гулхан ёқар,
Билмадим, ул қуёшга бу кўзлар қандай боқар,
Гулим, сизсиз бу кулбам зиндон ичра зиндондир,
Кетсангиз дийдамиздан ғам сели пинҳон оқар.

Остона ошиёнимдир, сиз келсангиз, мен кутсам,
Жонимнинг чашмасидан бир пиёла май тутсам,
Тўкилган дилин Маҳмуд, кўксингиз узра тўкиб,
Бахтингиз болишида бу дунёни унутсам.

ЭЛ

Саҳоват саркоридир султонни сийлайди эл,
Беному нишон кетсанг, кетарсан, куймайди эл,
Оқилсан, магар дилда вафонинг жоми бордур,
Сипқорар умринг тилаб қўлидан қўймайди эл.

Адолат ортидаги оввора одамни кўр,
Орият оромидан чўғланар кўзларда қўр,
Муҳаббат боғида гар бўлолсанг булбулга жўр,
Ошиқлик даво этсанг ёлғонга йўймайди эл.

Узилган япроқ оҳин кўтаргувчи ер бўлур,
Ўргимчак ўйлабмиди, каромати тўр бўлур,
Чумоли жафосича манглайингда тер бўлур,
Топганинг буюргайдир тўйингда тўйлайди эл.

Умримнинг уммонидан дур эмас сўз ахтариб,
Топганим сайин билдим кўнглима бунча ғариб,
Тангрининг каломидир гўзал Қуръони шариф,
Шу боис тилда такрор сўзига тўймайди эл.

Бир осмон остидамиз, бир замин устида биз,
Ҳар кунга меҳмонмизу, бир-бирнинг қасдида биз,
Эл ичра киммиз ўзи, сўрдикми аслида биз,
Хас оёқ остидадур, улуғим ўйлайди эл.

Жон ичра жоним йўқдир, ўзга маконим йўқдир,
Ватансиз жаннатда ҳам сурар давроним йўқдир,
Шоирман аё Маҳмуд, сўзда ёлғоним йўқдир,
Саҳоват саркоридир султонни сийлайди эл,
Беному нишон кетсанг, кетарсан куймайди эл.

Гулчеҳра РАҲИМОВА

СУЯНЧ ТОҒИМ

КЎНГИЛ ЯРИМ...

Кўз очирмас ғийбатлардан сўзлашишни қилсак маън,
Ичдан адо бўлган юрак қолар қандай кунларга.
...Мен узоқдан олиб турган нафасингиз биламан,
Сизнинг қадам товушингиз ўхшамас ҳеч кимларга.

Гарчи узун умрингизга умри пайванд бўлса ҳам,
Тушунганми сизни мендек меҳр қўйган жуфтингиз.
Миллион ишга «кўз-қулоқ»сиз, бошингиз банд бўлса ҳам,
Мен не куйда юрганимни ҳис қилар вужудингиз.

Қўққис ўқдай қулаб тушган қушга икковимиз қанот —
Иккимизни қайирди-я икки уй номус-ори.
Иккаласи бир-бирини тўлдирсин деб табиат
Бир-бирига ташна икки кўнглимиз этди ярим.

СЎНСА ЮЛДУЗИМ

Олса, гуллар ақлу ҳушимни олса
Ундардим сабрга ўзимни ўзим.
...Кошки бу ҳаётдан кўз юма қолса
Бахтли бўлишига етмаган кўзим.

Етдим мен шу кунга бир тўзим билан,
Бир кун кўкда сўнса ёруғ юлдузим
Дарду ғамим билан ҳам ўзим билан
Кетар бир юракка ботмаган изим.

ТЎРТКЎЛ

Кўкда ҳис қиламан ўзимни буткул,
Йўллар мени ўз ҳолимга қўймайди.
Жонимдан ортиқроқ жоним — бу Тўртқўл,
Мени ўйламаса кимни ўйлайди.

Бир Аллоҳдан бошқа кимим бор бунда,
Юрак орқа берган суянч тоғим шу—
...Жаброил билдирмай жоним олганда,
Эрта-кеч йиқилар саждагоҳим шу...

Чироғи ўчмаган дераза

Шойим БУТАЕВ

Ҳикоя

Бошида унигангина мошранг дўппи, эгнида тирсаги тўзиган катак куйлак; майда ажинлар тўр солган юмалоқ юзида... жисмоний чарчоқми, маънавий эзилганликми — ҳар иккисиям эмас, қандайдир мажмагил... ҳориганлик алайно ошкор кўриниб турган пакана киши — ижара эгаси, мулойимгина, беозоргина, маъзур тутасиз дегандай... бир тарзда остонада пайдо бўлди. Чап кўзини сал-пал қисганича ижарачисининг хатти-ҳаракатларини кулимсирабгина кузатиб турди.

Ёноқлари ичига ботиб, кўзлари киртайиб қолган йигирма бир-йигирма икки ёшлардаги йигит кир босиб, титилиб кетган кўрпача устида гоҳ ёнбошлайди, гоҳ оёғини чалиштириб ўтиради, ўрнидан сапчиб туриб каталакдай хонасининг ўртасида серрайганча хаёлларга чўмади — қилиқларида қандайдир телбаёналик мужассамдай кўринади.

Келган киши кулимсираганча тураверди: чамаси, у йигитнинг бу ўтириб-туришлари, серрайганча хаёлга чўмишларидан ҳам қизиқроқ, ғалатироқ ҳаракат-қилиқлар кўрсатишини истайди, шуни кутади — кулимсиришнинг ўзигина унга кифоя қилмаётгандай кўринади: қаҳ-қаҳ отиб, баралла кулишни, «об-бо сиз-ей, ўзингиздан ўзингиз нималар қилаётибсиз?» дейишни хоҳлайди. Бироқ, унинг хоҳиш-истагига қарши ўлароқ, йигит тик турганча шу қадар узоқ ўй-хаёлларга чўмиб кетдики, бу туриш-ҳолат кўнгил хушлиги учун анча-мунча нарсаларни хоҳлаётган кишиниям зиқ қилиб юборди.

Ахийри, томоқ қириб «иҳ-м!..» деб қўйди.

Йигит кескин ўгирилди.

Унинг кўзларида ғалати бир ўт-жунун ёнарди: жунунваш боқарди, жунунваш кезинарди, жунунваш сокинликка чўмарди бир лаҳзанинг ичида бу кўзлар.

Ижара эгасини кўнглининг бир четидан ажабланишгами-ҳайронликками ўхшаган нимадир «йилт» этиб ўткандай бўлди-ю, шу заҳотиёқ йўқолди. Кўнглидаги «йилт» этган нарсаларга ҳеч қачон эътибор бермаган, балки, шу боис, юзида қандайдир безбетона ифодалар муҳрланган ижара эгасини ичкаридан безовта қилишга уринган барча ҳислару туйғулар бадар кетган эдилар; ҳамма нарсага ҳамиша кулимсираганча қарашга одатланганиям шундан эди, йигитнинг хатти-ҳаракатларини гирт телбаликка йўйиб, ундан янада ахмоқона бир ишлар кутишга ўзини ҳақли билганиям шундан эди.

— Илҳомийингизни бўлмадимми? — ҳамон кулимсираганча мингирлади ижара эгаси нималаргадир шама қилиб, шу асно «ўз уйим-ку!» дегандай такаллуфсизлик билан ичкарилади ва «бисмилло!» деб кўрпачага ялпайиб ўтирди: кафтини ёзиб, омин, олайлик олдирмайлик, еганимиз гўшт бўлсин, кийганимиз... деб кафтларини юзига суртди. Ўқ-бўеққа аланглаб, сочилиб ётган болиш-ёстиқларни териб олди, ёнбошига баланд қилиб қўйди, кейин калта оёқларини бемалол ёзиб шифтга термилди, ўзига ўзи гапираётгандай негадир:

— Об-бо, Сиз-ей! — деб қўйди.

Ижара эгасининг «илҳомингиз»ни негадир «илҳомийингиз» деб талаффуз қилиши, умуман, шу сўзни айтиши, мингирлаши, такаллуфсизлиги, болиш-ёстиқларни териб олиши, ёнбошлаши йигитни ҳайратга солгандай эди.

Ижара эгаси дўпписини ечиб, бир-икки марта кафтига қарсиллатиб урди — қоқди, кейин олдига қўйди ва глобусдай айлантира бошлади:

— Ҳу-ўш деса-ак!.. — деди.

У, мулойимгина, беозоргина кўрингани билан сиёсатга қизиқади, дунё воқеалари ҳақида сўзлашни хушлайди — йигитни ўз машваратига тортмоққа жаҳд қилади.

— Америка-Америка деймизу... аслида Американи Америка қилган ким?

Йигит беихтиёр кифт қисиб қўйди:

— Ким билиб ўтирибди дейсиз, Мирзатилла ака?

Унинг бу билмаслиги Мирзатилла акага аввалига хуш ёқиб кетди, кейин дўпписини яна айлантириб, гўё ер шарининг нариги томонларидаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилаётгандай жилдий қиёфага кириб:

— Ие, нега билмаскансиз? — деди.

Йигит яна кифт қисди.

— Ана шунақа-да сизлар. Биласизлар-у тан олгиларинг келмайди.

Бу фавқулодда кашфиётдан ҳайратда қолган йигит нима деярини билмай кўзларини пирпиратди:

— Бўлса бордир...

— Аниқ, бу аниқ! — Мирзатилла ака томоқ қириб, ўз фикрини тасдиқлашга астойдил киришди, ўз фикрини тасдиқлашдан ҳам кўра кўпроқ донолигини пеш қилиш, қаршисидаги «шойир»ни лол қолдириш истаги зўрайиб бормоқда эди.

Эшитган қулоққа унинг баъзи бир фикрлари тўғридай туюлиши эҳтимолдан холи эмасди. Лекин, тузукроқ синч солиб турилса, бу айтилаётган гаплар асло-асло уники эмаслиги аён бўларди. Қоларди. Қулоғига чалиниб қолган сўзларни ўзиникидай қилиб, устига устак бу фикрларимни фалон-фалон одамлар билишганида борми, бундайчанги хор-зорликда юрмай, аллақачонлар ўз ўрнимни топиб кетардим, улар мани қаватларига олишарди, бамаслаҳат иш тутишга мажбур бўлишарди, дегандай оҳанжома қилади-ю бироз фурсат ўтар-ўтмас ҳозиргина номларини камоли эҳтиром билан тилга олган акахонларнинг гўрига гишт қалай кетарди.

Йигит сўз қўшмай уни тинглади.

Тўғрироғи, тинглагандай бўлиб ўтирди.

— Мана, укам, сан шойир бўламан деяпсан, дея насиҳатга ўтди ижара эгаси, шу гапларимни ёз-да китоб қил, фалончи акам айтгандилар, дегин. Ана Мирғози дуконча очиб бойиб кетди, битта зў-ўр ёзувчини ёллаб, отасини китоп қилдирди — отасиям дўконча эди, растарат қилиб сибир бўб кетган эди.

Ижара эгаси отасига қўшиб Мирғозиниям сибир қилдиргиси келди.

Кимларнидир осдирди.

Оттирди.

Йигит ижирғана-ғашлана бошлади.

Ахийри, қутилган фурсат етди: энди ман борай укам, Сиз ҳам етиб дам олинг, фақат чироқни ёқиб ухлаб қолманг, дея ижара эгаси ўрнидан силжиди. Ақлу заковати мағрибдан машриққача, машриқдан мағрибгача етадигандай кўринган бу одамни дунёдаги урушлару қирғин-баротлардан ҳам кўра кўпроқ чироқнинг тонгга қадар ёқилиши безовта қилади. Укам, илҳом келганда тез-тез ёзинг-у, ишингизни дарров битириб олинг, дейди; ҳуда-беҳуда кутиб ўтираверганингиз билан фойдаси йўқ, деб маслаҳат беради; қайтанга счётчикнинг ишлагани қолади - бир кечада бунчадан ишласа, бир ойда мана бунча бўлади, деб ҳисоб-китоб қилади.

Бу кеча ҳам у деразадан бебилиски мўралаб-мўралаб кетди: мободо, йигит чироқни ёқиб ухлаб қолгудай бўлса, эшикни тақиллатиб уни уйғотади, танбеҳ беради: ука, ман сизга минг марта, милён марта айтганман-ку, шу сабил чироқни учириб ётинг деб; сиз билан чироқ пулини алоҳида келишганимизда ҳам бўлак гап эди...

Қанчалик мўраламасин, бу гал у йигитни бедор ҳолда кўрди. Бироз ажабландиям: бунга бир бало бўлган-ов, жин-пин теккан-микан, деган гумонга ҳам борди. Нега деганда, йигитнинг сочлари тўзғиган, ранги оқаринқираган, хонада бетиним чарх уриб юрарди. Гоҳ-тоҳ илкис тўхтаб, анқайганча шифтга термулиб қолар, ўша едаги ким биландир гаплашгандай бўлар, қовоғини уяр, дам ўтмай жилмайиб қўяр, бу тарзи билан ҳар қандай ақлли одамниям ажаблантириб қўярди. Узингизга аёнки, ақлли одамлар унча-мунча нарсаларга ажабланишмайди — агар, улар ҳам ажаблана бошлашса, демак, бу ерда нимадир бор, нималардир рўй бермоқда.

Ижара эгасиям ўзига яраша ақлли эди, жилла қурса, ўзини шундай ҳисобларди; лекин, аксинча фикр қилиб, ақлли одам ҳар қандай бўлмағур нарсаларгаям ажабланавермаслиги керак, деган хаёлга борди-ю, бу ерни тарк этди. Тарк этаётиб яна бироздан сўнг хабар оларман, деган ўйни кўнглининг бир четига тугиб кетди. Лекин, хабар олиш насиб этмади, тўшакка кирди-ю донг қотди. Тушида каттакон, одам бўйи келадиган лампичканинг ижарачи йигит хонасида ёқиқлиқ ҳолда турганини кўрди. У чироқни ўчир, лампичкани алмаштир, бу аҳволда мани хонавайрон қиласан, деб бақирмоқчи бўлармиш-у овози чиқмасмиш; устига устак бошига пахмоқ пўстакни ёпиштириб олгандай сочлари тўзиган йигит узун-узун бармоқларини чангақдай ейиб олганича унинг устига бостириб келармиш, атрофида чарх уриб, қўрқитмоқчи бўлармиш.

— Қоч, қоч! — махлуқни ўзидан ҳайдамоқчи бўлармиш ижара эгаси. Аммо, тилига калолат келганича қотган, қўллариям измига бўйсинмас; устига устак босинқи туш эканлигини ўзиям билиб ётганмиш — ўзини гоҳ уйғоқ ҳолдагидай, гоҳ тушдагидай ҳис этаётганмиш.

Бир хабар олай-чи, нима қиляпти экан, деган хаёлда ўрнидан туриб ташқарига йўналди.

Йигитнинг хонасида чироқ ҳамон ёқиқлиқ эди.

Деразадан мўралаб, ҳайрон қолди.

Йигит хона ўртасида мук тушганича кафтларини юзига босиб олган, худди шу тахлитда қотиб қолгандай эди.

Унинг бу тахлитда ухлаб қолиши мумкин эмаслигини хаёлига ҳам келтирмай, Мирзатилла ака секин эшикни очди. Одатдагидай кулимсираганча пича кутиб турди, чироқни ўчириб қайтиб кетаверсаммикан, деган фикр ҳам хаёлидан ялт этиб ўтди. Бироқ, чироқни ўчирмай ухлаб қолиш яхши эмаслигини, қачонгача бу ҳол давом этиши мумкинлигини, ҳатто, уйқусидаям тинч ётолмаётганини, аллақандай алмойи-алжойи тушлар кўриб чиқаётганини эслатиб, йигитни бироз хижолатга солиш истагидан воз кечолмаган Мирзатилла ака ҳар галгидай:

— Илҳомийингизни бўлмадимми? — деб ўзининг келганлигини билдирди.

Йигитдан садо чиқмади.

Мирзатилла ака қаттиқ-қаттиқ йўталди.

Аммо, йигит қимир этмас; ухлаб қолган деб гумон қилинса, ҳайрон қоларли жойи шунда эдики, унинг елкалари билинар-билинмас силкинарди.

— Илҳомийингизни бўлмадимми? — қаттиқроқ овозда такрорлади Мирзатилла ака; товушини шу даражага кўтардики, ухлаб ётган одам ҳам сапчиб туриб кетиши керак эди.

Мирзатилла ака кифт қисди:

— Ие-е...

Кейин бориб йигитнинг елкасидан тутди, оҳиста силкита бошлади:

— Ҳо-ой уйғоқмисиз?

Йигитга бу таъсир этмади.

Мирзатилла ака қаттиқроқ туртди:

— Ухлаб қолганмисиз?

Кутилмаган ҳол рўй берди: йигит ўрнидан сапчиб туриб кетдида, Мирзатилла акага еб қўйгудек ўқрайиб қаради:

— Қўясизми-йўқми?! — деди асабий товушда чинқиргудек бўлиб. — Мен энди... ме-ен энди-и...

Йигит эс-ҳушини туйқусдан йиғиб олгандек жимиди. Ким билан гаплашаётгани эсига тушиб, гапининг давомини айтмади.

Фақат:

— Эсиз... — деб қўйди.

Йигитниг эси кирди-чиқди бўлиб қолганлигига Мирзатилла акада шубҳа қолмаганди. Шунга қарамай, ақли-ҳуши жойидаги одам сифатида, қолаверса, ижаранинг эгаси бўлгани учун, ундан қаттиқ малолланди.

— Ука, менга бақирманг, — деди негадир шу чоқ хаёлига тушига кирган жунлари пахмоқ махлуқ тушиб.

— Кечираси-из... — деди йигит ўнгайсизланиб. — Ме-ен...ме-ен...

— Билиб турибман, тобингиз қочган кўринади, — деди ижара эгаси унинг тутилиб қолганлигини ўзича тушуниб. — Касал одамга дам олиш яхши фойда беради...

Йигит негадир огзини очганча ижара эгасига аграйиб қараб қолди.

Аниқ ташхис қўйгани учун ўзига ўзи қойил бўлиб турган Мирзатилла ака қандайдир кибр билан хонага сартапо назар ташлаб чиқди.

Йигитнинг хонаси ажабтовур безатилган эди. У, икки йил мобайнида ўзига ёқан портретларни, манзаравий расмларни деворга ёпиштириб ташлайверган, улар орасида Абдулла Қодирийнинг қамоқда олинган сурати, Достоевскийнинг ўлим тўшагидаги ҳолати акс эттирилган сурат, Ван Гогнинг автопортрети, Врубелнинг илоҳий мавзуда чизилган бир-иккита расмлари бор эди.

Икки йилдирки, йигит хонага тинмай сурат келтирар, китоб ташир — бу билан ўзига бир муҳит, яратажак достони учун ўнгай шароит туғдирмоқчига ўхшарди. Албатта, алоҳида-алоҳида олиб олиб қараганда, бу суратлар ҳар қандай кишида, айниқса, йигитда чуқур таассурот уйғотар — лекин, у фақат шу таассурот билан кифояланишни истамасди; шу боис, оддий томошабин бўлиб қолаётгани унга кундан-кун алам қилаверар эди.

Бу суратлар орасида қандайдир ҳаваскор рассом томонидан чизилган, санъат жиҳатидан, балки, қадри унчалик баланд бўлмаган расмни томоша қилишни йигит яхши кўрарди. Бу расмда марзалар четидаги елгизоёқ йўл тасвирланган: йўл бора-бора жўхоризордан, бедапоядан ўтади, унинг адоғида пастаккина томини лолақизғалдоқлар қоплаган кичик уй. Ҳовлисиям бор. Ҳовли атрофи шох-шаббалар билан тўсилган. Энгарак олдига чиқиб ўтирган бир аёл тиззаларини қучоқлаганича елгизоёқ йўлнинг бу бошига кўз тикиб ўтирибди.

Аёлнинг бошида оқ рўмол.

Аёлнинг юзида елгизликнинг хомуш-хомуш қўланкалари липлип ўтиб тургандай.

Аёлнинг кўзларидаги соғинч шу қадар тиниқ тасвирланганки, ҳар гал қараганда, йигит унинг бағрига сингиб кетаётгандай ҳис этади ўзини.

Йигит расмни томоша қиларкан, яйдоқликдан бўлак ҳеч вақо тасвирланмаган йўлнинг бу бошида негадир ҳамиша ўзини кўради. Ўша яйдоқликда кўради ўзини. Ана у секин-секин юриб кетяпти, юриб кетяпти... Жўхоризордан шамол келтирган чанг димоғини қичитади — у юряпти, юряпти, юряпти... Бедазордан хуш ислар келади, уни маст қилгудай бўлади — йигит ҳамон шошади, шошади, шошади... Лекин, қадами унмаётгандай...

Яна аллақаёқларга кетган йўллар.

Яна аллақаёқларга кетган суқмоқлар.

Яна аллақаёқлардан унга термулган нигоҳлар.

Яна...

Яна...

Яна...

— Сурат осавериб, деворниям илма-тешик қилиб ташлабсиз, — деди Мирзатилла ака расмларга аллақандай нафрат билан кўз югуртириб. — Узи ҳаммасини олиб ташлаб, деворни оқлаб юбориш керак...

— Мен оппоқ девор орасида яшолмайман, — деди йигит.

Мирзатилла ака қулди:

— Урганиш керак. Культурни одамлар оппоқ деворларни яхши кўришади. Кейин культурни одамлар ўз вақтида овқатланишади, ўз вақтида ишлашади, ўз вақтида дам олишади... Шаҳарга келибсизми, культурани урганинг!

Мирзатилла ака тантана қилгандай қош қоқиб, томоқ қириб қўйди.

Йигит индамай турарди.

Мирзатилла ака культура ҳақида яна пича ваъз ўқимоқчи бўлди-ю, бироқ ўзининг ҳам культурнилиги эсига тушиб, бунинг вақти эмаслигини фаҳмлаб қолди.

Кетишга чоғланаркан:

— Гапларим ёдингиздан чиқмасин, — деди.

Ташқарига чиқиб пича кутиб турган Мирзатилла ака ҳавога сўзлаганини билди: чироқ ҳали-вери ўчадиган кўринмасди.

У қўл силтаб ўз хобгоҳига йўналди.

Кичкинагина дераза ойнаси ортида зулмоний тун тўрт томонни бирдек ўраган.

Қоронги дунёнинг нақ марказида нимжонгина шам липиллаб тургандай.

Ижара эгаси ўз тўшагида тўлғонади: йигит хонасидаги чироқ унинг тушидаям ўтакасини ёриб юборгудек бўлади: уйғонмоқчи бўлиб уйғонолмайди, бақирмоқчи бўлиб бақиролмайди.

Йигит бўлса... зулмоний тун қаърига кўзларининг ич-ичидан, нигоҳининг бутун қувватини йиғиб тикилади. Тикилгани сайин барча сўзлар миясидан ситилиб чиқиб кетаётганини ҳам пайқамайди; унинг кўзларини чарчоқ босади, қингир-қийшиқ ҳарфларла олдидаги қоғозга бир сўз учиб келиб қунади: «ОНА»

Тун баттар қораяди, қорая-қорая бир нуқтага йиғилиб, жамлана боради, унинг атрофида Тонг оқаришиб кела бошлайди ва туйқусдан Тонгнинг нақ ўртасидан туннинг мужассам бир шакли — қоп-қора бир қарға учиб чиқиб, чироғи учмаган деразага келиб ўзини уради.

«Қаг, қаг-қаг, қаг...»

Йигит илкис бошини кўтарди.

Туннинг ўзи ҳақидаги хабари тобора узоқроқдан, узо-оқдан, узоқлардан эшитила бошлайди: «қаг... қаг... қаг-қаг...»

Йигит қоғозга тушган сўзга ҳайрон бўлиб тикилди. Юраги бир бир нимани сезгандек дарров ҳаваскор рассом томонидан чизилган расмга қаради. Елгизоёқ йўлнинг бошида унинг ўзи тасвирланган... юриб эмас, югуриб-югуриб, елиб-елиб бормоқда эди. Жўхоризордан эсаётган шамол кучайган, ҳаммаёқни чанг-тўзонга буркаган эди. Бедазор устида уюлган бир уюм қора булутдан челаклаб ёмғир тўкила бошлади.

Йўллар аллақаёқларгадир кетарди.

Суқмоқлар аллақаёқларгадир кетарди.

Аллақаерлардан бир Нигоҳ унга термулиб турарди.

Энгарак олдида тиззаларини қучоқлаб ўтирган аёл... расмла йўқ эди.

Энгарак олдида оппоқ рўмол ғижимланиб ётарди.

Йигитнинг иситмаси чиқиб, ранги қум оқариб кетди. Шошапиша кийиниб, чиоқни ўчиришни ҳам унутганча ўзини ташқарига урди.

Мирзо КЕНЖАБЕК

ХИЛМА-ХИЛЛИК ТЕНГСИЗЛИК ЭМАС

Ушбу мақолани ёзишимга «Ўрта асрлар тарихи» дарслигидаги «Қуръон тенгсизликни оқлайди» деган бир жумла сабаб бўлди...

Жаҳоннинг қайсидир ҳайвонот боғида бир фил 200 йил давомида темир қозиққа занжирбанд қилиб қўйилган экан. Икки юз йил ичида занжир занглаб, темир емирилибди, темир қозиқдан ном-нишон қолмабди, аммо фил, бундан бехабар, яна юз йил темир қозиқ атрофидан нари кетолмаган экан... Атоқли адиб Абдулла Қодирийга бағишланган анжуманда 1964 йили Абдулла Қаҳҳор айтган бу гап ҳануз оғиздан оғизга кўчиб юради. Бу кун шуни такрорлашга эҳтиёж сездик. Нега?

Негаки, юз йилдан ортиқ ҳукм сурган истибдод тугади, мутеъликнинг темир қозиғи чириди, мустамлакачилик занжирлари узилди, Ватан — Ўзбекистон, бутун қадим Туркистон озод бўлди, мустақилликнинг бешинчи йили кетмоқда. Аммо ҳамон эски даҳрийлик қозиғи атрофида айланиб юрган идоралар, шахслар, тарихчи-олимлар йўқ эмас.

Ўрта мактабнинг 7-синфи учун чиқарилган «Ўрта асрлар тарихи» дарслигининг муаллифлари — Екатерина Василевна Агибалова, Григорий Маркович Донский. Таржимонлар — А.Уразаев, М.Маҳмудов. Тошкент, «Ўқитувчи» нашрёти, 1994 йил. Бу «русча қайта ишланган йигирма олтинчи нашрига мувофиқ ўзбекча йигирма учинчи нашри» экан.

Дарсликнинг иккинчи бетида бундай алоҳида ёзув бор: **«Дарслик 1961 йилда тарих дарсликлари очиқ танловида 1-мукофот билан тақдирланган»...**

Яна: **«1973 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлган».**

Қайси давр, қайси давлат, қайси тузум мукофотлари билан мақтанилмоқда? Ахир, у даврнинг ўз сохта мафкураси, ёлғон сиёсати, темир қолипи бор эди. Бу таъкидлар дарсликда ҳақиқат сўзи ёзилганига кафолат бера олмайди.

Ўзбек олимлари ўрта асрлар тарихини битишга қодир эмас, деб бўлмайди. Ҳеч йўқса, очиқдан-очиқ ёлғондан, бўҳтондан иборат бобларни таҳрир қилишга, янги мустақил замон нуқтаи назари билан қайта кўриб чиқишга зарурат бор-ку!

Гап муаллифларда ҳам эмас. Агар соғлом тафаккур, холис ният билан бўлса, ҳар қандай ажнабий муаллиф ўзбек ўқувчилари учун дарслик ёзса, эътироз чиқмайди. Айни вақтда мазкур дарсликни муаллифлар ўз даҳрий-атеистик давлати, ўз мустамлакачилик сиёсатига мослаб, «улуғоғачилик» кайфияти билан ёзганини ҳам тушунамиз.

Энди гап ўзимизда. Гап ҳамон ҳудосизлик либосини зоҳирдан ечиб, ботинидан ечолмаётган ўз вакилларимизда.

Ушбу мақолани ёзишимга дарсликдаги «Қуръон тенгсизликни оқлайди» деган бир жумла сабаб бўлди. Муаллифлар Қуръони каримнинг илоҳий китоб эканлигини англамай, ҳис этмай, уни ердаги инсонлар ёзган асар деб ўйлаганлар, шекилли. Биз илоҳий маърифатдан бехабар бир миллат эмасмизки, дуч келган тарихчи бизни лақиллатиб кетаверса!

Қуръон махсус илмий ёки бадиий китоб бўлмаса ҳам, бутун илмлар ва бутун бадиийтнинг асл манбаидир.

Қуръон, ақида — эътиқод илми устози Абу Мансур Мотурудий, ҳикмат-ҳадис илми устозларидан Имом Бухорий, қонун, фиқҳ, ҳуқуқ илми устози Имоми Бурҳониддин Али Ибн Абу Бакр Марғиноний, Аллоҳ маърифатининг хабарчилари, Ҳақ дўстлари — ҳазрати Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Шоҳ Баҳовуддин Муҳаммад Нақшбанд, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким Термизий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор... «Ўзбек тилининг улик жасадига руҳ кийгизган» Алишер Навоийдан тортиб, кечагина — ўтган Муҳаммадризо Огаҳийгача жами қалам аҳли... Бошқа ўнлаб, юзлаб даҳолар Қуръонда тенгсизлик кўрмаган эдилар-ку!

Тўғри, бундай туҳматлар қизил империя давридан бери бор. Аммо муайян нусхада чиқарилган бу дарслик мустақилликнинг тўртинчи йилида нашр бўлиб, бешинчи йилида ҳам баъзи мактабларда бемалол ўқитилаётганини нима деб изоҳлаймиз?

Бу — ачинарли бир ҳол эмасми?

Ана шундай ўй-кечинмалар билан «Ўрта асрлар тарихи» III бобидаги «Ислом динининг вужудга келиши ва арабларнинг бирлашиши» деган мавзуни далил-ҳужжатлар асосида таҳлил қилишга жаҳд этдик.

Дарсликнинг 4-мавзуйида: **«Ислом динининг асосчиси маккалик Муҳаммад эди»,** дейилади. (61-бет, пастдан 9-сатр).

Бундай дейиш исломнинг илоҳий дин эканлигига ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳнинг расули — пайғамбари эканлигига шубҳа уйғотиш билан баробардир. Умуман, бу бобдаги услуб шунақа — бир қарашда тўғригина гапларни ёзишаётганга ўхшайди-ю, диққат қилсангиз, ҳақиқатии шубҳа остига олиб, масхара қилаётгани билиниб туради.

Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг ҳақ расули— элчиси эканлиги фақат исломда ва Қуръонда эмас, балки ундан беш юз ва минг йиллар олдин нозил қилинган «Таврот» ва «Инжил»да айтилган эди. Бу ҳақиқат яҳудий ва насоро (христиан) динида аввалдан маълум эди. Далил: Қуръони каримнинг «Саф» сурасида айтилади: **«Эсланг, Ийсо бинни Марям: «Эй Бани Исроил, албатта мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим)», деган эди».** (6-оят). Аҳмад пайғамбаримизнинг исмлари бўлиб, Муҳаммад сўзи билан бир ўзакдан чиққандир.

Ухровий ва дунёвий илмларда илғор айрим алломалар башар ҳаётидаги диннинг икки хил булишини айтишади: 1. Илоҳий динлар. 2. Инсоний динлар.

1. **Илоҳий динлар** шак-шубҳасиз бутун оламлар Парвардигори — Ҳақ таоло томонидан эндирилган. Аллоҳ ўз амрларини илоҳий саҳифалар ва китоблар орқали қавмларга нозил қилган. Масалан, пайғамбарлар отаси — Иброҳим алайҳиссаломга зарбулмасалдан иборат саҳифалар, Мусо алайҳиссаломга — Таврот, Ийсо алайҳиссаломга — Инжил, Довуд алайҳиссаломга — Забур, Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръон туширилган. Шариатлари, ибодат услублари турлича бўлса ҳам, моҳиятан илоҳий динларнинг ҳаммаси аслида бир диндир. Далил: **«(Эй инсонлар!) Сизларнинг миллатингиз-динингиз ҳақиқатда бир диндир (яъни, Исломдир). Мен эса (барчаларингизнинг) Парвардигорингиздирман!»** (Қуръони карим, «Анбиё» сураси, 92-оят).

2. **Инсоний динлар** инсонларнинг ўзи томонидан ўйлаб топилгандир. Масалан, ўтпарастлик, бутпарастлик, қуёшхудолиликни, табиатга, сигирга, илонга (ёки Мусо алайҳиссалом даврида бўлганидек, бузоққа) сиғинишлар одамзоднинг залолатидир. Буни Ғарбда, Европада «Маданият» деб сифатлашади. Масалан, машҳур инглиз этнографи ва тарихчиси Эдуард Бернетт Тайлор «Ибтидоий маданият» асарида инсоннинг илоҳий кучга мойиллик хусусиятини тўғри таърифласа ҳам, қуёшхудолиликни, турли нарсаларга сиғинишларни «ибтидоий маданият» деб сифатлайди.

Тўғри, дин — илоҳий қудратга тобелик инсоннинг асл фитратида — табиатида мавжуд. Инсон Ҳудосиз яшай олмайди. Қуръони каримнинг «Жосия» сураси, 23-оятидан маълумки, ҳеч бир динда бўлмаган одам ҳам аслида ўз нафсини ўзига худо қилиб олган бўлади. Айрим олимлар, ҳудосиз яшагандан кўра, инсоннинг бирон нарсага сиғиниб яшашини «маданият» дейди. Бироқ, ҳақиқий дин Аллоҳнинг дини бўлиб, бошқалари «маданият» дейилса ҳам, «дин» дейилса ҳам, аслида ҳеч қандай дин эмас, балки ширкдир, яъни ёлғиз Аллоҳга бошқа нарсаларни шерик қилишдир. Ширк эса маданиятсизликкина эмас, балки кечирилмайдиган гуноҳдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло: **(«Эй инсонлар!) Огоҳ бўлингизким, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир!»** деб огоҳлантиради.

Тарих китобларида Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлар аҳли китобларга аввалдан аён эканлиги таъкидланган.

Бошқа пайғамбарлар фақат ўз қавмларига юборилган бўлса, у киши бутун инсониятга пайғамбар қилиб юборилганлар. Далил: **(«Эй Муҳаммад) Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга хушхабар элтгувчи, огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда пайғамбар қилиб юбордик».** («Сабаъ» сураси, 28), **«У Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир».** («Аҳзоб», 33)

Дарсликда ёзилган: «У (яъни Муҳаммад арабларни узаро низоларни тугатишга ва битта динни қабул қилиб бирлашишга чақирган. Янги динни қабул қилган кишилар ўзларини **мусулмон, яъни «худога итоатгўй»** деб атаганлар». (61-бет, пастдан 3-сатр).

Муҳаммад алайҳиссалом фақат арабларни эмас, балки бутун инсониятни эътиқодда, Аллоҳ йўлида, поклик ва ҳалоллик динида бирлашишга чақирган. Аммо бирор салтанат, ҳокимият илинжида эмас.

Мусулмонлик эса фақат янги дин келгандан кейин чиққан гап эмас. «Мусулмон» деган сўз «Ислом»нинг луғавий ва шаръий маъносидан келиб чиққан. **Ягона Аллоҳга итоат қилиб, пайғамбарларга эргашган барча давр кишилари асли мусулмон бўлганлар.** Мисолларга ўтамиз.

Нуҳ пайғамбар алайҳиссаломнинг мусулмонлиги «Қуръонда бундай билдирилган: «Мен ажр-савобни фақат Аллоҳдан (сўрайман). Ва мен Унга буйинсунгувчи — **мусулмонлардан бўлишга маъмурман (амр** этилганман) («Юнус», 72-оят).

Иброҳим, Яъқуб пайғамбарларнинг ҳам мусулмон эканлигига далил: «Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни (Исломни) васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, Албатта Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. **Бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина дунёдан ўтингиз!»** («Бақара» сураси, 132-оят).

Юсуф пайғамбар алайҳиссаломнинг мусулмонлиги унинг Қуръонда келтирилган ушбу сўзидан маълум: **«Эй осмонлар ва ерни яратган зот, дунёю охиратда Ўзинг хожамдирсан. Мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени ҳам солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин!»** («Юсуф» сураси, 101-оят).

Сулаймон алайҳиссалом ва унинг қавми мусулмон эканлигига далил пайғамбарнинг Қуръони келтирилган сўзи: «Бизларга ундан илгари илм-маърифат берилиб, мусулмон бўлганмиз». («Намл» сураси, 42-оят).

Мусо алайҳиссалом ва қавми мусулмонлигига далил: «Мусо уларга деди: «Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирар экансизлар, демак, мусулмон бўлсангизлар, Унинг ўзигагина суянинглар — таваккул қилинглар». («Юнус» сураси, 84-оят).

Исо алайҳиссалом (Исус Христос) ва ҳаворийларнинг мусулмонлиги Қуръонда бундай зикр қилинган: «Қачонки, Исо улар томонидан куфрни сезгач, деди: «Ким Аллоҳнинг динига даъват қилишимда менга мададкор бўлур?» Ҳаворийлар дедилар: «Биз Аллоҳ (дини)га ёрдам бергувчилармиз. **Аллоҳга иймон келтирдик. Гувоҳ бўлгилки, бизлар мусулмондирмиз».** (Оли Имрон» сураси, 52-оят). Саййид Маҳмуд Торозий таржимасида «Бизлар албатта мусулмонлардурмиз» деб сўз атама сифатида олинган).

Хуллас, барча динлар аслан бир дин эканлиги, барча пайғамбарлар инсониятни тавҳидга — Аллоҳни яккаю ягона деб билишга даъват этганлиги, Аллоҳгагина бўйсунганлар мусулмонлар эканлиги, Аллоҳнинг фарзанди — ўғли бор дегувчиларнинг ақидаси ботил ақида эканлиги юқоридаги мисоллардан англашилади.

Дасрликда ёзилган: **«Ислом дини ҳам христиан дини сингари оддий халқдан итоаткор бўлишни талаб қиларди. Ҳатто ислом сўзининг ўзи ҳам «итоаткор» деган маънони билдиради»** (62-бет, юқоридан 1—сатр).

«Ислом» сўзининг луғавий маъносини бутун жаҳон луғатшунос олимлари, тафсирчилар ва шарқшунос олимлар қуйидагича деб топишган:

1. Ихлос, халослик — турли офатлардан саломат бўлиш.
2. Сулҳ — тинчлик-омонлик.
3. Итоат ва бўйсуниш.

Аллоҳ таолонинг сўзи таржимаси: **«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) исломни дин қилиб танладим».** («Моида» сураси, 3-оят).

«Ислом» — атама (термин). Уни муқобил таржима ёки маъноларидан бирини матнда берган одам янгилашади ёки янглиштиради. Г.С.Саблуков русча таржимасида бу атаманинг фақат «бўйсуниш» маъносини лозим бўлмаган ўринларда қўллаган. Масалан: **«Аллоҳ ҳузуридаги чин дин Исломдир» деган ояти каримадаги** («Оли Имрон» сураси. 19-оят) «Ислом»ни «Покорность» деб, ўгириб, сунг тагида изоҳ берган.

Эътибор қилинг, Аллоҳнинг сўзи: **«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас, ҳаргиз қабул қилинмас ва ул охиратда зиён кўргувчилардандир».** («Оли Имрон» сураси, 85-оят). Г.С.Саблуков оятдаги «Ислом»нинг фақат «эътиқод» маъносини бу ўринда қўллаган. Оятнинг асл умумий маъносини бузган. И.Ю.Крачковский эса икки ўринда ҳам Ислом атамасини айнан қўллаб тўғри қилган.



Юқорида ҳамма динларнинг аслида бир дин, яъни Ислом эканлигини англадик. Бу ўринда эса атаманинг фақат бир маъносига ёпишиб олишнинг тўғри эмаслиги исботланди.

Исломдаги «итоат» маъносига келсак, бу тушунча дуч келган инсонларга, кас-нокас, турли золим, босқинчиларга эмас, балки фақат ягона Аллоҳ таолога бўйсунишни билдиради. Бу маънода Ислом фақат «оддий халқдан» эмас, балки «оддий бўлмаган» барча халқдан ҳам Аллоҳга итоат этишни талаб қилади.

Айримлар «итоаткор» деганда буш-баёв, инсонларга мутеъ — ҳаммага қўл қовуштириб турaверадиган, қўлидан ҳеч иш келмайдиган ландавур, ночор-нотовон кимсаларни тушунади. Бундай «итоаткорлик» Исломга ёт. Исломда одоб-ахлоқ, тавозеъ, иззат-ҳурмат, илм-маърифат, меъёр бор. Буларнинг ўрнини билиш учун инсонга ақл-тафаккур берилган. Аллоҳ таоло кучли-ғайратли бандаларини севади. Бир мўъмин тўртта мунофиққа кучи етса, яхши. Аммо бундоқ енгиш арқон тортиш ёки музда сирпанишдагина эмас, илм-маърифатда, меҳнат ва тадбиркорликда, ақл-тафаккурда ҳам бўлмоғи лозим.

Дарсликда ёзилган: **«Ислом диндорларга худо томонидан ерга вакил қилинган ҳукмдорларга сўзсиз итоат қилишни буюради.»** (62-бет, 6-сатр).

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ халифаликдаги биринчи нутқида халққа қараб айтган эди: **«Агар мен Аллоҳга итоат этсам, менга итоат этингиз. Агар мен Аллоҳга осий бўлсам, (яъни бўйсунмасам), сизлар ҳам менга итоат этмангиз».**

Демак, бирон-бир фосиқ инсонга, қандайдир «марказ»га, ёки йирик империяга эмас, фақат ягона Аллоҳга итоат этган ҳукмдор тўғри йўлдаги ҳукмдор ҳисобланади. Муайян мамлакат аҳолиси ана шундай илм-маърифатли, адолатли, иймонли ҳукмдорга итоат этмасдан, шайтонга итоат этсинми? Кур-курона итоат, ер тепиб «чест бериш» қизил империяда бўлган. Иймонсиз, тажовузкор, адолатсиз ҳукмдорга бўйсуниш у ёқда турсин, золим подшоҳга тўғри гапни айтиш ҳам жиҳод ҳисобланади.

Аллоҳ инсониятни фақат яхшиликка буюрган. Унга итоат асл итоатдир. Аллоҳга итоат этмаслик яхшиликка юрмасликдир.

Дарсликда ёзилган: **«Қуръон тенгсизликни оқлайди. Унда: «Баъзи оилаларнинг биз берадиган бойликларига кўз олайтирма» дейилган».** (62-бет, 7-сатр). Муаллифларнинг мақсади, хусумати, ниҳоят, маълум бўлди.

Биринчидан, Қуръон тенгсизликни оқламайди, балки қатъиян қорлайди. «Ла илаҳа иллаллоҳ» — Аллоҳдан бошқа илоҳ, топинч йўқ дегани шоҳу гадо, оқтан-қоратан баробар эканини англатади.

Аллоҳ таолонинг сўзи: «Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда — қуруқлик ва денгизда чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик». («Ал-исро» сураси, 70-оят).

Тушунган одамга шу жавобнинг ўзи кифоя. Қуръонда қиёмат-гача келадиган каззоб-ёлғончи ва туҳматчиларга олдиндан жавоб айтиб қўйилган. Бир оғиз бўҳтон билан илоҳий китобни йўққа чиқармоқчи бўлган зотларга жавоб ҳам ҳайф. Аммо биз миллионлаб ўқувчиларга ҳақиқатни эслатиш учун яна далиллар келтирамиз: Аллоҳнинг каломи: «(Мудом) **Адолат қилингизлар! Зеро Аллоҳ адолат қилгувчиларни севар»** («Ҳужурот» сураси, 9-оятдан). Яна: **«Мўъминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Аллоҳдан қўрқинглар — шоят ул зот томонидан бўладиган раҳматга эришсангизлар»** (Уша сура, 10-оят).

Иккинчидан, инсон-ку бир гал «ҳайвондан (тағин маймундан) яралганмиз», деб ўзига ҳам, яратган Парвардигорига ҳам оғир туҳмат қилган эди. Шу шармсорликдан кейин ҳам яна Аллоҳга туҳматлар қиладими? Қуръон Аллоҳнинг сўзи ва бунга ер юзидаги онгли инсониятнинг асосий кўпчилиги аллақачон иймон келтириб бўлган. Иймонсизларга эса ҳеч ким зўравонлик билан ҳукм қилмайди. Фақат бу нуқтада уч нуқта билан хабардор қиламиз:1. **«Ахир Аллоҳ шаънига бўҳтон қилган ёки Унинг оятларини ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Албатта (бундай) жиноятчи кимсалар нажот топмаслар»** («Юнус» сураси, 17-оят). 2. Бандаларига чексиз меҳрибон бўлган Аллоҳнинг адолатига илоҳий сўз билан далил (таржимаси): **«Ахир, Аллоҳ ҳукм қилгувчиларнинг энг адолатлиси эмасми?!»** («Ват-тийн» сураси, 8-оят). Яна: **«Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик этишга буюрур, ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур»** («Наҳл» сураси, 90-оят). 3. Собиқ қизил империячиларнинг мақсадига ўн тўрт аср олдинги жавоб: **«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми? Иймонлари қомил бўлган қавмлар (халқлар) учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!»** («Моида» сураси, 50-оят).

Учинчидан, «кўз олайтириш» деганн очофатликни, ҳаромхўрликни, зўравонлкини ифодалайди. Муаллифлар эса шу нарсаларни ёқлаётир. Бировнинг Худо берган мол-давлатига кўз олайтириш тенглик бўлармиди? Инсон бировнинг ҳисобига кун кўришни одат қилсинми? Босиб олиб, «қўшиб олдик» деб ёлғон тўқисинми? Инсон ўзини билса, Аллоҳни билади. Аллоҳни билса, ризқ азалий эканлигини, Тангри таоло инсонни «.. ўзи кутмаган, ўйламаган томондан ризқлантирур!» эканлигини («Талоқ» сураси, 3-оят) билур эди. Ва кўз олайтиришни, босқинчиликни тарғиб этмаган, оқламаган бўлур эди.

Тўртинчидан, Қуръон бутун инсониятга нозил қилинган Китоб. У бирон-бир салтанат ёки давлатгагина мослаб эндирилмаган. Ер юзидаги бирон салтанат эса ўз аҳолисини тўлиқ бой ёки тўлиқ камбағал қилишга қодир эмас. Қашшоқ юртларда бойлар, бой диёрларда камбағаллар бўлади. Шу важдан Аллоҳ берган ризқдан инфоқ-эҳсон қилиш масаласи Қуръонинг энг муҳим ғояларидан ҳисобланади.

Бишинчидан, ҳадиси шариф мазмунидан маълумки, ҳар бир одамда Аллоҳнинг, бола-чақасининг, аёлининг, бошқа инсонларнинг ва шунингдек, ўз вужудининг ва нафсининг ҳам баъзи ҳақлари бор. Аммо исломиятда шу ҳақлар тўғрилик, ҳалоллик билан адо этилади. Ҳеч ким бировнинг ҳақига, мол-мулкига «кўз олайтирмайди». Масалан, зурриёд-авлод қолдириш учун никоҳ қилиб уйланмоқ лозим, зинокорлик билан қолдирилган насл ҳароми саналади. Ҳар бир инсондаги тўғрилик, поклик жамиятда ҳам ҳалоллик, поклик, адолат, тинчлик-осойишталик қарор топишига сабаб бўлади.

Олтинчидан, «Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани ҳисобга олгувчи бўлган зотдир» («Нисо» сураси, 86-оят). Моддий-дунё бойликларини Аллоҳ иймонлига ҳам, иймонсизга ҳам бериб қўяверими мумкин. Бу бойлик инсонларни имтиҳон қилиш, фитнага солиш учун ато этилган бўлса-чи? Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Ва аллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан охират (ободлигини) истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагил. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллоҳнинг бандаларига) инфоқ-эҳсон қил. Ерда (зулму зўравонлик билан) бузғунчилик қилишга уринма. Чунки Аллоҳ бузғунчи кимсаларни суймас»** («Қасас» сураси, 76-77 оятлардан).

Аммо ҳурмат ва устунлик бойликда эмас, чунки ҳаёт ҳам шу моддий ҳаётдан иборат эмас. Аллоҳнинг сўзи: **«Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги ҳурматлирогингиз тақволирогингиздир»** («Ҳужурот» сураси, 13-оят). Яна: **«Оқибат тақво қилгувчи кишиларникидир»** (Уша сура, 83-оятдан).

«Ҳужурот» сурасининг 78-оятидан маълумки, мол-давлат инсонга ўзининг билими, уддабурролиги сабаблигина ато этилмайди, бу Аллоҳнинг синовларидир. Агар Ақл ва билим туфайлигина одамга мол-давлат ато этилса, аввало Аллоҳнинг расулларига ато этилар эди. Ҳолбуки, бечора жонворларнинг уйи-уяси бор, Исо алайҳиссаломнинг уйи йўқ эди. Ҳолбуки, Муҳаммад алайҳиссаломдан кўра камбағалроқ ва суфийроқ одам йўқ эди. Аммо ул зот: «Ал фақру — фахрий, яъни камбағаллик фахримдир» деб яшаб ўтдилар.

Еттинчидан, Исломда закот фарз қилинган; закот Исломнинг беш аҳкомидан бири — улуғ ибодатларнинг тўртинчисидир. Тенгсизликка қарши, иқтисодий мутаносибликни сақлашга кўмаклашадиган бу ибодат — закот, бойликни ҳалолловчи воситадир. Балоғатга етган, ақли жойида бўлган бадавлат мусулмон ҳалол йўл билан топган бойликларидан — олтин, кумуш, сотиладиган моллари ва ҳайвонларидан ўзининг фақир қавм-қариндошларига, етим-есир, камбағал, бева-бечораларга, илм толибларига, касбдан ожиз бўлган йўқсилларга белгиланган тартибда закот беради. Шундоқ бўлгач, кофир, иймонсиз тоифаларнинг бойликларига «кўз олайтиришга» ҳожат қоладими? Закот жамиятнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бойлиги ифодасидир.

Саккизинчидан, дарсликда оятнинг мазмуни бузиб таъвил қилинган. Тафсир илми уч қисмга бўлинади: 1. Тафсир бил маъсур — бунда муфассир саҳиҳ ҳалислар ва саҳобаларнинг қавл-сўзлари билан тафсир қилади. 2. Ат-тафсир бирраъй — бунда муфассир ўз фикри ва иждиҳоди билан тафсир қилади, бу қисм жоиз ва ғайри жоизга бўлинади. 3. Тафсири ишорий - бунда тафсирчи оятнинг сиртқи — зоҳирий маъносига қарамай, унинг махфий ишоралари тақозоси билан тафсир қилади. Бу сулук ва тасаввуф арбоблларига хос.

Қуръонда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш хусусияти мавжуд. Уни истаган киши ўз жоҳилона мақсад-муддаосига буриб талқин қилишга ҳақи йўқ.

Энди оятнинг аслига эътибор қилайлик: **«Ла тамудданна ъайнайка ила ма маттаъна биҳи азважан минҳум ва ла таҳзан ъалайҳим ва ахфиз жанаҳака лилмуъминин».** (Араб ёзувини ер юзидаги бошқа бирон ёзувда тўғри ўқиш ва тўғри ёзиш имконсиздир).

Оятдаги «Ла тамудданна ъайнайка» яъни, кўзингизни тикманг, иборасини дарсликда «кўз олайтирма» деб олинган бўлса, Саййид Маҳмуд Торозий таржимасида «боқманг» деб, Алоуддин Мансур таржимасида «кўзларингизни тикманг» деб, туркча англамида (Диёнат вақфи) «боқманг» деб, Г.С.Саблуков нусхасида «Не напрягай своих очей» деб, И.Ю.Крачковский таржимасида «Не простирай же своих глаз» деб берилган. «Кўз олайтириш» салбий маънода бўлиб, дарслик таржимонлари буни ўрисчадан ўгирганлар.

Оятдаги «азважан» сўзини Саблуков «Семейство» деб, Крачковский «пара» («завжа»га асосланиб) деб, Саййид Маҳмуд Торозий «бир неча жамоатни» деб, Алоуддин Мансур «(айрим) тоифаларни» деб, туркча англамида «кофирлар ичиндаки баъзи кимсаларга» деб ўгиришган. Барановнинг арабча-русча луғатида ҳам «оила» маъносини ўқиш мумкин.

Хўш, энди у жамоат, у тоифа, у «семейтсво» ким? Туркча англамида очиқ кўрдик, Тарозий ҳазратлари буни «яҳудийни, насорони, мушрикни» деб тафсир қилган, Алоуддин Мансур «Кофирлардан айрим тоифаларни» деб изоҳлаган. Хуллас, оят мазмуни бир неча ишончли тафсирлар асосида қилинган таржимада қуйидагича акс этган: **«Сиз кўзларингизни Биз у (кофирлардан айрим) тоифаларни баҳраманд қилган нарсаларга (яъни уларнинг молу давлати, шаъну шавкатларига) тикманг; уларнинг (иймонсизликлари) устида ғамгин ҳам бўлманг; мўъминлар учун қанотингизни паст тутинг (яъни мудом камтар-тавозули бўлинг).**

Оятдаги «мўъминин» сўзидан билиниб турибдики, гап мўъмин бўлмаганларнинг, яъни иймонсизларнинг бойлиги ҳақида кетаётир.

Қуръон қарама-қаршиликлардан холи илоҳий китоб бўлгани учун бу оят мазмуни «Тоҳа» сурасидаги 131-оятда яна очилади ва бойлик ҳам у тоифаларга нима учун берилгани маълум бўлади: **«Сиз кўзларингизни Биз (кофирлардан айрим) тоифаларни фитнага солиш учун баҳраманд қилган ҳаёти — дунё гўзаликларидан иборат нарсаларга тикманг! Парвардигорингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир».**

Қуръони карим инсониятнинг эмас, балки бутун мавжудоту махлуқот, бутун коинот — бутун оламларнинг интизоми, ҳаёти, тақдир-ҳаракати ҳақидаги илоҳий китобдир. «Талоқ» сурасининг 12-оятида «Аллоҳнинг амр-фармони етти қават осмон ва етти қават ер ўртасида нозил бўлиб, тарқалиб туриши» айтилса, «Ал-исро» сурасининг 88-оятида «агар бор инсу жин бирлашган тақдирда ҳам Қуръоннинг ўхшашини келтира олмаслиги» уқтирилади. Аллоҳга, Унинг динига, муқаддас Қуръонига туҳмат қилган қанчадан-қанча қавмлар, тоифалар, салтанатлар, тузумлар тўзғиб, йўқ бўлиб кетди. Шубҳасиз бундан кейин ҳам шундоқ бўлажакдир.

Дарсликда ёзилган: **«Камбағаллар қанча оғир кун кечирмасин, барибир, сабр ва тоат-ибодат қилиши лозим».** (62-бет, юқоридан 9-сатр).

Аввало Исломдаги ибодатнинг маъносини эслайлик. Аллоҳ таоло марҳамат этади: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилмоқлари учунгина яратдим».** («Воз-зорият» сураси, 56-оят). Демак, ибодат инсоният ҳаётининг мақсад ва мазмунидир. Ибодат фақат Аллоҳгагина қилинади, бошқа бирон жонзотга эмас. Ибодат ўн қисмдир, шундан тўққиз қисми ҳалолликни ахтаришдир. Яхши ният, ихлос ва ғайрат билан холис Аллоҳ учун қилинган ҳар қандай эзгу амал ибодатдир. Меҳнат ҳам, ҳунар ҳам, намоз-рўза ҳам, сабр ҳам, закоту ҳаж ҳам, дуо ҳам ибодатдир. Илм олиш эса ибодатнинг афзалидир. Лозим маҳалда сукут ҳам ибодатдир. Демак, тоат-ибодатга қаршилик қилиш умуман яхшиликка қаршилик қилишдир!

Энди ўйлайлик-чи, камбағал камбағаллиги учун, бой бойлиги учун Аллоҳдан юз буриб, тоат-ибодатдан чалғиса, инсоннинг инсонлиги, банданинг бандалиги қоладими? Жамиятда, тузумда ахлоқ, поклик, ҳалоллик қоладими?

Хўш, дарслик муаллифларининг фикрича, камбағал нима қилиши керак? Бойларнинг, иймонсиз мушрикларнинг мол-давлатига «кўз олайтирши» керакми? Ёки Аллоҳни қўйиб, бориб Кремл деворларига бошини уриши керакми?

Йўқ, мусулмонлик қуруқ мерос ёки тақлидий ҳодиса эмас, балки ҳар бир инсоннинг онг-тафаккурида янгиланадиган азалий фитратдир. Камбағалнинг охиратдаги мартабаси нечоғ юксак эканлигини юқорида англадик. Исломда қашшоқликдан қутулишнинг йўллари ҳам иймонга асослангандир. Меҳнат-машаққатда қолган ҳар бир иймонли инсон учун эса Аллоҳ таолонинг марҳамати муҳайё: **«Бас, албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир».** («Шарҳ» сураси, 5-6-оятлар).

Дарсликдаги жумланинг давоми: «Ислом дини итоаткорларга жаннатда тўқ ва шод-ҳуррам яшашни ваъда қилади, чунки итоаткор ўлгандан кейин тўғри жаннатга кириб, гуноҳкорлар бўлса, ўти мангу ўчмайдиган дўзахга тушаркан». (62-бет, юқоридан 10-сатрдан).

Дарсликда охират ҳаёти мазах-масхара қилинмоқда.

Фақат Ислом эмас, инсоният тарихидаги барча илоҳий динлар охират ҳаётини тушунтиради, унга ҳозирлик кўрмоқ зарурлигини эслатади. Қуръоннинг «Аъло» сураси, 16,17-оятларида **«Йўқ, сизлар дунё ҳаётини устун қўйюрсизлар! Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир»,** дейилади ва 18,19 — оятларда бу эслатмалар «аввалги саҳифаларда — Иброҳим ва Мусо алайҳиссаломлар саҳифаларида ҳам бор»лиги таъкидланади.

Охиратга ишонган киши тақвони — яхшиликни, эзгу амалларни касб қилади, маънавий камолотга интилади, натижада жамиятда поклик, ҳалоллик, ички интизом, адолат қарор топади.

Охиратга ишонмаслик собиқ қизил империянинг илғор мафкураси эди. Халқ шунга гувоҳ бўлдики, Аллоҳга ва охиратга ишонмаслик натижасида жамият ичдан бузилиб, тузум емирилади, унда ахлоқсизлик, нопоклик, маънавий қашшоқлик, хиёнаткорлик, ҳаромхўрлик, порахўрлик, зинокорлик, ичкилибозлик, қиморбозлик каби иллатлар авж олади.

Давоми еттинчи бетда

Андижонда яна бир янги театр ташкил қилинаяпти деганларида кўпчилик ишонмаган эди. Чунки мавжуд театрларга томошабинни жалб қилиш қийин бўлиб турган бир пайтда тағин битта театрнинг нима кераги бор, деб ўйлагувчилар бисёр эди. Хуллас, Маннон Ҳамидов деган камтаргина режиссёр Аббос Бакиров номидаги ёшлар театрини ташкил этди. Унга муҳташам бир бино ажратилди. Бошдаги хавотирлар бекор бўлиб чиқди. Бу театр санъат оламида ўз овозига эга бўла бошлади. Режиссёр бир неча спектакллар саҳналаштирди, унинг ижодий ютуқлари анжуманларда эътироф этилди. Бир сўз билан айтганда, театр ўз томошабинларига эга бўлди.

Биз бу кун мана шу тиниб-тинчимаган, ўз касбини севган истеъдодли режиссёр, вилоятда таъсис этилган Бобур номидаги мукофот совриндори Маннон Ҳамидов ҳузуридамиз.

Маннон ҲАМИДОВ:

ТЕАТР ТАҚДИРИМГА АЙЛАНДИ

— Маннон ака, театрга, хусусан, режиссёрликка қандай кириб келгансиз?

— Бизнинг оиламиздан санъаткорлар чиқмаган экан. Аммо отам шеъриятга, куй-қўшиққа ихлосманд бўлиб, ёшликларида тузуккина шеърлар ёзганлар, халқимизнинг севимли ҳофизи Маъмуржон Узоқовнинг деярли барча қўшиқларини ёддан билиб, гап-гаштакларда айтиб юрганлар. Мен 3-4 ёшларимда уша қўшиқлар таъсирида «Баёт-5», «Суратинг», «Яна» каби қўшиқларни қишлоғимиз катталарига айтиб берарканман...

60-йилларда илк бор Қашқадарё вилояти Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқий театр жамоаси томонидан қўйилган «Зарафшон қизи» спектаклини кўрдиму, бу сеҳрли олам сирларидан воқиф бўлишни дилимга тугдим. Шу-шу мактабимиз драма тўгараги асосий масканимга айланди.

Мактабни тугатгач, жамоа хўжалигида устозим Боқижон Хушвақтов билан «Шодиёна» халқ ашула-рақс ансамблини ташкил этдик. Кейин Тошкент Театр ва рассомлик санъати институти... Н. Никифорова, В. Иогелсон, М. Харламбитс, Е. Гершберг, Р. Каримова каби устозлардан олган сабоқлар, Муқимий театрида ҳақиқий театр мактабини ўташим, устозим, Узбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров мени ўз ёнига олиши, марҳум санъаткорлар — Узбекистон халқ артистлари Сойиб Хужаев, Ҳамза Умаровларнинг маҳорат мактабларидан ўрганганларим, қолаверса, устозим билан ёнма-ён ҳозирги А. Ҳидоятов номидаги театрда режиссёр бўлиб ишлашим (уша пайтдаги изланишларим театр мутахассисларию мухлислар назарига тушмаган бўлса-да, ўзим учун катта дорилфунун бўлган), севимли устозим, Узбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевдан олган сабоқларим ва ниҳоят менинг ҳақиқий театр мактабимга айланган Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқа театрининг бетакрор санъаткорлари билан деярли ун бир йиллик ижодий изланишларим менинг санъаткор бўлиб шаклланишимга имкон берди. Кўриб турибсизки, дил зарурати, ҳаёт оқими мени театрга боғлади. Театр тақдиримга айланди.

— Сизнингча, театрнинг бошқа санъат турларидан фарқи нимада?

— Назариётчи эмасман. Шунинг учун саволингизга устозларим айтган жавобни айтмоқчиман. Театр — санъатнинг барча турларини ўзича мужассамлаштириб, уларни юксак санъат даражасида мухлисларга намойиш этадиган муъжизакор табаррук жой.

— Ҳозирда театр ва томошабин муаммоси кучайгандай туюлади. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Бу муаммони фақат театрнинг ўзи ҳал этади чамамда. Агар театр яшашни истаса, мухлисларни жалб этиш чорасини ўзи топади. Албатта, театрга моддий ёрдам зарур. Бу энди бошқа масала. Лекин, асосий вазифа театр жамоасининг ўз бўйнида!

— Кейинги вақтларда театрларимизда комедиялар, тарихий асарлар кўп саҳналаштирилмоқда. Лекин, негадир, замонавий мавзуда савияси баланд асарлар кўпам кўзга ташланмаяпти? Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Бугун театрлар тарихий асарлар билан комедияларни саҳналаштираётган экан — бу табиий ҳол. Ўтиш даври ҳамма вақтларда ҳам шу тахлит кечган. Лекин театрлар замонавий пухта пиесаларни кутиб турибди. Иккинчи томондан, ижодкорларни моддий рағбатлантириш, гонорар масалалари ҳамон ечимини кутаётгани ҳам ушбу ҳолга таъсир этмай қолмайди, албатта. Бундан фақат театрлар ютқазмоқда. Умуман, театр билан драматург ҳамкорлиги тўғрисида ўйлаб кўриладиган фурсат етди. Балки, ҳомийлар кўмагида пиесалар ёзиш таомилга кирар, ким билсин...

— Андижон Ёшлар театрида ҳозиргача қандай асарлар қўйилди ва уларнинг қайсиларидан кўнглингиз тўлди?

— Аввало, фурсатдан фойдаланиб, Аббос Бакиров номидаги Андижон Ёшлар ва болалар театрини давлат театрига айлантиришда жонбозлик кўрсатган вилоят ҳокимлиги, маданият бошқармаси, маданият ишлари вазирлиги раҳбарларига жамоамиз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. «Истиқбол» театр-студияси Ёшлар театри даражасига етгунча тўққиз-ун асар саҳна юзини кўрди. Ш. Бошбеков, Ҳ. Қозоқова, О. Холдор, А. Асадуллаев, У. Ҳошимов, И. Содиқовнинг асарлари шулар жумласидандир. Саҳналаштирилган асарларнинг кўпчилиги театр изланётган йўналишга тўғри келади. Лекин на ўзим ва на жамоамиз ўз изланишларимиздан кўнглимиз тўлди, дея олмаймиз. Демак, изланишлар давом этади.

— Эшитишимча, Бошқирдистонда асар қўйибсиз?

— Ҳа! Бу мен учун энг унутилмас воқеа бўлиб қолди. 1993 йили Тошкентда ўтказилган «Театр: Шарқ-Ғарб» фестивалида бошқирдистонлик театр ижодкорлари билан танишиб қолдим. Стерлитамак драма театри бадиий раҳбари Гулдер Илясова мени спектакл саҳналаштиришга таклиф этди. 1994 йил охирларида, 45 кунда Ҳамзанинг «Ким тўғри?» ва И. Содиқовнинг «Афандининг беш хотини» комедияларини театр жамоаси билан ҳамкорликда саҳнага олиб чиқдик. Бу асарларни бошқирдистонлик театр мухлислари яхши қабул қилдилар. Шундан сўнг театр жамоаси билан ҳамкорликда ҳар йили биттадан асар саҳналаштиришга келишдик. Мана, худо хоҳласа, яқинда яна бошқирдистонлик биродарларим билан ижодий ҳамкорлик қилиш бахтига мушарраф бўлсам керак. Буюк Шекспир асарларидан бирини саҳналаштириш режалаштирилган.

— Бугунги ўзбек режиссёрларидан кимларнинг ижоди сизга кўпроқ ёқади?

— Баҳодир Йўлдошевнинг юксак файласуфона изланишларини, С. Ҳалимовнинг халқчил, ҳаётий асарлар саҳналаштиришини, С. Каприелов, А. Абдуназаров, Н. Абдурахмоновнинг топағонликларини, К. Йўлдошев, М. Равшанов, И. Ниёзматовнинг фидоийликларини ҳурмат қиламан. Ўзбек театр санъатини уларсиз тасаввур этолмайман.

— Андижондан яна Аббос Бакиров чиқадими?

— Иншоолло, чиқади. Қобилжон Мадаминов, Саидаҳрор Улуғов каби бугун ижодий кучга тўлган актёрлар ҳамда бир талай ёшлар борки, уларнинг ҳар бири буюк устоз даражасига етади, дея умид қиламан.

— Режаларингиз...

— Режаларим улкан. Андижон санъат билим юрти актёрлик бўлимида таҳсил олаётган талабаларимизни театримиз ижодий жамоаси сафида кўриш, саҳнамизда миллий драматургиямизнинг гултож асарларини саҳналаштириш, буюк Шекспир ижодига яна қўл ўриш, телевидение билан ҳамкорликда бадиий дастурлар тайёрлаш ва видеофилмлар саҳналаштириш, «Туркистон — умумий уйимиз!» ижодий юришини ташкил этиш... Хуллас, режалар кўп. Оллоҳ насиб этса, соғ-саломат бўлсак ўйланган режалар, албатта, амалга ошади, иншоолло!..

Наби ЖАЛОЛИДДИН
суҳбатлашди

ЎЗБЕКНИНГ ЛЕОНОВИ ЭДИ...

ЁДНОМА

Республика Ёш томошабинлар театри санъаткорлари фаолиятидаги айрича фазилатлар ҳамиша диққатимни тортиб келади. Уларнинг деярли ҳаммаси ижодий жараёнда том маънодаги фаолликлари, бир қарашда аҳамиятсиздек туюлган кичик-кичик тадбир ва маросимларни ҳам ўзларининг бой тасаввурлари, оҳори тўкилмаган фикрлари билан обод қилишга интилишлари нафақат театрдаги, балки республика телевидениеси ва радиосидаги ижодий жараёнда ҳам яққол сезилиб туради. Шу боис бу театр ва унда ижод қилувчи санъаткорлар фаолиятининг юртимиз ижодий ҳаётидаги беқиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлагим келади.

Биз суйган санъаткор, беқиёс саҳна устаси марҳум Воҳид Қодиров ҳам ана шу театрнинг мутлоқ ўзига хос бўлган овози, ижро услубига эга, тиниқсиз изланишни ҳаёти ва фаолиятининг асосий мезони деб билган санъаткорларидан бири эди. Агар бугунги кунда Воҳид ака ҳаёт бўлганида табаррук етмиш ёши муносабати билан ўзининг бахти, қувончига бизларни шерик қилган бўларди. Таассуфки, мавжуд шароитда бу сана ўзининг бутун умри, ижодини ёш авлодга бахшида этган Воҳид Қодировдек ҳассос санъаткорни ёд этишга имкон беради холос.

Воҳид Қодиров бутун умри мобайнида бир неча ўнлаб саҳна асарларида турфа хил образлар яратди. Улар орасида ижобий ва салбий йўналишдаги комик, драматик, фожеавий руҳдаги бош ва ушоқ роллар, ўзига хос характерли қаҳрамонлар, турли жонворлар ва жонсиз предметлар образлари мавжуд. Ҳозир бу образларни бирма-бир санаб утишимнинг ўрни эмас. Энг муҳими, ана шу образларни назардан утказадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири бизни узгача бир сирли-синоатли дунёга етаклайди, уз қисматини, дарду ташвишлари, ғам андуҳлари, қувончу изтироблари билан Воҳид Қодиров тили, овози, кечинмалари орқали ифодалайди.

Мен институтда ўқиб юрган кезларим Воҳид Қодировнинг кўп йиллик ижодий фаолиятини таҳлил ва тадқиқ қилиш устида муфассал ишлаганман. Уша кезлар бу ажойиб актёрнинг бутун ижодий фаолиятини баҳоли қудрат мушоҳада этиб, тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилгандим. Ҳозир эса, Воҳид Қодиров инсон ва санъаткор сифатида халқимизга, хусусан, менга нимаси билан қадрли бўлиб қолган, дея ўзимга ўзим савол бераман.

Биринчидан, Воҳид Қодиров бағоят ноёб овоз соҳиби эди. Унинг овозида ҳазинлик ва мунг ҳам, меҳр ва самимият ҳам, қандайдир маъюс ва некбин оҳанглар ҳам қоришиқ эди. Воҳид аканинг инсон сифатидаги дўлворлиги ва бағрикенглиги, соддалиги ва бегуборлиги айнан ана шу овозида мужассам эди. Бу биз учун синашта овоз бўлиб, кундалик ҳаётимизда, болалар театри саҳнасида, радио тўлқинлари, телевидение экранида, дубляж филмларида қулоғимизга чалинганда дарҳол ҳушёр тортардик, бутун вужудимиз қулоққа айланарди. Бу овоз ниҳоятда қайишқоқ, эгилувчан бўлиб, у болалар театрига хос персонажларни ҳам, радио, телевидение ва дубляж санъатидаги риёзатли изланишлар маҳсулини ҳам ҳар томонлама тулақонли беришда жуда қўл келарди. Узбекистон халқ артисти Обид Юнусовнинг Воҳид Қодиров ҳақида айтган сўзларини тез-тез эслаб тураман: «Ўзбекистон республикаси дубляж филмларининг собиқ Иттифоқ миқёсидаги кўрикларида доимо бош ва совринли ўринларни эгаллаб келарди. Ана шундай кўриклардан бирида Евгений Леонов иштирок этган «Омад суқмоқлари» филми намойиш этилди. Филм тугагач, талай мутахассислар дубляж савиясининг бағоят юксак даражада эканлигини таъкидлаб, Воҳид Қодиров овоз берган образ хусусида алоҳида тўхташибди. «Ўзбекларнинг ўз Леонови бор экан. У ўз маҳорати билан бизни жуда мамнун этди», дея В. Қодиров изланишларига юқори баҳо беришибди. Чиндан ҳам Воҳид Қодировни «бизнинг Леонов» деб фахрланиб юрардик. Негаки, русларнинг бу машҳур актёри қайси филмда иштирок этмасин, у ўзбек хонадонига Воҳид Қодиров нафаси, ҳиссиётлари, кечинмалари замирида кириб келди. Унинг узбекларга суюкли ва қадрли бўлиб қолишида фақат Воҳид Қодиров қалби, ижоди восита бўлди.

Иккинчидан, Воҳид Қодиров ижро этган аксар образлар савия ва салмоғи билан ҳамиша эътиборимни тортиб келарди. Актёр болалар театрининг чинакам жонкуяри сифатида ҳамма вақт образга жиддий ёндошар, унинг ички — ташини очиб беришда ҳаётийликка эришишга интиларди. Болаларни алдаб бўлмаслигини, ижродаги сохтакорлик ёш мухлисларни санъатдан совутиб қўйиши мумкинлигини жуда яхши тушунарди. Воҳид акадаги саҳна санъатига меҳру муҳаббатнинг устворлиги, ундаги беқиёс лаёқат ва иштиёқ ҳозирги ёшларимизга ибрат бўлишга арзигулиқдир.

Воҳид Қодиров сиймосида мен заҳматкаш устоз, куюнчак мураббийни кўрдим. Бугунги кунда театрда хизмат қилаётган актёрларнинг деярли барчаси Воҳид ака ўгитлари, панд-насиҳатларидан баҳраманд бўлишган. Бундан мустасно, Воҳид ака садоқатли дўст, ҳар бир ишда ишончли ҳамроҳ сифатида ҳамкасблари, ёру биродарларининг чуқур эҳтиромига сазовор эди. Болалар театри тамал тошини қўйган бу ҳассос санъаткоримизнинг фарзандларидан бири, ёш актёр Маъруф Қодиров бугунги кунда ёш томошабинлар театрида фаолият кўрсатмоқда, падари бузруквори бутун умри мобайнида олиб борган эзгу ишларни давом эттирмоқда. У кундан-кун дадил тортиб, бирмунча жиддий роллар ижросига киришиш учун ҳам маънан, ҳам ижодий жиҳатдан тайёр эканлигини намойиш этди. Отлар босмаган изни, тойлар босади, дейди доно халқимиз. Воҳид аканинг армон бўлиб қолган орзулари Маъруфжон ижодида амалга ошсин, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам Маъруфжонни ва у қатори акаука, опа-сингилларини падари бузрукворларининг руҳи поклари қўлласин, мададкор бўлсин.

Фарҳод ФАЙЗИЕВ,
театршунос

ОВОЗИНГНИ ЙЎҚОТМА, «ЖАЙРОН»!

Ғўзалликни кашф этиб яшаш санъат кишилари, ижод аҳлига хос бўлган хусусиятдир. Бу хусусиятнинг нечоғли аҳамиятли бўлиши ижодкорнинг ўз истеъдодини намойиш этишида яққол кўринади. Истеъдод даражаси эса санъаткорнинг ижодида намоён бўлади.

Шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Жайрон нега кузинг тўла ёш?» қўшиғи орқали мусиқа ихлосмандлари назарига тушган хонанда Анвар Ғаниев кейинги ижодини ҳам бевосита шу қўшиқ билан боғлаган. 1992 йили ансамбл ташкил этиб, унга «Жайрон» деб ном қўяди. Узбекистон телевидениеси орқали бир неча бор намойиш этилган ёзувчи Хайриддин Султоновнинг «Мозийдан бир саҳифа» видеофилми ҳам ана шу қўшиқ билан бошланади. Аслида уни элга танитган ҳам шу гўзал қўшиқ бўлади.

Анвар Ғаниев эсини танибдики, қўшиқ билан яшайди, қўшиқ ва мусиқа унинг ҳаёти. Мусиқа мактабини битириб, Тошкент Давлат маданият институтида ўқиш билан бирга турли ансамбларда иштирок этиб юрди. Институтда унга устози Раҳматжон Турсуновнинг катта хизмати сингди.

Институтни тугатгандан сўнг, республика Театр арбоблари уюшмаси қошидаги «Ширинжон» ансамблининг яккахон хонандаси сифатида узининг дастлабки қўшиқларини яратди. Улар орасида Муҳаммад Юсуфнинг «Капалаклар одамлардан меҳрибон», Чустийнинг «Боғда қолди», «Меҳмонингиз», Улмас Жамолнинг «Соғиндим», Мурод Раҳмоннинг «Ўхшамади», «Қувонч сеҳри», Олимжон Усаровнинг «Оққушим» қўшиқлари Узбекистон радиоси фонотекасидан ўрин олган.

1992 йили Тошкентда ўтказилган Ботир Зокиров номидаги Республика ёш эстрада ижрочилари кўрик-танловида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади ва конкурс лауреати бўлди.

Ҳозирги кунда «Жайрон» ансамблининг бадиий раҳбари сифатида танланган қўшиқларнинг деярли ҳаммасига Анвар Ғаниевнинг ўзи мусиқа басталайди. Бунинг сабабини сураганимизда, хонанда шундай жавоб берди:

— Қўшиқ — инсон қалби нидоси. Инсон юрагидаги дардни фақат ўзигина илғайди, тушунади. Шеърдаги ҳароратни изтиробли қалбгина яхши англайди. Ҳаёт ташвиш ва қувончлардан иборат. Шундай экан, мен ҳаётимдаги қувончим ва ташвишимни фақат ўзим кунглимдагидек куйлашим мумкин. Шунинг учун аввало шеър танлаб, сўнг мусиқа басталайман. Шеър танлаш учун ҳам жуда кўплаб китобларни кўриб чиқишимга тўғри келади. Негаки, мен ижод қилишга ўтирган пайтимда ўша дамдаги кайфиятим ва ҳолатимга тўғри келадиган сатрларни излайман...

Анвар Ғаниев ўзининг биринчи устози деб отасини билади. Негаки, Жумабой ота оддий ишчи бўлишларига қарамай, гижжак, қашқар рубоби ва дуторни маҳорат билан чаладилар. Анварнинг қалбида мусиқага бўлган



илк муҳаббатни ҳам оталари уйғотган бўлса ажаб эмас. Умуман, Ғаниевлар оиласида мусиқага иштиёқ кучли. Анвар Ғаниевнинг синглиси Нигора Ғаниева дуторни, укаси Акмал Ғаниев эса гижжакни моҳирлик билан чалишидан улардаги санъатга меҳр-муҳаббатни сезиш қийин эмас.

Хонанданинг қўшиқлар албоми дунё юзини кўрганига ҳам анча бўлди. Шу давр мобайнида Анвар Ғаниев эстрада жанрида қўшиқлар ижро этиш билан биргаликда, Аҳмад Яссавий ҳикматларини куйга солиб дардли оҳангларда куйлайди. Ҳаётнинг ўткинчилиги, дўсту душманнинг найранги, ота-онанинг қадри, ака-уканинг меҳр-оқибати, вафо-садоқатнинг камчиллиги тўғрисидаги мисралар хонанда ижросида жуда таъсирли чиқади. Ва бу қўшиқларни эшитган шинаванда ўз-ўзидан хаёлларга оғушига чўмади. Бутун борлиқ яна хаёлга айланади. Бу хаёлларнинг чегараси ҳам, макони ҳам йўқ. Улар фақат сиз билан юрадилар, дардингизни тинглайдилар, қувончингизга шерик бўладилар ва олисолисларга чорлайдилар. Хонанданинг қўшиқларини тинглаб, ана шу чорловларни эшитгандек бўласиз. Шу дамда жисмингиз ҳам оғир уй-хаёллардан қутилиб, енгил тортади. Ва сиз бу қўшиқлар билан бирга бўлишни истайсиз. Уларни мудом эшитгингиз келади, меҳр-муҳаббатга тўла қалбингизни атрофингиздагиларга бағишламоқ истайсиз....

Ҳа, Анвар Ғаниев хаёл одами, руҳият хонандаси. Шунинг учунми, унинг қўшиқларини ҳам руҳият садоси деб атагинг келади. Хонанда юрагидан отилиб чиқувчи нидолар ҳамиша инсонлар учун хизмат қилсин ва у ўз йўлини ҳеч қачон йўқотмасин!

Адиба ҲАМРО қизи

ОСОН ЙЎЛНИНГ ОҚИБАТИ

ЁКИ ОВОЗНИ ЎЧИРГАН БИЛАН ИШ БИТАДИМИ?

Мен айтмоқчи бўлган гаплар бугунги кунимизда янгилик эмас. Бу ҳақда матбуотда ҳам кўплаб фикрлар билдирилган ва билдирилмоқда. Лекин, барибир, ҳали фикрлар жамланиб, аниқ бир хулосалар чиқарилгани йўқ. Эҳтимол, ҳар бир даврнинг ўзига яраша шу каби муаммолари бўлар. Ҳар ҳолда, мусиқа тинглаш маданияти, умуман миллий мусиқага муносабат ҳозирнинг энг долзарб масалаларидан бўлиб турибди, десам хато бўлмас. Чунки бугун узининг бешинчи истиқлол йилига қадам қўйган, жаҳон сари узбекнинг барча соҳалардаги ютуқларини кўз-кўз қилишга чоғланган мустақил юртимиз ёшлари, аввало, ўзлари миллий маданиятимиз, жумладан, миллий куй-қўшиқларимизни яхши билишлари ва тинглашга ўрганишлари керак, деб ўйлайман.

Мен ёшларимизни тушунаман. Одамнинг ақлий ва жисмоний камолоти даврида шундай босқичлар бўладики, бу даврда организм физиологик жиҳатдан шубҳасиз, шўх ва ўйноқи мусиқаларни талаб этади. Биз ҳам, талабалик давримизда Алла Пугачёва, София Ротару, Демис Русис, Карел Готт, Пол Мария ансамблининг оҳангларини севиб тинглардик. Лекин узбек мусиқаларини бу мусиқалар соясида қолдирмасдик. Шу боис Камолиддин Раҳимов, Шерали Жўраев, Ҳабиба Охунова, Отажон Худойшукуров, Жўрабек Муродов каби хонандаларимиз ижодларини ғарб оҳанглари билан тенгма-тенг баҳам кўрардик. Тўғрисини айтганда, ҳозир шундай вазиятни кузатмаяпман. Ёшларимиз бир томонлама мусиқа ишқибозлари бўлиб қолмоқдалар. Бу ҳол мени жуда ташвишлантиради.

Яқинда шундай бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бир дам олиш жойида 10—12 киши «Қўқон ушшоғи»ни тинглаб ўтирардик. Шунда 20—22 ёшлардаги хушсурат, яхши кийинган, қиринишидан маданиятли бир йигит: «Ҳу, овозини сал пасайтириб қўйинглар», деб қолди. Бироз пасайтириб қўшиқ тинглашда давом этдик. Орадан бир неча сония ўтгач ҳалиги йигит ўрнидан шартта турди-да, ово-

ҒАПНИНГ ЛЎНДАСИ

зини деярли йўқ қилиб хонасига кириб кетди. Унинг бу қилиғи бизни қаттиқ ранжитди. Чунки орамизда уруш ва меҳнат фахрийлари, олимлар, бошқа касб кишилари бор эди. Ёшларимизда миллий мусиқага беписандлик баъзан шу даражадаки, улар гоҳо оддий одамгарчилик унсурларини ҳам ёддан чиқариб қўялилар.

Кўпинча ўйлаб қоламиз: балки бизнинг мусиқаларимиз ҳаддан зиёд мунглидир. Уларда жўшқинлик, шўхчанлик сезилмас. Шу боис замонавий узбек қўшиқчилиги борган сари туркчалашиб, ҳиндчалашиб, арабчалашиб, айрим ҳолларда ғарбчалашиб бораётгандир. Лекин аслини олганда бу ҳол мусиқа маданиятимизнинг юзаки «жонкуярлари» меҳнатининг меваси бўлиши мумкин. Гап шундаки, радиомавжлари, телеэкран орқали таралаётган қўшиқларнинг мазмуни, оҳанги, ижро маҳоратига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш лозимга ўхшайди. Очиғини айтганда, улар кўпинча саёз ва қоришиқ қўшиқлар айтадиган турли хонанда ва гуруҳларнинг оммалашувига хизмат қилмоқдалар. Шунингдек, юртимизнинг йирик концерт залларида ўтказиладиган мусиқий тадбирлар, овоз ёзиш студиялари ва уларнинг кенг тарқалган шаҳобчалари ҳам бундан четда қолаётганлари йўқ.

Таъбир жоиз бўлса, шундай саволимиз бор: нега энди «Шашмақом кечаси»ни бизнинг юртимизда французлар ўтказади? Тўғри, бу аввало, уларнинг миллий мусиқамизга, ўзбек санъатига қизиқишидан далолат беради. Шу билан бир вақтда, бу ҳол ўзимизда шу каби тадбирлар ўтибордан четда қолаётганидан далолат бермайдими? Балки мумтоз куй-қўшиқларни тингловчилар кўпчиликни ташкил этмайди, дегувчилар бўлар. Уларга жавоб шуки, бундай кечалар тематик бўлмоғи, ундаги мазмун ва фалсафани ҳар бир замодошимизнинг онгига етказа билишимиз, маънавий-мусиқий қадриятларимизнинг моҳиятини англатиб боришимиз, лозим. Зеро, ўзбек мусиқа маданияти асрлар оша шаклланиб, сайқал топиб келган. Унинг бошқа оқимга утиб кетиши мумкин эмас. Тўғри, жаҳон цивилизацияси мусиқий ҳаётда ҳам ўз аксини топиши муқаррар. Лекин ҳар бир замонавий асарда миллий руҳ сақланиши даркор. Айтайлик, Маъмуржон Узоқов қўшиқларининг Дониёр Тошмуҳамедов ёки Аваз Олимов ижросидаги талқини ҳозирги ёшларга маъқул бўлмоқда. Ёки Илҳом Иброҳимовнинг худди шу усулдаги қўшиқларини олайлик. Демак, осон йўлни қидирмасдан, изланиш, уйғунликка эришиш йўлида жиддий интилиш даркор. Хуллас ёшларимизда миллий мусиқа маданиятини шакллантириш ишига янгича назар билан қараш ва шунга мос тадбирлар ишлаб чиқиш даври аллақачон етди. Акс ҳолда, ўзбекча мусиқа янграётганда шаҳд билан бураб ташлайдиганлар сафи кенгаяверади. Ўз халқининг миллий мусиқасидан завқланиш ҳиссидан маҳрумлик эса маънавий қашшоқлик аломатидир. Маънавият комил инсон тарбиясининг асосидир.

А. СУЛАЙМОНОВ,
Т. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти докторанти

Ҳайкалтарош ижодхонасида

Бекобод Мирзачўл ва Далварзин чўли туташган жойда — сўлим Сирдарёнинг икки соҳилида қад ростлаган гўзал гўша. Катта оиланинг катта қозони, катта бошлиғи бўлганидек, бу шаҳарнинг ҳам ўзига хос ташвиш-юмушлари-ю, уларни ҳалол меҳнати, соф нияти билан ҳал этувчи заҳматкашлари бор. Бекобод саноат техникуми жамоаси ҳам ана шундай эл-юрт равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётганлар жумласидандир. Бу мухбиримизнинг техникум директори Ёқубжон Ирисметов билан бўлган қуйидаги суҳбатида ҳам ўз ифодасини топган.

Ёқубжон ИРИСМЕТОВ:

КАСБИ БОРНИНГ — ФАХРИ БОР

— Ёқубжон ака, эшитишимча, сиз 25 йилдан буён шу даргоҳда ишлаб келаётган экансиз. Бу демак, техникумнинг ўтмишини бошқаларга нисбатан анча яхши биласиз. Бас, шундай экан, суҳбатимиз аввалида ушбу саволимга жавоб берсангиз: бугунги кунда сиз раҳбарлик қилаётган саноат техникуми нима учун айнан Бекободда ташкил этилган?

Унинг бош мақсад - вазифалари нималардан иборат?

— Узингиз биласиз, Бекобод азалдан бунёдкорлар юрти ҳисобланади. Бу ерда асримиз бошларида — ҳали 200 та пахса деворли уйдан иборат қишлоқ бўлган қезлардаёқ саноат куртак ота бошлаган. Жумладан, 1914 йилда цемент ишлаб чиқарадиган илк корхона қурилган. Бу чоғроққина корхона Хилково цемент заводи деб аталган. У дастлабки пайтларда йилига 150 минг бочка маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган. 1926 йили унинг негизида йирик цемент комбинати барпо этилди. Худди шу даврда Бекобод тумани тузилиб, Бекобод қишлоғи унинг марказига айлантирилди. 1945 йил 7 майда эса у вилоят ихтиёридаги шаҳар сифатида тумандан ажраб чиқди. Чунки ўтган вақт мобайнида бу ерда ўнлаб янги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, маданий-маиший муассасалар пайдо бўлганди. Айниқса, 1944 йили Марказий Осиёда ягона Узбекистон Металлургия заводининг ишга туширилиши шаҳар қиёфасида унутилмас воқеа бўлди. Бекобод том маънода металлургларнинг, бинокорлар ва энергетиклар диёрига айланди.

Шубҳасиз, шаҳарда саноатнинг муттасил ривожланиши, корхоналарнинг кенгайиб, янги-янги цехлар очилиши, уларни малакали ишчилар, етук мутахассислар билан таъминлаш вазифасини ҳам келтириб чиқарди. Айниқса, Металлургия заводининг янги ишга туширилган прокат ва механика цехлари учун назарий-амалий жиҳатдан пухта билим ва тажрибага эга ходимлар зарур эди. Бизнинг техникумимиз ана шу талабларидан келиб чиққан ҳолда 1959 йили ташкил этилди. У аввалига маълум вақт Чирчиқдаги оғир саноат техникумининг филиали сифатида фаолият кўрсатди, кўп ўтмай мустақил ҳунар масканига айланди.

— Техникум тарихига назар ташласак, у йил сайин кенгайиб, равнақ топиб боргани сезилади.

— Бунга қуйидаги қиёслашлар тимсолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин: дастлабки кезларда талабаларимиз кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларда таҳсил кўришарди. Улар асосан тўрт йўналиш — металларни босим остида ишлаш, бинолар ва иншоотлар қурилиши ҳамда улардан фойдаланиш, силикат ва нометалл материаллар ҳамда буюмлар технологияси, материалларга дастлаб ва автомат тизимлар воситасида ишлов бериш бўйича касб-ҳунар эгаси бўлиб етишардилар. Ҳозирги кунда эса техникумимизнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 838 ўғил-қиз ўқимоқда. Улар ўқиш жараёнида бояги турта мутахассисликдан ташқари яна учта энг зарур касб-ҳунар сир-асрорларини ўзлаштирмоқдалар. Булар — автомобилларга ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиёт ва режалаштириш, саноат корхоналари ва фуқаролар иншоотларига электр жиҳозлари ўрнатиш ҳамда улардан фойдаланиш ихтисосликларидир. Соддароқ қилиб айтганда, биз бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи автомеханиклар, технологлар, электриклар, металлургларга, қурувчилар ва иқтисодчилар тайёрлаб чиқарамиз. Шу мақсадда тўлиқсиз ўрта маълумотга эга ёшларни 3,5-4 йил, ўрта маълумотлиларни 2,5-3 йил ўқитамиз...

— Гапингизни бўлганим учун узр. Техникумни ҳар йили ўнлаб ёшлар битириб чиқиб, мустақил ҳаётга учирма бўлаётганликлари қувонарли ҳол, албатта. Аммо мени бошқа муаммо кўпроқ қизиқтиради: хўш, собиқ талабаларингизнинг кейинги тақдири қандай кечмоқда? Сизлар масаланинг ана шу жиҳатлари билан ҳам қизиқиб кўрганмисизлар?

Бу саволни қўндаланг қўяётганимнинг ўзига хос сабаблари бор. Бизда нима кўп, ҳунар билим юртлари, техникумлар кўп! Уларнинг асосий вазифаси халқ хўжалиги тармоқларининг ўрта бўғин кадрларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришдан иборат. Ана шу мақсадда авваллари ҳам касб-ҳунар масканларида кўплаб ёшлар ўқитиларди. Лекин уларнинг аксарияти дарс-машғулотларга номигагина келиб-кетишарди. Гўё касб-ҳунар ўрганиш иккинчи даражали ишу, бундай даргоҳлар талабаси бўлиш, баъзи бировлар наздида, ор эди. Ўқишга ўқуви йўқроқ бола ҳақида гап кетса, айрим ота-оналар: «Ҳеч бўлмаса, бирор училищега кириб олар», — деб бепарво қўл силташарди. Шунданми, мактабларимизда ҳам ғалати одат пайдо бўлганди. Қайси ўқувчи фанларни ўзлаштиролмаса, мактаб маъмурияти уни, 8-синф-родар, бизнинг билим юртини фалон йил ичида фалонча талаба манави-манави мутахассисликлар бўйича битириб чиққан эди, улар ҳозир қаерда, қайси соҳада ишлаяпти? Ёки биз шунча вақт, шунча маблағ сарфлаб, уларни беҳуда ўқиттанмидик?» — деган савол жиддийроқ ташвишга солмасди...

— Фикрингизни тушундим, «Сизларда ҳам шундай ҳоллар рўй бериб турадими?» демоқчисиз, чамамда.

— Рости, шундай!

— Биз бунақа ноҳуш воқеаларга аллақачонлар барҳам берганмиз. Жамоамиз мутахассислар тайёрлаш борасида кур-курона эмас, бошқалар билан келишиб, маслаҳатлашиб иш юритади. Аниқроғи, сўнгги йилларда асосан шаҳримиздаги Бекобод Металлургия ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, цемент комбинати, гишт заводи, турли қурилиш ташкилотлари, Бекобод тумани хўжаликлари ва саноат корхоналари билан шартномалар тузган ҳолда фаолият кўрсатяпмиз. Шартномага кўра, улар буюртмачи, биз эса буюртмани бажарувчи ҳисобланамиз. Қайси корхона ёки хўжаликка қайси соҳа бўйича қанча ишчи-кадр керак бўлса, биз ҳар йили шунча мутахассис тайёрлаб берамиз. Ана шу жараёнда бош буюртмачиларимиз техникумимиз ҳисобига белгиланган миқдорда маблағ ўтказиб турадилар, бизни моддий-иқтисодий, маънавий-руҳий томондан қуллаб-қувватлайдилар. Талабалар билан бевосита иш жойларида ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказишимизга, етакчи, тажрибали мутахассислар, меҳнат илғорлари билан учрашув-суҳбатлар уюштиришимиз учун зарур шарт-шароитлар яратиб берадилар. Қарабсизки, тўрт уста меҳнат қилмоқда. Улардан Рауф Эргашев, Раҳматилла Ҳусанов, Даврон Зокиров, Эргаш Райимқулов, Олга Пендюрина, Орифжон Абдурайимов, Туғонбой Бозорбоев, Аъзамжон Парпиҳужаев сингари ўқитувчиларни, Равшан Жўлиев, Ирина Филимонова каби ишлаб чиқариш усталарини ёшларнинг ҳақиқий устозлари дейиш мумкин. Талабаларимиз ўз мураббийлари ва ўқитувчиларидан олган билим-сабоқларини бинокорлик, чилангарлик, механика ҳамда компютерлаштириш дастгоҳлари цехларида амалий синовдан ўтказиб бормоқдалар.

— Дарвоқе, ҳозир ҳар ким, ҳар бир жамоа ўз аравасини ўзи тортадиган замон. Бояги гапингизга қараганда, техникум фаолияти учун зарур сарф-харажатларнинг анчайин қисми буюртмачилар томонидан ўтказилган маблағ эвазига қопланар экан. Сизлар ўзўзингизни маблағ билан таъминлаш борасида бундан бошқа яна қандай ишларни амалга оширмоқдасизлар?

— Ҳозир техникумимиз қошида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхона очилган. Корхонанинг асосий ходимлари ўз талабаларимиз. Биз улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотувга чиқарамиз. Савдодан тушган маблағнинг муайян қисми ёшларга меҳнат ҳақи сифатида тарқатилади, қолгани эса техникум биносини, ўқув ва устачилик хоналарини таъмирлаб жиҳозлашга, шунингдек, турли маданий тадбирлар ўтказишга сарфланади.

Яна бир гап. Биз фақат ўз ташвишларимиз билан уралашиб қолганимиз йўқ. Эзгу анъаналаримизга мувофиқ қишлоққа беминнат ёрдам кўрсатишда ҳам давом этяпмиз. Чунончи, Бекобод туманининг чўл қисмида жойлашган «Навбаҳор» жамоа хўжалигини оталиққа олганмиз. Ўтган йили кузда талабаларимиз бу хўжаликнинг 250 тоннадан ортиқ пахтасини териб бердилар.

— Ёқубжон ака, Сиз асосан эндигина балоғат ёшига қадам қўйган йигит-қизлар орасида ишлайсиз. Энди очиғини айтинг-чи, техникумга ўқишга келаётган бугунги ёшларнинг билим савияси, одоб-ахлоқи, касб-ҳунарга бўлган қизиқиши қониқарли аҳволдами?

— Ў, жуда нозик савол бердингиз... «Ҳа!» десам, бор ҳақиқатни узингиз кўриб-билиб турибсиз. «Йўқ!» десам, калтакнинг бир учи ўз бошимда ҳам синиши тайин. Негаки, қандай бўлишидан қатъий назар, бу ёшлар сизу бизнинг авлодларимиз, ворисларимиз. Таъбир жоиз бўлса, ўзимиз вояга етказган боғнинг ҳосил-мевалари. Бинобарин, у бармоғимизни тишласак ҳам, бунисини тишласак ҳам, жонимиз озор чекади.

— Демак, дард кўп, дармон йўқ!

— Лекин ҳар қандай дарднинг олдини олса, даволаса бўлади. Бунинг учун биз болалар тарбиясига, улар мураккаблигиданоқ жиддий эътибор беришимиз, сўнгра оила билан мактаб — ота-оналар билан ўқитувчи-тарбиячилар ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштиришимиз лозим. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам биринчи навбатда оила тарбия учоғи, мактаб эса, энг аввало, билим берувчи маскан бўлиб қолиши шарт. Афсуски, кейинги йилларда бу борада бирмунча суст-кашликка йўл қўйилмоқда. Ана шунинг оқибатида айрим ёшларимиз мактабларда билим асосларини пухта ўзлаштиролмаяптилар. Шунга кўра ҳунар билим юртлари ва техникумлар уларга касб ўргатиш қатори ўрта маълумот бериш билан ҳам кўпроқ машғул бўлиб қолмоқдалар. Ҳолбуки, аслида бизнинг бош мақсадимиз ёшларга касб-ҳунар ўргатишдан, малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат бўлиши керак. Агар ўқувчи мактабда яхши ўқиган бўлса, биз асосан ўз вазифамизни бажариш билан шуғуллансак, меҳнатимиз самараси тезроқ кўзга ташланади. Касб-ҳунар эгаллаган киши эса асло қам бўлмайди, ҳамиша эл-юрт эъзозида бўлади! Зеро, мустақил давлатимизнинг келажагини мушт-дек бошидан пул топишга ружу қўйган олибсотар, «тижорат»чилар эмас, балки ҳар томонлама билимли, касб-ҳунар эгаллаган ёшлар белгилайди.

Суҳбатдош:
Абдунаби ҲАЙДАРОВ

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг таниқли актёри Маҳмуд Дўсматов 57 ёшида туғсатдан вафот этди.

М. Дўсматов 1939 йили Наманган вилоятининг Поп туманида таваллуд топган. У Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтининг кино ва драма актёри факултетини тугатиб, Ҳамза номидаги Узбек давлат академик драма театрида иш бошлаган. 1987-94 йиллари эса А. Ҳидоятов номидаги драма театрида ҳам ишлади.

Театр санъати мухлислари М. Дўсматовни Уйғуннинг «Зебуннисо»сида Муҳаммад Саид, «Парвона»сида Муроджон, П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар»ида Маҳмудхон, Ф. Шиллернинг «Қароқчилар»ида Франц Моор, С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзголони»да Асқар, Е. Шварцнинг «Кулойим»ида Қирол, Ў. Ҳошимовнинг «Қатагон»ида Мясников каби қатор бетакрор образларини яхши биладилар ва бу санъаткорни катта ҳурмат билан эслайдилар.

М. Дўсматов Ўзбекистон телевидениесида суратга олинган машҳур видеофилмлар: «Алишер Навоий», «Гирдоб», «Ичкуёв», «Сўнгги ўқ»ларда эътиборли ролларни ўйнаб, телетомошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Маҳмуд Дўсматов ўзига хос актёр бўлиш билан бирга, меҳрибон дўст, самимий инсон, ғамхўр ота эди.

М. Дўсматовнинг ёрқин хотираси мухлислари ва ҳамкасблари қалбида узоқ йиллар сақланиб қолгусидир.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

ХИЛМА-ХИЛЛИК ТЕНГСИЗЛИК ЭМАС

Давоми. Боши биринчи бетда

Матералистик назарияни асосли танқид қилган доктор Леон Витти айтганидек, моддий дунедаги адолатсизлик, ёлғончилик, зўравонликларни кўриб, ижтимоий «бир тубанлик ичида қолган одам ўз қалбида чуқур бир алам сезади, бу ҳаётдан афзалроқ бошқа бир ҳаётни излайди, лекин ўзи тушиб қолган ноқулай ҳолатдан чиқишга йўл топа олмайди». Ана шундай афзал — гўзал ва мангу ҳаёт йўлини илоҳий сўз — Қуръони карим башариятга англатади.

Илм шуни уқтирадики, бу дунё абадиятдан бир жузъдир — бир қисмдир. Улуғ Парвардигорнинг илоҳий адолати боис бу дунедаги бир зарра миқдорчалик яхшилик ҳам, бир зарра миқдорчалик ёмонлик ҳам охиратда жавобсиз қолмайди («Залзала» сураси, 7,8-оятлар).

«Анкабут» сурасида **«албатта охират диёрига ҳақиқий, мангу ҳаёт»** эканлиги уқдирилади. (64-оят).

Дарсликда ёзилган: «Ислом дини кофирларга, яъни ғайридиндаги кишиларга қарши урушга чақиради», (62-бет, пастдан 6-қатор).

Кофирликни ёқловчи бу фикрга жавобан айтамизки, мусулмоннинг зиммасида уч бурч бор: 1) Аллоҳ олдидаги бандалик бурчини бажариш; 2) мусулмонлар олдидаги исломий бурчини адо этиш; 3) ғайридинлар олдидаги инсоний бурчини ўрнига қўйиш.

Муъминнинг ўз нафсига қарши қураши, яъни намунали, ибратли мусулмон бўлиш катта жиҳоддир. Мусулмонлар билан бақамти яшаб туриб, ҳеч зарар етказмаган бошқа дин вакилининг ҳаёти, тинчлиги, саломатлиги мусулмоннинг ҳам зиммасидадир. Қани, қайси динда шундоқ буюк инсонпарварлик ғояси бор?

Дарсликда таъкид билан ёзилган: **«Ислом дини ёрдамида зодагонлар камбағаллар устидан ўз ҳокимятини мустаҳкамлади».** (63-бет, юқоридан 4-сатр).

Бойлар ва камбағалларнинг орасини ажратиш, умуман, инсонларни бой-камбағалга бўлиш худосиз собиқ қизил тузумнинг бош ғояларидан эди. Шу сабабдан дарслик муаллифлари Қуръондан ҳам ўз жирканч муддаоларини қидиришга уринаверганлар.

Исломда энг катта бойлик — иймон. Қалб — Аллоҳнинг назаргоҳи!... Моддий дунё давлату сарватларининг, бойликлари алдамчидир Аллоҳ таоло (ҳадиси қудсийда) буюради: «Агар дунёнинг бир ари қанотичалик қадри бўлса эди, уни пайғамбарларга берар эдим!»

Аллоҳнинг расули Муҳаммад алайҳиссалом шу қадар фақирона яшаган эдиларки, ҳатто ўз уйидан егулик ҳеч нарса топа олмаган бир шайх: «Алҳамдулиллаҳ, уйимиз пайғамбарнинг уйига ўхшабди!» деб шукурлар қилган.

Исломнинг дастлабки босқичида ҳам, кейинги даврларда ҳам унга асосан камбағаллар доҳил бўлган. Ислом «зодагонлар ҳокимияти» эмас, балки илмга асосланган эътиқоддир, поклик, ҳалоллик, маънавий-маърифий баркамоллик динидир. Ислом бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам нажот майдонидир.

Инсон ҳамиша ўзидан юксак нарсалар билан боғланиш иштиёқида бўлади. Академик Морисон айтгандек: «Руҳ инсондаги энг олий нарсадир ва у доим ўзининг олий манбаи билан боғлиқ эканлигини сезиб туради. Руҳ одамда ахлоқ қонунини вужудга келтирганқи, у бошқа жонзодларда йўқдир.»

***

Сўз охирида баъзи ҳаётий кечинмаларни баён этаман.

Бир куни таниқли шоир Шавкат Раҳмон бундай деб қолди: «Инсоннинг ақлини тўлдирадиган Исломдан бошқа нарса топа олмадим...» Фикрга тўлдим: дарвоқе, бунинг сабаби Ислом одамнинг барча руҳий-маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган дин эканлигидир.

Таниқли олим Иброҳим Ғафур Имом Ғаззолийнинг («Қабр азоби» ва «Охиратнома») китоблари хусусида сўзлаб, «Уқидингизми?.. Одамнинг ҳушини олади-я!» деди тафаккур билан. Олимнинг эътирофида ҳайрат ва қаноат бор эди. Дарҳақиқат, Имом Ғаззолийнинг «Кимёйи саодат» деб шуҳратланган китобида дунёвий ва ухровий тушунчалар, шариат ва тариқат масалалари шу қадар теран илмий асосланганки, асарни одамият тафаккурининг энг юксак нуқталари дейиш мумкин. Бу Аллоҳ маърифати — исломий маърифат маҳсулидир.

Муҳаққақ, Тангри таоло сўнгги муқаддас китобни — Қуръонни нозил этиб бўлган, сўнгги пайғамбарини юбориб бўлган, сўнгги комил динини — Исломни жорий қилиб бўлган. Биз, ўзимиздан озод ва обод Ватанни қолдириш шиори ила яшамоқдамиз. Бироқ бу озод ва обод Ватан кимга қолади? Ғала фосиқларгами, иймонсиз қавмларгами? Ахир, ўзини ўзи тузатмаган миллатнинг иши ўнгланмаслигини Аллоҳ қатъий айтади-ку!

Биз Нострадамуснинг башоратларидан ҳайратланамиз, бошқа зотларнинг ёлғон-ящиқ «хабар»ларига қулоқ тутамиз. Бу нимадан? Бу бехабарликдан. Билсак эдик, айтар эдикки, Ҳақ элчиси Муҳаммад алайҳиссалом қиёматтача келадиган барча воқеаларни, қиёматнинг белгиларини ҳам, башорат қилиб бўлганлар. Булар орасида бутун жаҳон тақдирига оид муҳим хабарлар бор.

Ўтган етмиш йил-юз йил давомидаги маънавий таназзулимизнинг бош сабаби асос-манбаимиздан — Аллоҳ маърифатидан, исломий маърифатдан маҳрум этилганимиздир. Шукурким, истиқлол юз кўрсатиб, маънавий-ахлоқий камолот манбаларимиз қайтаётирмиз. Собиқ атеистик мафкура қозиғи атрофида айланиб юрганлар ҳам фикрламоқлари лозим. Зеро миллий тафаккуримизда ҳам тикланиш жараёни кетмоқда. Одамнинг муҳим вазифаси — ўзини билиш.

***РЕДАКЦИЯДАН:** Ҳафталигимизнинг ушбу сони босмага ҳозирланаётганда таҳририятга «Ўқитувчи» нашриётидан расмий хат келди. Унда ёзилишича ва нашриёт вакилининг эътироф этишича, ҳақиқатан ҳам мазкур «Ўрта асрлар тарихи» дарслиги 1994 йили ўзбек тилида йигирма учинчи марта чоп этилган ва фойдаланиш учун республика мактабларига юборилган. Халқ таълими вазирлиги илмий-методика марказининг 16-05-470 рақамли 1995 йил 5 июндаги хатига биноан 1995 йилдан бошлаб қайта нашр этишдан тўхтатилган. Унинг ўрнига «Жаҳон тарихи» номли янги дарслик тайёрланган...*

Аммо... Сиз ҳозиргина ўқиб тугатган мақола муаллифи, айни пайтда редакция ҳам, ушбу танқидий мулоҳазалар билан биргина нашриёт ходимларини айблаш фикридан йироқ. Гап мустақиллик кишисининг янги дунёқарашини шакллантириш, ёш авлодни халқимизнинг бой маънавий-ахлоқий қадриятлари руҳида тарбиялаш, онгшууримизни собиқ тузумнинг сохта ҳақиқатларидан халос этиш, ҳаммамиз учун муқаддас бўлган Қуръони каримнинг илоҳий ҳақиқатларини янада тўлароқ, равшанроқ тушуниб олиш ила маърифий даражамизни ўстириш устида бормоқда. Бунинг учун эса эски мафкуранинг тарих ҳақиқатларига, дин-иймон моҳиятига зид уринишлари оқибатларини тўла англамоқ ва яна бир бор англамоқ керак. Бунингсиз мустақиллик йўлида тараққиётга эришиб олмаймиз, мустақиллик кишиси бўла олмаймиз.

Ва, сўнггида, ҳурматли ноширларга ҳам айтадиган икки оғиз сўзимиз бор. Тўғри, дарслик ўз вақтида ёзилган, тасдиқланган, кўрсатмалар берилган. Аммо, қайта нашр қилаётган киши китобни бир варақлаб қўйиши керак эди-ку?

СОКИНЛИК ОҒУШИДАГИ ДАВО

«Ситораи Мохи Хоса»нинг мўъжизавий сири нимада?

Қадим Бухоро шаҳрининг шарқий чеккасида жойлашган «Ситораи Мохи Хоса» санаторийси довруғи анча баланд. Бу шифо масканини қўпчилик даволанувчилар узоқ йиллардан буён яхши биладилар. Илгари бу ерда собиқ Иттифоқнинг барча шаҳарларидан келган даволанувчиларнинг қадамлари узилмасди. Маҳаллий аҳолининг бу жойга йўлланма олиши ўшанда бироз қийин эди. Шундоқ санаторийнинг ёнида яшайдиган беморларга ҳам йўлланма топилмасди. Ҳайрият, замонлар ўзгарди. Энди санаторий ҳам буткул ўзимизга тегишли, йўлланмалар эса бемалол Фақат нархига келганда чўнтакнинг мазаси қочади, холос. Шифо истаганлар кўпу, фақат йўлланманинг баҳоси сал юқорироқда.

— Бу қийинчиликлар вақтинчалик, — дейди «Ситораи Мохи Хоса» санаторийси директори Абдулла Ҳакимов. — Бозор иқтисоди шароити бизнинг соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказяпти. Тўғри, йўлланмаларимиз нархи бироз баланд. Лекин санаторийимиздан даволанувчилар қадами ҳеч маҳал узилгани йўқ. Шу кунларда республикамизнинг барча вилоятларидан келиб, дам олаётган, даволанаётганлар сони кўпайиб бораяпти. Бундан хурсандмиз. Биз ҳам албатта, қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Бор имкониятларимизни ишга солаяпмиз. Ҳар бир даво истаб келган кишига етарлича шарт-шароит, имкониятлар яратиб беряпмиз. Имтиёзли йўлланмалар жорий этганмиз. Умид қиламизки, санаторийимизнинг нуфузини ҳамиша сақлаймиз.

— Кечирасиз, Абдулла ака, санаторийда асосан қайси касалликларни даволаш мумкин?

— Санаторийимизда кўпроқ буйрак касалликлари даволанади. Лекин бу даво асосан ёз ойида амалга оширилади. Яъни, май ойидан то октябргача. Шунингдек, ҳаракат, ҳазм органлари, асаб хасталикларига чалинган беморлар ҳам даволанадилар. Асосий даво воситаси минераллари 2.9 г/л бўлган сулфат-хлорид натрийли сув ҳисобланади. Мазкур шифобахш сув йилнинг қиш фаслида асаб, суяк-мушак системаси ва ҳазм органлари касалликлари билан ҳасталанган беморларни даволаш учун фойдаланилади. Ундан қўпчилик шифо топяпти. Аслида бу бир табиатнинг мўъжизаси. Мўъжиза бўлганда ҳам таърифи йўқ сирли мўъжиза. Бунинг чинакам мўъжиза эканлигини даволангандан сўнг билиш мумкин.

Санаторий Бухоро амири Саид Олимхоннинг собиқ ёзги қароргоҳи ёнида жойлашган. Айтишларича, амир мазкур қароргоҳни қурдириш учун шаҳар атрофидан бир неча жойни танлаб, ўша ерга суйилган қўй гўштини махсус остириб қўйган экан. Орадан ўн кунлар ўтиб, гўшт осилган жойларни текшириб кўриб, қаерда гўшт ҳидланмаган бўлса, ўша жойга қароргоҳ қуришни буюрган. Ва сеҳрли маскан — Ситораи Мохи Хоса шу зайлда бунёд бўлган. Кейинчалик қароргоҳ ҳудудидан шифобахш сув чиққач, унинг бир қисми санаторийга айлантирилган. Сўнгра қароргоҳ ёнидан шифо маскани учун 500 ўринли махсус замонавий бино қурилди. Бу бинода ҳамма шарт-шароитлар етарли. Қулай томони шундаки, муолажа хоналари бинонинг ичида жойлашган.

Ҳақиқатан, санаторий ҳудудида қандайдир сокинлик, табиий осойишталик бор. Атрофда бўлаётган шовқин заррача эшитилмайди. Айтиш мумкинки, ана шу сокинлик ва осойишталикнинг ўзи ҳам беморларни даволайди. Ҳавоси ниҳоятда мўътадил. Нафас олган билан тўймайди киши. Аслида бу сокинликда ҳам қандайдир сир бор.

Тадбиркор ва тажрибали раҳбар Абдулла Ҳакимовнинг ишбилармонлиги туфайли санаторий биноси ва ҳовлиси жуда сўлим, озода ва гўзал бир гўшага айлантирилган, боғлар юксак дид билан бунёд этилган. Маълумки, Бухоронинг ерлари ниҳоятда шўр. Фақат тинимсиз меҳнат билангина бу ерларни обод қилиб, ҳосил ундириш мумкин. Боғлар ҳосилидан олинаётган даромад ҳам санаторий сарф-харажатларига, таъмирлашга ишлатилянти.

Санаторийда Асқар Ширинов, Ҳайитгул Қурбонова сингари тажрибали врачлар, Саломат Муродова, Рухсат Адизова, Гулчеҳра Ҳайитова, Ойсултон Аҳмедова каби ўз ишини пухта биладиган хушмуомала ҳамшираларнинг ҳизмат қиладилар. Шу боис ҳам бу ерда даволаниб кетаётганлар санаторий ходимларига ва хизматчиларини чин дилдан дуо қилиб кетадилар. «Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми» деганлари шу бўлса керак.

А.ЖЎРАЕВ

РОМАНТИК ОЛАМ

Миср Араб Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси фан ва таълим марказида Узбекистон халқ амалий санъати ҳамда истеъдодли рассом Неъмат Жураевнинг рангтасвир асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмадан ўрин олган турли-туман сузана, палак, дўппи ва кўзаларда халқимизнинг азалий санъати бўй кўрсатиб турибди. Марказ ўз олдига қўйган мақсадларидан бири ҳам ўзбек ва Миср Араб Республикаси халқларининг ҳозирги ҳамда қадимги санъатини таргиб қилишдир.

Рассом Неъмат Жураевнинг асарларида юрт жамоли, табиат гўзаллиги, она Ватанимизнинг файзли манзаралари акс эттирилган. Рассомнинг «Меҳмонда», «Суғдиёна», «Исфара устидаги ой», «Усма», «Романтик портрет», «Келин», «Флора», «Хива», «Мажнун», «Бедана-боз», «Исфарада оқшом» каби асарларида ўзига хос романтиклик мавжуд.

А. ЎСАРОВА

ДАШТ ОВОЗИ

Ёш шоир Уроз Ҳайдарнинг «Мусиқор» шеърлар тупламини ўқиб кўнглим қувонди. Шоир ўз йўлини топишга интилянти. Унинг шеърларида миллий овоз бор. Пишиқ сатрларидан бепоён кенглик, дашт ҳиди келади. Узингизни бир дам ёвшанзор оралаб, тулпорлар уюрини қувиб, дайди шамолга бағир очиб ҳузурлангандай ҳис қиласиз.

Галхайри гулидай бужмайиб
осмон
Шафақ оловида қораяркан
жим,
Бодроқдай очилиб
Юлдузлар шодон
Шам каби милтиллаб қуйлар
севинчим...

Ой қалқар...
Чақалоқ ингаси учди,
Шабада қўзголди келинчакдай
ҳур.
Увада булутни титиб, саваб,
сўнг
Осмон кўрпасини қавий
бошлар нур.

Замин супра мисол, нур
юқидан оқ,
Жимликни симирар кулранг
туманлар.
Уюрлар дупури тунни тилди,
воҳ,
Қўнгил косасидан тошди
уммонлар.

Шоир аввал, даштни ўраб келаётган шом қоронғулигини, сўнгра ойдин тунни гўзал ташбеҳлар билан тасвирлайди. Айниқса, «Галхайри гулидан бужмаяр осмон», «Осмон кўрпасини қавий бошлар нур», «Замин супра мисол, нур юқидан оқ» каби образли сатрлар шеърга миллий оҳанг, миллий ранг бағишлаб турибдики, ўқувчи қалбида туйғуларни тўлқинлантиради.

Уроз Ҳайдар — кўнгил куйчиси, руҳият шоири. Унинг шеърларидаги ҳар бир ташбеҳ, ҳар бир манзара ўқувчида кайфият уйготади. Нозик туйғуларни қитиқлаб ўтади:

Юлдузлар кўзимга олтин
нинасин
Майин имо билан
санчаверади.
Ой тегирмон тоши каби
айланиб
Қалбдаги ишқ донин
янчаверади.

«Мусиқор» тупламидаги шеърлар турли йилларда, турли даврларда ёзилган. Лекин, «Бахт — ўзим, бахтсизлик ўзим» дея ҳайқираётган шоирнинг дилидаги армони битта — Инсон, Инсоннинг ўзлиги!

Майда-чуйда ғийбатдан безиб,
Ахтараман ўзга улуғ йўл.
Юлдузларни чўғдайин титиб,
Самоларга уражакман қўл.

Уроз Ҳайдарнинг шеърларида чорлов оҳанглари анча бўртиб туради. Эзгулик учун, эрк учун, Ватан мустақиллиги учун курашга чорлайди у! Тупламдаги аксарият шеърлар мамлакатимиз тепасида мустақилликнинг туғи ҳилпираганга қадар ёзилганлиги боис уларда ёзилган эл фаровонлиги, заҳарзаққум ютаётган ер ингроғи баралла эшитилиб туради.

Саксонинчи йилларнинг охирларида ўзбек адабиётига жанговар, публицистик руҳ ёпирилиб кирди. Аввалига биз бундан қувонлик. Андакдан сўнг эса, ўйланиб қолдик. Чунки реторик оҳангдаги ҳайқириқлар қучайиб кетди. Бу шеърият мухлисларининг нозик дидига малол кела бошлади.»Мусиқор» тупламидаги баъзи енгилгина шеърлар ўша «тумов» шоир Уроз Ҳайдарга ҳам жиндек тегиб ўтканини кўрсатиб турибди. Бу «Ҳуррият», «Нидо», «Тиловат» каби шеърларда яққол кўзга ташланади.

Уроз Ҳайдар — Сўзни қадрлайдиган шоир. Шунинг учун ҳам «Мусиқор» барибир, шеърият ихлосмандларида яхши таассурот қолдиради. Дашт овозини тинглаб, ёвшон исидан ҳидлаб яна шоирнинг янги шеърларини орзиқиб кутиб қолади.

Луқмон БЎРИХОН

Китобингизни ўқидуми

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси
Раҳбархон ФАЙЗИБОЕВА
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Бастакорлар уюшмаси «Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» бастакор Султон Ҳайитбоевга рафиқаси
Зуҳра ҲАЙИТБОЕВА
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика Маркази, марказнинг етакчи мутахассиси Нодира Салоҳиддиновага акаси
Азамат САЛОҲИДДИНОВ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

АҲМАД ОҒА

Лўккиллаб кўчсангиз БАС...

ЧОЙХОНА МУЛОҚОТИ

— Баъзилар нуқул «қоқиндик, қоқиндиқ», деб гапиришади. Бу ниманинг аломати?

— Ҳеч ниманинг, қоқиндиқ,

•

— Ичишаётганда қадаҳларни нега уриштиришади?

— Ҳаммаси шу уриштиришдан бошланади-да, ука. Мана, масалан, фарзанд кўришни олайлик...

•

— Сигирда думба бўладими?

— Бўлади. Йўқса, «думба-жигар» сотаётган кабобпазлар бу қадар кеккайиб кетишмасди.

•

— Эр-хотин бир хил туш кўришса нима қилиш керак?

— Ҳар қалай болалар вақтида ухлашгани дуруст-да, бутам.

•

— Хўрозлар ишқий туш кўришармикин?

— Кўришмайди. Бунга ҳожат йўқ.

•

— «Маош» сўзи маъқулми ё «мояна»?

— Иккаласи ҳам бўлмайди. Асли «Ма, яна» бўлиши керак.

•

— Ипирисқи одамнинг айби нимада?

— Бунақа одамдан рассвоси йўқ. Иложини топса игнанинг теҗигига ҳам бармоғини суқади. Бу, ахир, ипнинг ризқи-ку, деб ўйламайди.

•

— Бу кучукча мунча акиллаб қолди?

— Оёқ сабил қолгурни сал қараб босиш керак-да, саллот ука.

•

— Ана бу одамни қаранг. Ё тавба...

— Қайси одамни айтаяпсиз?

— Ҳув бақалоқни-да. Бизнесмен бўлиб босар-тусарини билмай қолди. Чойга солаётган новвотини кўраяпсизми? Азим полвоннинг муштидай келади-я.

— Кўпам қуйинверманг. Бизга ҳам «новват келиб қолар, ҳали...

•

«Бодомзор» сўзи қачон келиб чиққан?

— Бо, шуни ҳам билмайсизми? Янги маҳалланинг номи-ку. Қисқартириб «Дом—зар», «дом—зўр», деса ҳам бўлади, бо...

•

— Карнайчилар нотани билишадими?

— Билишмайди. Композиторларимиз қанча-қанча қўйларни нотага солиб нотавон қилиб қўйишди. Ушанга жаҳл қилиб «Нота-вон», дейишади-да зўр бериб пуфлашаверади.

•

— Яқинда электрга ўхшаб сувнинг ҳам ҳисоб-китоби бўлар экан...

— Иккаламиз бу ерда лақиллаб утирибмиз. Ишнинг кўзини билганлар чумилишяпти...

•

— Трамвайда Юнусободдан келаётувдим, бозорга яқинлашганимизда бир қозоқ чол дабдурустдан «Алай-ма» деса бўладими.

— Ўзингиз алайманг, демадингизми?

•

— Бир эшик кўрдим, ёпирай, ичкарига ҳам, ташқарига ҳам овоз чиқармай очилади-я...

— Шу ҳам эшик бўлдими. Ҳар эшиклар бор, шарпангни сезиши билан инига кириб кетади...

•

— Баъзи жойларда ичкиликни чойнакда олиб келадиган бўлишибди...

— Бу жуда эски гап, ука. Баъзи жойларда пиёлага тоқат қилмай жўмрагидан симиришяпти...

•

— Ҳамма жой-жойини топиб кетди, битта мен қолдим, — деди бир йигит ҳасратидан чанг чиқиб.

— Ҳаракат қилиш керак, ука. Мансаб деган баччагар ўзи келадиган нарса эмас.

— Ҳаракат қилаяпман, — деди йигитча хўрсиниб, — ҳаракат қилганим сари у мендан узоқлашаяпти...

— Э, содда бўлмай кет-е, — кулишди жўралар, — сен қувламагин-да. Нааборот, қоч. Ўртачароқ тезликда лўкиллаб қочсанг, орқангдан аста келиб ўзи ушлаб олади.

•

— Диван яхши нарса экан-да. Кечқурун шундоқ ёзворсангиз ҳайҳотдай жой бўлар экан, мазза қилиб ётаркансиз...

— Ҳа, аломат нарса. Баъзан кундузи ҳам... мазза қилса бўлади.

•

— Ошна, стулларнинг барини оёғини осмондан қилиб териб қўйибсизми?

— Меҳмон келганда қўйиладиган стуллар-да. Меҳмон кетиши билан шундай йиғиштириб қўямиз.

— Ҳа, дарвоқе, ҳозир битта меҳмондорчилик аллақанча нарсанинг оёғини осмондан қилиб юборади...

•

— Ошна-оғайнилардан қарз сўрамоқчиман. Гапни нимадан бошласам экан-а?

— Маслаҳат беришим мумкин. Аммо олдин дастурхонга фотиҳа ўқийлик.

•

— Тушимда энди эшакка минган эдим гумбирлаб йиқилиб тушсам бўладими. Шундан бери таъбим тирриқ...

— Семизликни эшак эмас, қўй кўтаради, биродар.

Абдулла ТУРДИЕВ

Лақаб

(Бўлган воқеа)

Йигит бола гангу лол.
Қани энди қўйса нуқта,
Дўстлари ҳам хўп баттол.
Нетсин, шўрлик — ҳоли ночор,
Бир мири йўқ чўнтакда.
У эшакка боқар пинҳон,
«Айби шуки, «чўлтоқ»-да...
Бадхўр эшак эса бу чоғ
Ўзин донга урар гум.
Шу балои нафси учун
Эҳтимол, қолган бедум...
Бу тасодиф боис шу кун
Тенгқурлари ёрлақаб.
Камолвойга беришдилар
«Чўлтоқ» деган зўр лақаб.
Янги лақаб тез орада
Ҳар ён илдиз отибди,
Йигит учун номус — ўлим
У хаёлга ботибди.
Кўп қаримас, севги ёшда —
Бундан чандон ор қилар.
Бу ривоят эмас йўқ, йўқ,
Айни бор гап, ҳақиқат.
Бундан ярим асрча
Аввалроқ бўлган фақат.
Шу десангиз, бу қишлоқда
Ҳазил севмас одам йўқ.
Қаҳ-қаҳасиз гурунглардан
Қайттан бирор қадам йўқ.
Ул қишлоқда бўлган экан
Чапани ва бўз йигит.
Рангпаргина, юзи чўтир,
Лекин тўғри сўз йигит.
Бир кун, шу денг, ўрим пайти
Хирмонга йўл олибди.
Йўлида-чи, унга чўлтоқ —
Эшак учраб қолибди.
Манзил олис, қайтсин ахир,
Тутиб базўр «беҳ-беҳ»лаб.
Зинғиллабди хирмон томон
Эшаквойни «их-их»лаб.
Мазах қилиб кулмиш роса,
Йўлда кимки — дуч келган.
«Нима десам, дум экан-да,
Тўзонда учиб-елган?!»
«Ё бозорга супурги деб,
Сотдингми кеча тунда?»
Кимдир четдан шама қилар:
«Йўғ-э, думи — ҳуржинда...»
Киноялар зарбасидан
Лақабидан бўлса воқиф,
Қайси жонон ёр қилар?!
Ўйлай-ўйлай сўнгида у
Келмиш қатъий қарорга:
«Дўстларимни уйга чорлай,
Тушиб бир кун бозорга.
Еган оғиз уялар-ку,
Зора кечса лақабдан..,»
Чапак чалиб тенг-тўшлари
Маъқуллар уни обдон.
Шундай қилиб, бир кун оқшом
Катта бир уй тўлибди.
Кимдир отда, кимдир яёв
Бунда ҳозир бўлибди.
Чилдирмадай қизир гурунг,
«Олинг!», «Олинг!» авжида.
Зиёфатда мақтов сўзлар:
«Камол полвон мард жуда!..»
Йигит эса бундан хушҳол,
Кўкдан ой ҳам нур сочмиш.
Қайсар дўстлар ярим тунда
Фотиҳага қўл очмиш.
Давра дебди: «Қани, омин! —
«Чўлтоқ» сўзи нест бўлсин!
Қайта айтса — ким лақабни —
Ўзи чўлтоқ, пес бўлсин!»
... Даст туради шундай бир-бир,
Такрор айтиб «йўқ», «йўқ»ни.
Ногоҳ фармон: «Келтир дарров,
«Камол чўлтоқ», тўриқни!..»

ЁҒОЧНИНГ УЗУНЛИГИНИ ЎЛЧАЯПМАН

КПСС съездига қатнашган чукча қишлоғига қайтгач деди:

— Кўп нарсани билиб олдим. Маркс, Энгелс битта эмас, иккита одам экан. Парткомимиз мажлисларда «ҳамма нарса инсон учун», деб кўп гапирарди. Мен ўша одамни кўрдим.

* * *

Икки чукча Москвага келишди. Улардан бири йўлдан ўтиб кетаётган кишидан суради:

— Кечирасиз, олтинчи трамвайга минсам Қизил Майдонга олиб борадими?

— Йўқ.

Шунда иккинчиси деди:

— Мен минсам-чи?

* * *

Умрида биринчи марта кўзгуга қараган чукча бақириб юборди:

—Васка келибди.

Шу пайт унинг ёнига келган хотини деди:

— Ёнидаги хотиннинг бадбашаралигини қара.

* * *

Чукча шаҳарлик аёлга уйланди. Орадан бир ой ўтгач қариндошлари ундан сўрашди:

— Шаҳарлик хотининг қалай?

— Яхши. Аммо кирлаб кетган шекилли ҳар куни ювинади.

* * *

Йўлдан ўтиб кетаётган бир киши чукча олдида тўхтади. Чукча бир ёғочни тик қилиб олганча унинг учига етиш учун сакрарди, лекин етолмасди.

— Нима қилаяпсан? — деб суради йўловчи.

— Ёғочнинг баландлигини ўлчаяпман.

— Уни ерга ётқизиб ўлчаб кўя қол.

— Йўқ. Унда узунлигини ўлчаган бўламан.

* * *

Чукча Москвага машинада жўнади. Уч ҳафтадан сўнг уйига телефон қилиб, қайтаётганини айтди. Уни бир ой, икки ой... кутишди, аммо бир йил деганда қайтиб келди ва деди:

— Машинанинг беманилигини қара. Олдинга учта тезлик бору, орқага биттагина.

Рус тилидан Б. БОБОЁРОВ таржимаси

ГАП ФАҚАТ ҚАЙНОНАДАМИ?

Газетада эълон қилинган Ҳақиқат Одиловнинг «Қайнона ҳам она» мақоласини ўқиб, ўз фикрларимни баён қилишни лозим топдим. Мақолада қарс икки қўлдан чиқиши тўғри таъкидланган. Лекин қайнона-келин муносабатларининг бузилишида кўпинча келинлар айбдор бўладилар. Чунки биз фарзанд, хусусан, қизлар тарбиясида ота-боболаримизнинг минг йиллик удумларини унута бошладик. Қийинчиликларни биз кўрдик, улар кўрмасин, деб қизларимизни эркатой, ҳаётга енгил-елпи қарайдиган қилиб ўстирмоқдамиз.

Келажагимиз бўлмиш фарзандларимизни тарбиялаш, айниқса, қизларни ҳаётга тайёрлашдек масъулиятли вазифани бажариш энг аввало оиланинг, кейин эса мактабнинг зиммасига тушади. Қиз бола онадан ўрганиб, унинг фикрларидан, хатти-ҳаракатларидан чиқарган хулосалари билан ташқи муҳитни қабул қила бошлайди. Оналар қизлари ҳақида гапирганида кўпинча «Оқ қанддек авайлаб, гард юқтирмай ўстирдим», деган иборани ишлатишади. Ибора замиридаги маънони ҳар бир ота-она, ҳар бир тарбиячи яхши тушуниб етмоғи лозим. Дарҳақиқат, оқ қандга юққан гардни тозалаб бўлмаганидек, қиз бола шаънига тушган доғ ҳам кетмайди.

Бола туғилиши билан она унга бахт тилайди ва шу бахт сари етаклаб ҳаракат қилади. Бу осон эмас, албатта. Онанинг саришталиги, рўзғор ишларида эринмаслиги, болалари ва уларнинг отаси билан қиладиган муомаласи қиз бола учун бир мактаб бўлади. «Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидир» деган эди Суқрот. Дарҳақиқат, ҳаётда учрайдиган, айниқса қизларимиз ҳаётида учрайдиган жуда кўп кўнгилсизликлар ана шу ҳаёнинг, иффат пардасининг йўқлигидан келиб чиқади.

Ҳозирги пайтда фақат яхши кийинишини, турли тақинчоқларга беланиб юришни, бойлик тўплашни ўз ҳаёт тарзларига айлантириб олган қизларни кўп учратиш мумкин. Мен бу билан яхши кийинмаслик, тақинчоқ тақмаслик керак демоқчи эмасман. Лекин ясанишда ҳам, ҳар нарсада бўлгани каби меъёр бўлса, инсон шунга яраша маънавий дунёсини ҳам бойитиб борса яхши бўлади.

«Қиз бола юракнинг қонидан бўлади», дейишади. Ҳамма ҳам юракнинг қонидан бўлган азиз фарзандининг бахтли бўлишини истайди. Бунинг учун албатта уни ҳаётга тўғри тайёрлаш керак. Турмушнинг аччиқ-чучуқларига бардошли, меҳр-муҳаббатли, меҳнатсевар, қўлидан ҳар қандай иш келадиган қилиб тарбиялаш лозим. Чунки қиз бола азиз фарзандгина эмас, севимли ёр, иболи келин, меҳрибон она ҳам бўлмоғи керак. Ҳаётда шундай оналар борки, қизи ўз турмушидан нолиб андаккина арзлашиб қолса, дарров қудаси, қуёвини ёмонлаб, қизини оқлай бошлайди. Иложи бўлса уша хонадонга бориб жанжал кўтаради. Натижада қудалар ўртасида кўнгилсизлик келиб чиқади. Шу нарсани яхши билиш керакки, синган пиёла ҳеч қачон бутун бўлмаганидек, ранжиган кўнгилни ҳам ҳеч вақт аслига келтириб бўлмайди.

Хуллас, оиладаги қизлар тарбиясига жуда эҳтиётлик билан қараш керак. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, қизларимизни оилавий ҳаётга тўғри тайёрлаш лозим. Агар келин ақлли, қўлоёқли бўлса, уни фақат қайнона эмас, барча яхши кўради. Яхши кўрибгина қолмай, уни тарбиялаб вояга етказган ота-онасига ҳам раҳматлар айтади.

Замон РИЗАЕВ, Шаҳрисабз туманидаги Э. Бўриев номидаги мактаб директори

ГЎЗАЛЛИК — ЁРУҒ ҚУВОНЧ

Инсон одоби унинг гўзал фазилатларида намоён бўлади. Гўзал фазилатларнинг шаклланишида эса тарбиянинг аҳамияти катта.

Инсоннинг нозик, теран ҳис-туйғуларини тўғри шакллантириш учун биз нафосатга — эстетик тарбияга эътиборни кучайтиришимиз керак.

Эстетика узоқ ўтмишда— икки ярим минг йил аввал Мисрда, Вавилонда, Ҳиндистон ва Хитойда шаклланган. Грециядa эса юқори чўққига чиққан. Уни узбекчага агдарсак, «сезувчи», «ҳис этувчи» деган маънони англатади. Ҳозирги даврга келиб унинг маъноси кенгайиб кетган.

Эстетика қаерда, қайси даврда ривож топган бўлса, уша ерни обод қилган. Бунга меъморчилик обидалари, санъат асарлари, жамият тузимлари мисол бўла олади. Она диеримизда ҳам, айниқа, темурийлар даврида илм-фан, маърифат, маданият, меъморчилик гуркираб ривожланган. Бу даврни олтин даврдеб айтишимиз мумкин. Чунки уша кезларда одоб, тарбия юксак даражада бўлиб, бадиий дид камол топган, бизга бебаҳо мерослар қолган.

Биз гўзалликни севамиз. Гўзаллик инсонда уйготган ҳислар гўё ёруғ қувончга ўхшайди. Инсоннинг ўз меҳнатидан завқ ола билиши эса гўзаллик, яъни эстетик тарбия демакдир. Биз уни шундай йўлга қўйишимиз керакки, токи ҳосилдан баҳраманд бўлайлик. Бу уринда, шубҳасиз, исломий одоб ва миллий гурур ҳам тарбия асосини ташкил қилмоғи лозим. Қуш инида кўрганини қилади, деганларидек ёш авлод олдида биз бир-биримизга яхши муносабатда, хушмуоамалада бўлсак, уларга ўрнак кўрсаттан бўламиз. Чунки ёшлар катта ғайрат, чақкон идрок, қалб ҳарорати демакдир. Уларнинг келажакда комил инсон бўлиб етишишлари учун тарбияда санъатнинг барча турларига мурожаат қилишимиз ва катта йўл беришимиз даркор. Гўзаликка интилган инсон эса разиллик, қабиҳлик, лоқайдлик каби иллатлардан холи бўлади. Биргина санъат соҳасини олайлик. Ҳеч ким аслида онадан санъаткор бўлиб туғилмайди, аммо санъатнинг у ёки бу хусусиятлари ҳар бир инсон қонида бор. Биз бола тарбиясининг дастлабки босқичлариданоқ бу хусусиятларга эътибор қаратишимиз жоиздир. Оилада, боғчада, мактабда санъатнинг бир қатор турлари—мусиқа, рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва бошқалар билан фарзандларимизни таништиришимиз, улар диққатини жалб қилишимиз, танлаш ҳуқуқини беришимиз зарур. Чунки санъатнинг бирор турига қизиқмаган инсонда умуман санъатга нисбатан муҳаббат уйғонмайди.

Албатта, инсон гўзалликдан — санъатдан роҳатланмоғи учун бирор санъат соҳиби бўлиши шарт эмас, лекин бадиий жиҳатдан саводли бўлмоғи керак. Бунинг учун биз аввало ҳар бир оилада одоб-ахлоқ ва гўзаллик ҳақида фикрлар юритишимиз, қолаверса, боғчаларда, мактабларда ўрта ва олий билим даргоҳларида «Одобнома» ва «Эстетика» фанлари сабоғига кўпроқ соатлар ажратишимиз мақсадга мувофиқдир. Шунда турмушимиз янада гўзал-фаровон бўлади.

Озода УМУРЗОҚОВА, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитиш услубияти кафедраси ўқитувчиси

ТУШГИНАМДАН ЎРГИЛАЙ

Ҳажвия

— Ҳе! — хоним лабини бурди. — Тушгаям ишониб ўтирибсизми? Бошлиғингизни экскаватор билан ҳам ўрнидан қўзгатолмайсиз — томири кучли.

Иттифоқо, бошлиғимиз бир ҳафта ўтмай ҳақиқатан ҳам ишдан олинди. Яна денг, котибаси билан нозик иш устида қўлга тушиб ҳайдалиб кетди. Урнига ҳеч кимни тайинлашмадиям — уринбосари вақтинча ишни юритиб турадиган бўлди.

Хотиним бу хабарни эшитиб мени авлиёга чиқариб қўйди. Уринларимни юмшоқ қилиб солиб, менга хайрли туш тилайдиган бўлди:

— Яхши ётиб туринг, даласи. Бугун яхшилаб туш кўринг-чи, сизларга ким бошлиқ бўларкан?

Эрталаб уйғонсам менга савол назари билан қарайди. Бу туш деган нарсани эпақага келтириб бўлса экан! Дам кўрасиз, дам кўрмайсиз. Гоҳ эсда қолади, гоҳида йўқ.

Елка қисаман, хотин хафа ҳам бўлмайди:

— Майли, дадаси, бугун кўрмасангиз эртага кўриб қоларсиз.

Орадан бир ой ўтиб ниҳоят:

—суюнчи чўзавер хотин! — дейиш бахтига муяссар бўлдим.

— Суюнчи биздан-да, дадаси. Ишқилиб, тоғам сизларга бошлиқ бўлибдими?

— Нималар деяпсан?

— Ўртоғингиз Нозимжонми?

— Э, қаеқдаги одамларни топасан-а! Мен бошлиқ бўлибман, мен!

— Вой, ростданми, дадажониси, ростданми? — хотин баралла кўз еши қилиб юборди. — Хайрият, биз бечораларнинг бошимизга ҳам офтоб тушаркан. Шу сариқ папкани қўлтиқлаб ўтиб кетасизмикан — деб ўйловдим.

— Э, бу бир туш-да.

— Бизга келганда туш бўлиб қолдими, бекорларнинг бештасини айтибсиз, — дея сандиқдан янгги костюм-шим олиб кийгизди... Галстук топиб бўйнимга боғлади. Билмадим, буларни кимга атаб олиб қўйган экан. Ҳатто туфлимни ёглаб берди.

— Бошлиқ деган ходимларидан яхшироқ кийиниб юриши керак.

— Бўлмайдиган гапларни қўйсанг-чи!

— Бўлади, мен айтдимми, бўлади.

Топиб гапирган экан-вей, бир ҳафта ўтмай бошлиқ бўлдим.

Хотин мени ўтказгани жой тополмай қолди. Қўшниларга ҳам таърифимни терак бўйли қилиб юборибди, кураверасиз-да, эшигимиз тагида турна қатор бўлиб туришларини:

— Суннатилло, лоторея олмоқчи эдим, бир туш кўриб бергинчи ютаманми, йўқми?

— Қизимни Тоҳиржон сополга узатаётгандим, бахтли бўлармикан, кўргин-чи?

Туш кўриш қаеқда дейсиз. Қайтанга тушимда ўзимни кўрибман: сувга чўкиб кетдим.

Бу хабарни эшитиб хотин умуман сувга яқин йўлатмай қўйди. Ваннага тушсам ҳам тепамда турадиган бўлди:

— Елкамизга офтоб тушганда чўкасизми, чўкиб бўпсиз!

Ҳақиқатан ҳам хотин чўккани қўймади. Бу орада янги туш кўришга улгурдим. Ўйланибман.

Хотинимнинг жазавасини қўяверасиз энди:

— Бекорларни айтибсиз. Тегирмон навбати билан. Аввал чўкасиз, кейин ўйланасиз.

— Ўйлаб гапир, чўккан одам қандай қилиб ўйланади? Аввал ўйлансам керак, кейин майли...

— Икки дунёдаям рози эмасман.

Ҳозирча тортишиб юрибмиз, яна туш кўриб қоларман.

Саид АНВАР

ҚАРҒА

Мен қарғаман, қарғаман,.
Бекор сўкиб қарғаманг.
Мен-ку бир беозор қуш,
Сизга нима қилдим, хўш?
Тўғри "қағ-қағ" этаман.
Ўз кўнглим чоғ этаман.
Бунинг нимаси ёмон,
Ахир, қиш совуқ чунон.
Турмайман-да титраб зор,
Анов мусича мисол,
Қуйлайман — "қаҳ" этаман,
Кўнглимни чоғ этаман.
Деманг: "Шундай паллада
Бало борми "ялла"га".
Баҳор, ёздамас фақат,
Куйлаш керак ҳамма вақт.
Шунда қолмайсиз қотиб,
Ётмайсиз хуррак отиб.

ҚАЛИН ДЎСТ

Дўст билинар деганлар
Мушкул кунлар келганда.
Бир қалин дўстим бор, зўр
Жуда меҳрибон, ғамхўр.

Совуқ, аёзли кунда
Мендан ажрамай сира,
Олиб иссиқ бағрига
Асрар қишнинг қаҳридан.

Айланай бу дўстимдан,
Яъни иссиқ пўстиндан.

Дилшод РАЖАБОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Мукарамма МУРОДОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 010. Ҳажми — 4 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6